

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАЎБАР КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ
ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

Барча таълим йўналишлари учун
“ТАЪЛИМДА ИЛҒОР ХОРИЖИЙ
ТАЖРИБАЛАР”

модули бўйича

Ў Қ У В – У С Л У Б И Й М А Ж М У А

Тошкент - 2016

**Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлигининг 2016 йил 6 апрелидаги 137-сонли буйруғи билан
тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.**

Тузувчилар: Низомий номли ТДПУ,
катта ўқитувчилар. М.Муталипова, М.Имомов.

Такризчи: Гейделберг педагогика университети (Германия),
профессор. Hans-Werner Huneke.

*Ўқув-услубий мажмуа ТДПУ Кенгашининг 2016 йил 29 августдаги
1/3.8-сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.*

МУНДАРИЖА

I. ИШЧИ ДАСТУР	4
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.....	12
III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР	22
IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАТЕРИАЛЛАРИ	144
V. КЕЙСЛАР БАНКИ.....	175
VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ.....	178
VII. ГЛОССАРИЙ	180
VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	186

I. ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сон Фармонидаги устувор йўналишлар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қилади. Дастур мазмуни олий таълим муассасалари педагог кадрларнинг касбий тайёргарлиги даражасини ривожлантириш, уларнинг илғор педагогик тажрибаларни ўрганишлари ҳамда замонавий таълим технологияларидан фойдаланиши, хорижий мамлакатлар таълим тизимида замонавий ёндашувлар ҳақида маълумот беради.

Ушбу дастур мазмунида ривожланган Европа давлатлари (Германия, Англия, Франция, Канада), Осиё мамлакатлари (Япония, Жанубий Корея) ва Америка Қўшма Штатлари каби давлатларнинг ўқув, ўқув-услубий, илмий-тадқиқот жараёнлари, модулли таълим тизими моҳияти, Европа ягона таълим муҳити (Болонья жараёни), модулли-кредит тизими моҳияти, ECTS кредитлари, унинг асосий тамойиллари ва хусусиятлари ҳақидаги маълумотлар баён этилган.

Шу билан бирга олий таълим муассасалари профессор – ўқитувчиларининг мунтазам касбий ўсишда интерактив методлар, педагогларнинг таҳлилий, танқидий ва ижодий фикрлашини ривожлантиришга йўналтирилган инновацион методикалар, мустақил таълим олишни кенгайтиришни назарда тутувчи техника ва технологиялардан фойдаланган ҳолда машғулотлар олиб бориш малака ва кўникмаларини ривожлантириш назарда тутилади.

Дастур доирасида берилётган мавзулар тингловчилар педагог кадрларга қўйиладиган давлат талабларини, таълим хизматларини кўрсатиш борасидаги илғор хорижий тажрибалар, замонавий инновацион таълим технологиялари ва уларнинг турларини билишлари, тингловчи шахси ва унинг хусусиятини ҳисобга олган ҳолда таълимда индивидуал, интегратив ва дифференциал ёндошувга эришувлари, ахборот технологияларидан таълим-тарбия жараёнида самарали фойдалана олиш кўникмаларига эга бўлишларини таъминлашга қаратилган.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

“Таълимда илғор хорижий тажрибалар” **модулининг мақсади:** педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курс тингловчиларини ўқув жараёнини ташкил этиш ва унинг сифатини таъминлаш борасидаги илғор хорижий тажрибалар, замонавий ёндашувлар, замонавий таълим ва инновацион технологиялар соҳасидаги илғор хорижий тажрибалар: модулли-кредит тизими, дифференциал, интегратив, масофали ўқитиш, маҳорат дарслари, вебинар, эвристик методларни ўзлаштириш, жорий этиш, таълим амалиётида қўллаш ва яратиш кўникма ва малакаларини таркиб топтириш.

“Таълимда илғор хорижий тажрибалар” **модулининг вазифалари:**

- ўқув жараёнини ташкил этиш ва унинг сифатини таъминлаш борасидаги илғор хорижий тажрибаларни, уларнинг ўзига хосликлари ва қўлланилиш соҳаларини аниқлаштириш;

- тингловчиларда модулли-кредит тизими, хориж тажрибаларидан самарали фойдаланиш кўникма ва малакаларини ривожлантириш;

- тингловчиларда замонавий таълим ва инновацион технологиялар соҳасидаги илғор хорижий таълим технологияларидан самарали фойдаланиш лаёқатларини ривожлантириш.

Модул бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

“Таълимда хорижий тажрибалар” курсини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

Тингловчи:

- ўқув жараёнини ташкил этиш ва унинг сифатини таъминлаш борасидаги илғор хорижий тажрибалар;

- ривожланган давлатлар таълим тизимларининг ўзига хосликлари;

- замонавий таълим ва инновацион технологиялар соҳасидаги илғор хорижий тажрибалар: масофали ўқитиш, маҳорат дарслари, вебинар дарслар, эвристик методлар;

- замонавий таълим ва инновацион технологиялар соҳасидаги илғор хорижий таълим технологияларини қўллаш бўйича **билимларга эга бўлиши;**

Тингловчи:

- модул блокларини тайёрлаш;

- модулли таълим технологияларига асосланган ўқув машғулотларини лойиҳалаш ва режалаштириш;

- ўқув фанлари бўйича модулли-кредитлар тақсимотини амалга ошира олиш ;

- интерфаол таълим технологиялари соҳасидаги илғор хорижий тажрибаларни олий таълим амалиётига самарали татбиқ этиш **кўникмаларини эгаллаши;**

Тингловчи:

- инновацион таълим технологияларини оқилона танлаб олиш;

- илғор хорижий тажрибалар асосида замонавий ва инновацион таълим технологияларини ишлаб чиқиш ва оммалаштириш **малакаларини эгаллаши;**

Тингловчи:

- инноватор, тьютор, модератор ва фасилилаторлик фаолиятини самарали амалга ошириш;

- ривожланган давлатлар таълим тизимини қиёсий таҳлил қилиш, ижобий жиҳатларини тажрибада қўллаб кўриш;

- талабаларни мустақил изланишли-ижодий фаолиятга жалб этиш **компетенцияларини эгаллаши лозим.**

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“Таълимда илғор хорижий тажрибалар” курси маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Мазкур модулни ўқитиш жараёнида қуйидаги инновацион таълим шакллари ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;

- амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий ҳужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш, ассисмент ва бошқа интерактив таълим усуллари қўллаш назарда тутилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

“Таълимда илғор хорижий тажрибалар” модули бўйича машғулотлар ўқув режасидаги “Илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат” ўқув модулининг “Педагогик компетентлик ва креативлик асослари” ҳамда “Таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш” ўқув модули билан узвий алоқадорликда олиб борилади ва педагогларнинг касбий педагогик тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қилади..

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар замонавий ва инновацион хорижий таълим технологияларини ўзлаштириш ва амалиётда қўллашга доир проектив, креатив ва технологик касбий компетентликка эга бўладилар.

Модул бўйича соатлар тақсимоти

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкلامаси, соат				
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юкلامаси			Мустақил таълим
			Жами	жумладан		
				Назарий	Амалий машғулот	
1.	Ривожланган мамлакатлар таълим тизимида замонавий ёндашувлар. Замонавий таълим ва инновацион технологиялар соҳасидаги илғор хорижий тажрибалар. Дифференциал, интеграцион ва масофавий таълим.	3	2	2		1
2.	Таълим соҳасини ривожлантириш бўйича хорижий тажрибалар: Модулли таълимнинг мазмун моҳияти. Модулли-кредит тизими. ECTS кредитлари: хусусиятлари ва тамойиллари.	3	2	2		1
3.	Ривожланган давлатлар таълим тизимининг қиёсий таҳлили. Иқтидорли ёшлар таълими.	2	2		2	
4.	Индивидуал ва дифференциал таълимнинг ўзига хосликлари. Тўлдирувчи таълим.	2	2		2	
5.	Жаҳон мамлакатларида таълим тизимига замонавий ёндашувлар:	2	2		2	

	интеграцион таълим. Махсус таълим.					
6.	Таълим соҳасини ривожлантириш бўйича хорижий тажрибалар: Модулли-кредит тизими.	2	2		2	
Жами:		14	12	4	8	2

МАЪРУЗА МАШҒУЛОТЛАРИ МАЗМУНИ

1- мавзу: Ривожланган мамлакатлар таълим тизимида замонавий ёндашувлар. Замонавий таълим ва инновацион технологиялар соҳасидаги илғор хорижий тажрибалар.

Ривожланган мамлакатлар таълим тизимининг ўзига хосликлари. Замонавий таълим ва инновацион технологиялар соҳасидаги илғор хорижий тажрибалар: blended learning (аралаш ўқитиш), маҳорат дарслари, вебинар, эвристик методлар ва бошқ. Замонавий таълимда тьютор, супервизор, фасилитатор, эдвайзер ва модераторлик фаолияти. Хориж таълим тажрибасида дифференциал таълим, интегратив ва масофавий таълим масалалари.

2-мавзу: Таълим соҳасини ривожлантириш бўйича хорижий тажрибалар. Модулли таълим тизимининг мақсади, вазифалари, мазмуни. Модулли-кредит тизими.

Хорижий мамлакатлар таълим тизимида замонавий ёндашувлар: Болонья декларацияси ва Европа ягона таълим муҳити. Модулли таълим мақсади ва вазифалари, мазмуни, моҳияти. Модулли таълим тамойиллари. Модул блоклари. Модулли-кредит тизими моҳияти. ECTS кредитлари. ECTSнинг асосий тамойиллари. ECTSнинг хусусиятлари. Кредитларни тақсимлаш ва ECTS ўқув режаларига ўтиш методикаси.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-амалий машғулот:

Ривожланган давлатлар таълим тизимининг қиёсий таҳлили. Иқтидорли ёшлар таълими - дифференциал таълимнинг асосий йўналиши сифатида.

Япония таълим тизими. Жанубий Корея таълим тизими. Германия таълим тизими. Франция таълим тизими. Канада таълим тизими. Бельгия таълим тизими. АҚШ таълим тизими. Давлатлар таълим тизимининг қиёсий таҳлили. Иқтидорли ёшлар таълими.

2-амалий машғулот:

Индивидуал ва дифференциал таълимнинг ўзига хосликлари. Тўлдирувчи таълим.

Чет эл таълим тараққиётининг асосий йўналишлари. Дифференциал таълим усуллари. Дифференциал уй вазифасини бериш усуллари. Дифференциал ижодий топшириқлар. Дифференциал баҳолаш усуллари. Дифференциал ёндашувни амалга ошириш талаблари.

Дифференция технологиясининг босқичлари. Дифференциал таълимнинг юзага келиш сабаблари. Индивидуал ва дифференциал ёндашув шахс ривожланишининг муҳим омили сифатида. Талабаларнинг қобилияти ва иқтидорига кўра индивидуал таълим имкониятлари. Тўлдирувчи таълим.

3-амалий машғулот:

Жаҳон мамлакатларида таълим тизимига замонавий ёндашувлар: интеграцион таълим. Махсус таълим.

Интеграциялаштиришнинг моҳияти. Таълим мазмунини интеграциялаш. Таълимни интеграциялаш жараёнлари ва йўналишлари. Таълимда интеграция алоҳида олинган фан доирасида ички илмий ривожланиш сифатида. Интеграция таълим-тарбия жараёнини такомиллаштирувчи ва кўзланган натижани кафолатловчи шарт-шароит ва

усуллар йиғиндиси. Мутахассисликка оид фанлар интеграцияси. Интеграция - синтезнинг юқори даражаси. Махсус таълим.

4-амалий машғулот:

Таълим соҳасини ривожлантириш бўйича хорижий тажрибалар:

Модулли-кредит тизимининг мазмун моҳияти.

Кредитларни ҳисоблаш ва уларни ўқув фаолиятлари турлари, блоклар ва алоҳида фанлар бўйича тақсимлашда ўтиш коэффициентини аниқлаш. Жаҳон олий таълим тизимида кредит тизими турлари. Кредит тизими таълим натижаларини кўрсатувчи ўлчов бирлиги сифатида.

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларидадан фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);
- давра суҳбатлари (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

№	Баҳолаш турлари	Максимал балл	Баллар
1	Кейс топшириқлари	2.5	1.2 балл
2	Мустақил иш топшириқлари		0.5 балл
3	Амалий топшириқлар		0.8 балл

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.

1. Хулосалаш» (Резюме, Веер) методи

Методнинг мақсади: Бу метод мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар, муаммоли характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айти пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва зарарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда ўқувчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “Хулосалаш” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик гуруҳлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлили қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

Методни амалга ошириш тартиби:



тренер-ўқитувчи иштирокчиларни 5-6 кишидан иборат кичик гуруҳларга ажратади;



тренинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, ҳар бир гуруҳга умумий муаммони таҳлил қилиниши зарур бўлган қисмлари туширилган тарқатм



ҳар бир гуруҳ ўзига берилган муаммони атрофлича таҳлил қилиб, ўз мулоҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатмага ёзма баён қилади;



навбатдаги босқичда барча гуруҳлар ўз тақдимотларини ўтказадилар. Шундан сўнг, тренер томонидан таҳлиллар умумлаштирилади, зарурий ахборотлар билан тўлдирилади ва мавзу

Намуна:

Дифференциал, интеграцион, масофавий таълим					
Дифференциал т.		Интеграцион таълим		масофавий таълим	
афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги
Хулоса:					

2. «ФСМУ» методи

Технологиянинг мақсади: Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзунини сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

Технологияни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:



- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гуруҳий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий

машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

Намуна.

Фикр: “Япония таълим тизими энг самарали таълим тизимларидан биридир.”.

Топшириқ: Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.

3. “КОНЦЕПТУАЛ ЖАДВАЛ”

Концептуал жадвал ўрганилаётган ҳодиса, тушунча, фикрларни икки ва ундан ортиқ жиҳатлари бўйича таққослашни таъминлайди. Тизимли фикрлаш, маълумотларни тузилмага келтириш, тизимлаштириш кўникмаларини ривожлантиради.

Тингловчилар:

1. Концептуал жадвални тузиш қондаси билан танишадилар. Таққосланадиганларни аниқлайдилар, олиб бориладиган таққосланишлар бўйича хусусиятларни ажратадилар

2. Алоҳида ёки кичик гуруҳларда концептуал жадвални тўлдирадилар:

- *узунлик бўйича* таққосланадиган (фикр, назариялар) жойлаштирилади;
- *ётиги бўйича* таққосланиш бўйича олиб бориладиган турли тавсифлар ёзилади.

3. Иш натижаларининг тақдимоти.

«Иқтисодий ривожланган хорижий давлатларда таълим тизими» мавзусидаги концептуал жадвал (лавҳа)

Иқтисодий ривожланган хорижий давлатлар (ўқитувчи ва тингловчиларнинг ҳохишига кўра)	Таълим тизими			
	<i>Мактабгача таълим</i>	<i>Умумий ўрта таълим</i>	<i>Ўрта махсус таълим</i>	<i>Олий таълим</i>
Америка Қўшма Штатлари				
Франция				
Германия				

Япония				
Китай				
Жанубий Корея				

4. ВЕНН ДИАГРАММАСИ

ВЕНН ДИАГРАММАСИ-2 ва 3 жихатларни ҳамда умумий томонларини солиштириш ёки таққослаш ёки қарама-қарши қўйиш учун қўлланилади.

Тизимли фикрлаш, солиштириш, таққослаш, таҳлил қилиш кўникмаларини ривожлантиради.

Тингловчилар:

1) кичик гурҳларда Венн диаграммасини тузадилар ва кесишмайдиган жойларида ривожланган давлатлар таълим тизимига оид фикрларини ойдинлаштириб олиб, тўлдирадилар.

2) жуфтликларга бирлашадилар, ўзларининг диаграммаларини таққослайдилар ва тўлдирадилар.

3) доираларнинг кесишувчи жойида икки доира учун умумий бўлган фикрлар рўйхатини тузади.

4) иш натижаларининг тақдимоти.



5. Икки қисмли кундаликлар

Икки қисмли кундаликлар ўқувчиларга матн мазмунини ўз шахсий тажрибаси билан чамбарчас боғлаш, ўзининг табиий қизиқувчанлигини

кондириш имконини беради. Айниқса, ўқувчилар қандайдир адабиётларни ўқув аудиториясидан ташқари ўқиб чиқиш топшириғини олишганида икки қисмли кундаликлар фойдалидир.

Икки қисмли кундалик учун ўқувчилар ёзилмаган қоғознинг ўртасидан тик чизик ўтказиб, уни иккига ажратишлари керак. Қоғознинг чап томонига матннинг қайси қисми уларга энг кўп таассурот қолдирганини қайд этишади. Эҳтимол, у қандайдир хотирани уйғотар ёки ҳаётларида юз берган воқеаларни эсга туширар, ёки шунчаки таажжубга солар. Ёхуд уларнинг қалбида кескин норозилик ҳиссини уйғотар. Ўнг томонида улар шарҳ беришлари керак: айна шу цитатани ёзишга уларни нима мажбур этди? Уларга қандай фикрлар уйғотди? Шу муносабат билан уларда қандай савол туғилди? Қисқаси, матнни ўқиркан, ўқувчилар вақти-вақти билан тўхташлари ва ўзларининг қўшалок кундаликларида шундай белгилар қўйиб боришлари керак.

Қуйида ана шундай икки қисмли кундаликка мисол келтирамыз:

Ўзбекистонда узлуксиз таълим тизими	
Японияда “Дзюку” тўлдирувчи мактаблари	
Жанубий Кореяда чет тилини ўргатувчи “хагвон”–қўшимча мактаблар	
Германияда бошланғич таълим хусусиятлари	
Францияда ўрта таълим: коллежлар ва лицейлар	

6. Б/Б/Б чизмаси

Б/Б/Б чизмаси-Биламан/ Билишни хоҳлайман/ Билиб олдим. Мавзу, матн, бўлим бўйича изланувчиликни олиб бориш имконини беради.

Тизимли фикрлаш, тузилмага келтириш, таҳлил қилиш кўникмаларини ривож-лантиради.

Талабалар:

1. Жадвални тузиш қоидаси билан танишадилар. Алоҳида /кичик гуруҳларда жадвални расмийлаштирадилар.

2. “Мавзу бўйича нималарни биласиз” ва “Нимани билишни хоҳлайсиз” деган саволларга жавоб берадилар (олдиндаги иш учун йўналтирувчи асос яратилади). Жадвалнинг 1 ва 2 бўлимларини тўлдирадилар.

3. Маърузани тинглайдилар, мустақил ўқийдилар.

4. Мустақил кичик гуруҳларда жадвалнинг 3 бўлимни тўлдирадилар

Б/БХ/Б ЖАДВАЛИ		
Биламан	Билишни хоҳлайман	Билиб олдим

7. Бир неча манбалардан фойдаланиб маъруза тайёрлаш.

Талабалар одатда семинар машғулотларида жавоб бериш учун маърузалар тайёрлашади. Бунинг учун талабаларга маърузалар тайёрлаш йўллари ва имкониятларини ўргатиш лозим. Ана шундай имкониятлардан бири-бу бир неча манбалардан фойдаланиб маъруза тайёрлаш ҳисобланади. Мазкур маъруза жадвал ҳолатида тайёрланиб, талабага жавоб бериш учун таянч сигнал вазифасини бажаради. Бунинг учун талаба беш устундан ва материлнинг ҳажмига қараб бир неча устундан иборат оддий жадвал тузади. Юқоридаги қатордаги устунларда ахборотнинг турли манбалари номини кўрсатишади: дарсликлар, журнал мақолалари, интернет материаллари, интервьюлар.

Чап томондан биринчи катакнинг ҳар бир қаторига талаба мавзуга тегишли ёки жавоб олиниши зарур бўлган саволни ёзади:

Саволлар	Дарслик	Журнал мақолалари	Интернет материаллари	Интервью
Дифференциал таълим нимани англатади?				
Тўлдирувчи таълим турларини айтинг.				
Интеграцион таълимнинг мазмун моҳияти.				
Хориж тажрибасида иқтидорли талабалар билан ишлаш масалалари				
Модулли таълимнинг афзаллиги нимада?				
Модулли-кредит тизими мазмун моҳияти.				

8. “Модулли-кредит тизими” мавзусига доир тоифалаш жадвали

“Модулли-кредит тизими” тушунчаси тавсифи	Кредит технологияси бўйича тингловчилар билимини баҳолаш методикаси	“Модулли-кредит тизими”нинг хусусиятлари	“Модулли-кредит тизими”нинг тамойиллари
--	--	---	--

9. “Ассисмент” методи.

Методнинг мақсади: мазкур метод таълим олувчиларнинг билим даражасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш кўрсаткичи ва амалий кўникмаларини текширишга йўналтирилган. Мазкур техника орқали таълим олувчиларнинг билиш фаолияти турли йўналишлар (тест, амалий

кўникмалар, муаммоли вазиятлар машқи, қиёсий таҳлил, симптомларни аниқлаш) бўйича ташҳис қилинади ва баҳоланади.

Методни амалга ошириш тартиби:

“Ассисмент” лардан маъруза машғулотларида талабаларнинг ёки катнашчиларнинг мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги маълумотларни баён қилишда, семинар, амалий машғулотларда эса мавзу ёки маълумотларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, шунингдек, ўз-ўзини баҳолаш мақсадида индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, ўқитувчининг ижодий ёндашуви ҳамда ўқув мақсадларидан келиб чиқиб, ассесментга қўшимча топшириқларни киритиш мумкин.

Намуна. Ҳар бир катакдаги тўғри жавоб 5 балл ёки 1-5 балгача баҳоланиши мумкин.

Тест	Қиёсий таҳлил
<ul style="list-style-type: none">• 1.Японияда ўқиш қайси фасл ва ойда бошланади?• ноябрь• сентябрь• Апрель	<ul style="list-style-type: none">• Ғарб ва Шарқ таълим тизимини қиёсий таҳлил қилинг.
Тушунча таҳлили	Амалий кўникма
<ul style="list-style-type: none">• “Кредит тизими” тушунчасини тушунтиринг...	<ul style="list-style-type: none">• Илғор хорижий тажрибалардан биттасини (метод) амалда кўрсатиб беринг.

10. “Инсерт” методи

Методнинг мақсади: Мазкур метод талабаларчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билимларни ўзлаштирилишини энгиллаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод тингловчилар учун хотира машқи вазифасини ҳам ўтайди.

Методни амалга ошириш тартиби:

- ўқитувчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари

мазмунни ёритилган инпут-матнни тарқатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;

➤ янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн таълим олувчиларга тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намойиш этилади;

➤ таълим олувчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, ўз шахсий қарашларини махсус белгилар орқали ифодалайдилар. Матн билан ишлашда талабалар ёки қатнашчиларга қуйидаги махсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:

Белгилар	1-матн	2-матн	3-матн
“V”-таниш маълумот.			
“?”-мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак.			
“+” бу маълумот мен учун янгилик.			
“– ” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман			

Белгиланган вақт якунлангач, таълим олувчилар учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб, изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот якунланади.

11. “Тушунчалар таҳлили” методи

Методнинг мақсади: мазкур метод талабалар ёки қатнашчиларни мавзу буйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу буйича дастлабки билимлар даражасини ташхис қилиш мақсадида қўлланилади.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- талабаларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар,

тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади (индивидуал ёки гуруҳли тартибда);

- талабалар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тўғри ва тўлиқ изоҳини ўқиб эшиттиради ёки слайд орқали намойиш этади;
- ҳар бир иштирокчи берилган тўғри жавоблар билан ўзининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

Намуна: “Модулдаги таянч тушунчалар таҳлили”

Тушунчалар	Сизнингча бу тушунча қандай маънони англатади?	Қўшимча маълумот
Тьютор	устоз, мураббий вазифасини бажаради	
эдвайзер	тингловчиларнинг индивидуал ҳолда битирув малакавий иши, курс лойиҳа ларини бажаришда маслаҳатчи ролини бажаради	
дзюку	Японияда тўлдирувчи таълим	
хагвон	Жанубий Кореяда чет тилини ўрганиш бўйича тўлдирувчи таълим	
фасилитатор	гуруҳлардаги фаолият натижасини самарали баҳолайди, муаммонинг илмий ечимини топишга йўналтиради	
Вебинар дарс	семинар ёки конференция Интернет орқали бир вақтда ҳозир бўлган тингловчилар билан аудио видео билан жонли олиб борилади	
Blended learning (аралаш ўқитиш)	кундузги анъанавий таълим ва масофавий таълимнинг унсурлари комбинацияси	

Изоҳ: Иккинчи устунчага қатнашчилар томонидан фикр билдирилади.

III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

1 - Мавзу: Ривожланган мамлакатлар таълим тизимида замонавий ёндашувлар.

Режа:

1. Ривожланган мамлакатлар таълим тизимининг ўзига хосликлари.
2. Замонавий таълим ва инновацион технологиялар соҳасидаги илғор хорижий тажрибалар: blended learning (аралаш ўқитиш), маҳорат дарслари, вебинар, эвристик методлар ва бошқ. Замонавий таълимда тьютор, супервизор, фасилитатор, эдвайзер ва модераторлик фаолияти.
3. Хориж таълим тажрибасида дифференциал, интегратив ва масофавий таълим масалалари.

Таянч иборалар: blended learning (аралаш ўқитиш), маҳорат дарслари, вебинар дарс, эвристик методлар, тьютор, супервизор, фасилитатор, эдвайзер, модераторлик фаолияти, триместр, “ханлар”, дзюку мактаблари, гакуэнлар, танки-дайгаку, кенкю-сей, элементар таълим, йўналиш мактаблари, асосий мактаб, реал мактаб, гимназия, умумий мактаб, фонд стипендиялари, Макс Планк жамияти, Гельмгольц жамияти, Фраунгофер жамияти, Лейбниц жамияти, касбий академия, хагвонлар, “фуқаролик мактаби”, хангил, ханча, сусен-стандарт тестлари, чесусенлар, фламанд мактаб дастури, субсидия, “она мактаб”, дифференциал таълим, интегратив таълим, масофавий таълим.

1.1. РИВОЖЛАНГАН МАМЛАКАТЛАР ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИКЛАРИ. ЯПОНИЯ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ.

Япония-жуда тез ривожланаётган давлат бўлиб, бу ҳол асосан японларнинг табиатан меҳнатсеварлик ва ишбилармонлиги билан боғлиқдир. Дунёдаги барча янгиликлар ва юксалишлар сари интилиш, энг сўнгги ютуқлардан фойдаланиш ва уларни янада ривожлантириш - бу япон халқининг азалий миллий одатларига айланиб қолган. Бугунги кунда Япония дунёдаги барча давлатлар учун очиқ ва ҳалқаро ҳамкорлик майдонида фаол

иштирок этиб келмоқда. Японияда жуда қадимдан халқнинг ақлий имкониятларидан фойдаланувчи фан ва техникани қўллаш сиёсати энг муҳим ўрин тутди. Ҳозирги даврда Япония илмий тадқиқотларга кетган сармоя миқдори бўйича дунёда 2-ўринда туради.

Япония таълимнинг шаклланиши 1867-1868 йилларда бошланган. Япония ўз олдига 2 вазифани: 1-бойиш, 2-ғарб технологияларини Япония ишлаб чиқаришига киритиш масаласини қўйди ва бу ишни амалга ошириш учун биринчи галда таълим тизимини тубдан ўзгартириш кераклигини англади.

Мактабгача таълим.

Мактабгача таълимга Японияда катта эътибор берилди, чунки психологларнинг таъкидлашича 7 ёшгача инсон билимларни 70%ни, қолган 30%ни бутун қолган умри давомида ўзлаштирар экан. Мактабгача тарбия одатда оиладан бошланади. Япон аёллари учун оналик биринчи ўринда туради. Кўпгина япон аёлларининг айтишларича, бола тарбияси-уларнинг ҳаётларининг мақсадларидир.

Японлар боланинг эрта вояга етиши тарафдоридирлар. Турли ёшларда тарбиянинг турли муаммоларига урғу беради. Масалан, 1 ёшда-ўзига ишонч ҳиссини уйғотиш, 2 ёшда-амалий санъат қўл меҳнатини кўрсатиш, 3 ёшда-бурч ҳиссини тарбиялаш, 4 ёшда-яхшилик ва ёвузликни фарқлашга ўргатиш, 5 ёшда-лидерлик ҳислатларини тарбиялаш, мустақилликка, режа тузиш ва уларни бажаришга ўргатиш. Болалар ва қизлар турлича тарбияланадилар. Ўғилга оиланинг бўлажак таянчи сифатида қарайдилар ва қийинчиликларни енгишга ўргатадилар. Қизларни эса уй ишларига тайёрлайдилар.


Япония боғчаларида болаларни 8 кишилик кичик гуруҳлар-“хан”ларга бўлади. Бу болаларга боғчада “ўз иш ўрни” ажратилади, улар ўз ханларига ном танлайдилар. Шу тариқа энг кичик ёшдан жамоада ишлашни ўргатадилар. Бу гуруҳдаги ҳар бир ўқувчи гуруҳда ўз ўрнига эга бўлиши лозим. Бундай ханлар кейинги таълим босқичида ҳам қўлланилади. Ўрта мактабда ханлар доимий эмас, улар янги шароитларга тезроқ кўникиш учун

хар 5 ойда ўзгартириб турилади. Япония боғчаларига 3-5 ёшдаги болалар қабул қилинади. Болалар боғчаларининг мақсади болаларнинг ақлий ва жисмоний қобилиятларини ривожлантириш, мустақиллик ва ички тартиб кўникмаларини тарбиялаш, жамият ҳодисаларига тўғри муносабатда бўла олишни ўргатишдан иборат. Шунингдек, оғзаки нутқ, сўзларни тўғри қўллашни ўргатишга ҳам катта эътибор берилади. Эртақлар, китоблар, мусиқа, спорт ўйинлари, рассомлик каби шахснинг ижодий хусусиятларига қизиқиш уйғотилади. Ҳозирги кунда мактабгача тарбия муассасаларига 60% болалар жалб этилган. Бошланғич таълимга эрта қабул қилишга ўтиш мақсадида 4-5 ёшдаги болаларнинг барчасини болалар боғчасига жалб қилиш кўзда тутилмоқда.

Болалар боғчаси Японияда ватан фуқаросини шакллантириш тизимининг 1-босқичи ҳисобланади. Мустақил фаолият, жамоавий онг, ижтимоий масъулият кўникмаларини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Болалар боғчасининг асосий вазифаси-болани мактабга тайёрлашдир. Бу ерда расм, мусиқа, ритмика, жисмоний тарбия бўйича машғулотлар ўтилади. Индивидуаллик, у қанчалик яхши бўлмасин, ўқувчиларни ўзига жалб қилмайди, болалар жамоаси томонидан қабул қилинмайди.

Бошланғич таълим -“сёгакко”



Узлуксиз таълим тизими

Мақтаблар қуйидагича бўлинган:

1. Бошланғич мактаб 6 йил.
2. Ўрта мактаб 3 йил.
3. Юқори мактаб 3 йил.

Бошланғич мактаб таълимнинг илк 6 йилини қамраб олади ва унинг асосий қисми ҳисобланади. Японияда мактабга 6 ёшдан борилади.

Бошланғич мактабга 6 ёшдаги япон болаларнинг 99% қатнайди. 99% япон бошланғич мактаблари давлат тасарруфида, 1% - хусусий. Ўқув режасига япон тили, гуманитар фанлар, арифметика кабилар киради. Санъат ва хунар (япон хусни хати), мусиқа, уй хўжалигини юритиш, жисмоний тарбия, ахлоқий одобнома академик предметлар ҳисобланмайди. Японияда бошланғич таълим мажбурий ва бепул бўлиб, машғулотлар апрель ойида бошланади. Ўқув йили 3та чорак-триместрга бўлинади. 1-чорак-6 апрелдан-20 июлгача давом этади, кейин ёзги таътил бошланади. 1-сентябрдан 2-триместр бошланади ва 26 декабргача давом этади. 26-декабрдан 7-январгача қишли таътил бўлади. Охириги 3-триместр 7-январдан 25-мартгача давом этади. 25-мартдан 6-апрелгача баҳорги таътил бўлади. Шу пайтда ўқувчилар синфдан синфга кўчади. Чорак-триместрларнинг бошланиши ва тугалланиши турли мактабларда турли саналарга тўғри келиши мумкин. Таътил пайтида ўқувчилар уй вазифаларини оладилар. Баъзан таътил пайтида ҳам, агар триместрда яхши ўқимаган бўлса, махсус курсларда ўқийдилар. Японияда ўқиш 6 кунлик, лекин ҳар 2-шанба дам олиш куни ҳисобланади. Мактабларда ўқитиш дастури ўзгарувчан, лекин Таълим вазирлиги тасдиқлаган стандартларга асосланади. Бошланғич таълимни молиялаштириш, ўқитувчилар билан таъминлаш, мактаб дастурларини яратиш маҳаллий ҳокимият зиммасида. Бошланғич таълимда болалар давлат ҳисобидаги 1945 канджи иероглифдан 1006тасини ёд олиши керак. Бошланғич таълим “сёгакко” қуйидаги вазифаларни ҳал қилади:

-ўқувчиларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ватанига, ўз кадриятларига ҳурмат ҳиссини ўргатиш;

-ўқувчиларни халқаро ҳамкорлик руҳида тарбиялаш;

-она тилидан тўғри фойдаланиш;

-иқтисодий тарбия бериш;

-баркамол шахсни тарбиялаш.

Ўқув мақсадларига аниқ ўқув фанлари бўйича ўқув режалари ва дастурларни тайёрлаш орқали эришилади. Бошланғич мактабда япон тили

жамиятшунослик, табиийёт, мусиқа, расм ва ҳунар, уй ижодиёти, этика каби фанлар ўқитилади, жисмоний тарбия билан шуғулланадилар. Шунингдек “махсус фаолият” фани ҳам ўқитилади, унга клуб ишлари, мажлислар, спорт тадбирлари, саёҳатлар, байрамлар ва б. киради. Кам таъминланган оилаларнинг болалари мактаб нонушталари, турли хизмат ва саёҳатларга пул тўлаш учун дотация оладилар. Ота-оналар фарзандларини ўз туманларида жойлашган мактабга боришини истамасалар, хусусий пулик таълим муассасасига беришлари мумкин, лекин бу мактабларга жуда қийин танлов орқали қабул қилинади.

Японияда ўрта ва юқори мактаб тизими. Кичик ўрта мактаб-тюгакко.



Бошланғич мактабни тугатган ўқувчи ўқишни кичик ўрта мактабда давом эттириши лозим. Япон тили, математика, жамиятшунослик, этика, табиийёт, мусиқа, санъат, махсус фаолият, жисмоний тарбия, техник маҳорат ва уй хўжалигини юритиш каби мажбурий фанлардан ташқари ўқувчилар чет тили, қишлоқ хўжалиги ёки математикадан чуқурлаштирилган курс каби фанларни танлашлари мумкин.¹

¹ <http://www.mext.go.jp/>

Кичик ўрта мактаб 3та синф 7,8,9-синфларни ўз ичига олади ва мажбурий таълимнинг охириг босқичи бўлиб ҳисобланади. Ўқувчилар ёши 12дан 15 ёшгача бўлади. Худди бошланғич мактабдагидай, ўрта мактабнинг асосий қисми давлат тасарруфида, 5%-хусусий. 2001 йил апрелдан бошлаб инглиз тили мажбурий фан бўлиб ҳисобланади. Кўпчилик ўқувчилар битта ёки бир неча мактаб тўғараклари, қизиқишлари бўйича клубларга қатнашадилар. Бу дарсдан кейин соат 18:00гача иш кунлари, дам олиш кунлари эрталабки вақтни эгаллайди.

Кичик ўрта мактабда ўтиладиган фанлар қаторига инглиз тили, бир неча танлов фанлар киради. Бу фанларнинг таркиби мактабларга боғлиқ. Энг қийин фанлар математика ва япон тили ҳисобланади.

Японликлар фарзандларининг энг яхши, юқори таълим олишини жуда хоҳлайдилар. Таълимга бундай катта эътибор “дзюку” мактабларининг яратилишига асос бўлди. “Дзюку”-нуфузли ўқув муассасаларига тайёрловчи махсус кечки мактаблардир. Бундай мактабларнинг аналоги XVIII асрда япон черковида пайдо бўлган, ҳозирги кунда дзюкулар сони 100 мингдан ошиқ.

“Кичик дзюку”лар 5-6 ўқувчидан иборат бўлиб, ўқитувчининг уйида шуғулланади. “Катта дзюку”лар 5 минггача ўқувчиларни йиғади. Ўқиш бу мактабларда соат 16:50дан 20:50гача давом этади, дарслар душанбадан жумагача бўлади, ҳафталик назоратни одатда якшанба эрталабгача белгилашади.

Юқори (ўрта) мактаб-котогакко.

Юқори (ўрта) мактаб мажбурий эмаслигига қарамай, унда 94% ўқувчилар таҳсил оладилар. Юқори ўрта мактаб сони 55%ни ташкил этади, шунга қарамай давлат ва хусусий катта мактаблар пуллик. Юқори ўрта мактабнинг 1-йил учун дастури ҳаммага бир хил, лекин кейинги 2 йил ичида олий таълим олиш мақсадига кўра курсни танлаш назарда тутилмоқда.

Юқори мактаб дастурлари ўрта мактаб ва бошланғич мактаб дастурларига кўра хилма-хил, лекин ўқувчиларга билимнинг у ёки бу соҳасига ихтисосланиши бўйича имкониятлар яратилади.

Юқори мактабларда ўқиш пулли, лекин давлат муассасаларида арзонроқ. Пулли, хусусий ўрта ва бошланғич мактаблар ҳам бор. Барча пулли таълим муассасаларида стипендиялар конкурси ғолиби бўлса, текин ўқиш мумкин ёки чегирмалар олиш мумкин. Ўрта мактабдан юқори мактабга ўтиш имтиҳонлар натижаларига боғлиқ ҳолда амалга оширилади. Ўрта мактабда ўзлаштириш кўрсаткичига кўра ўқувчи кириш имконияти бор бўлган катта мактаб рўйхатини олади.

Одатдаги давлат мактабларидан ташқари пулли хусусий мактаб-академиялар (гакуэнлар) бор. Шунингдек, умумдавлат мактаби мақомидаги “миллий мактаблар” мавжуд. Бу академияга кириш учун юқори конкурс асосида алоҳида имтиҳонлар топширилади. Бир тарафдан академияда яхши таълим дастурлари мавжуд бўлиб, уларнинг кўпчилиги олий мактаб ёки университетга кириш учун имконият беради.

Япония ҳукумати ОЎЮлари битирувчиларини ўқитувчи лавозимига тайинлашда қаттиқ танлов сиёсатини олиб боради. Бошқа давлатлардан фарқли ўлароқ, давлат мактаби ўқитувчиси бўлиш учун япон фуқароси ўқитувчи дипломини олиши керак ва ўқитувчиликка тайинлаш имтиҳонидан ўтиши керак.

Японияда юқори ўрта мактабларнинг кундузги (ўқиш -3йил), кечки ва сиртқи (ўқиш 4 йил) турлари бор. Кечки ва сиртқи мактабни битирганлик ҳақидаги гувоҳномаси худди кундузги юқори мактабникидай бўлса ҳам, 95% ўқувчилар мактабнинг кундузги бўлимида таҳсил олишади. Юқори мактабларга қабул қилиш кичик мактабни тугатганлик ва кириш имтиҳонлари натижалари бўйича конкурсдан ўтганлиги ҳақидаги ҳужжат асосида амалга оширилади.

Юқори ўрта мактабда япон тили, математика, табиийёт, жамиятшунослик ва б. мажбурий умумтаълим фанларига қўшимча ҳолда ўқувчилар танлов бўйича фанларни таклиф қиладилар, бу инглиз тили, ёки бошқа чет тиллар,

шунингдек, техник ва махсус фанлар бўлиши мумкин. 12-синфда ўқувчилар ўзи учун таълим профилларидан бирини танлаши керак.²

Таълим, фан ва маданият вазирлиги кўрсатмасига кўра, Юқори ўрта мактабда билимларни баҳолашда ОЎЮ тизимидан фойдаланилади. Бу ҳар бир ўқувчи 12 йиллик ўрта таълимни тугатганлиги ҳақида гувоҳнома олиши учун 80 кредит (зачёт бирлиги)ни йиғиши лозим деганидир. Масалан, япон тили ва замонавий япон адабиётини ҳар бир курсини ўрганиш натижалари бўйича 4та кредит берилади, япон тили лексикологияси бўйича 2 кредит, классик тил бўйича-2 кредит.

Японияда касб-ҳунар таълими.

Японияда юқори ўрта мактабда ўқишни ҳоҳламаганлар 5 йиллик “техник коллеж”лар-касбий техника билим юртларига киришлари мумкин. Лекин бу ўқишларга кириш шунчалик оддий эмас, энг яхшиларидан жуда катта конкурс асосида қабул қилинади, чунки Японияда юқори малакали ишчилар жуда ҳам зарур.

Университет ўрнига 2 йиллик коллежга кириш мумкин, унда махсус таълим берилади. Бу коллежларда япон қизларининг 90% ўқийдилар ва аёллар касбини эгаллайдилар: тиббиёт ҳамшираси, болалар боғчаси тарбиячиси, бошланғич синф ўқитувчиси, юқори малакали уй хонимлари, актриса (сэйю).

Япония коллежлари ўз мақоми бўйича бизнинг ўрта махсус таълим муассасалари билан тенг. Улар кичик, технологик, ва махсус тайёргарлик коллежларига бўлинади.

Кичик коллежлар гуманитар, табиий, тиббиёт ва техник фанлар соҳасида тайёргарликнинг икки йиллик дастурини тавсия қилади. Бу коллеж битирувчилари университетнинг 2 ёки 3-курсида ўқишни давом эттиришлари мумкин. Кичик коллежларга қабул тўлиқ ўрта мактаб базасида амалга

² Джалалова Д.Х. Основные тенденции развития современной японской школы. Автореферат дис.к.п.н. 2004.С.-7

оширилади. Талабгорлар кириш имтиҳонлари ва ундан камроқ “Биринчи босқич ютуқлари тести”ни топширадilar.

Японияда технологик коллежларга тўлиқ эмас ёки тўлиқ ўрта таълимни тугатгач кириш мумкин. Биринчи ҳолатда ўқиш муддати 5 йил, иккинчисидан 2 йил.

Бу типдаги коллежларда электроника, қурилиш, машина қурилиши ва бошқа фанлар ўқитилади. Махсус тайёргарлик коллежлари бухгалтер, машинист, дизайнер, дастурчи, автомеханик, тикувчи, ошпаз ва б. каби 1 йиллик касбий курсни тавсия этади. Битирувчилар ОЎЮда, кичик ва техник коллежларда ўқишни давом эттириш ҳуқуқига эга бўладilar.

Нотўлиқ ва тўлиқ ўрта мактаб битирувчиларини маълум касбга тайёрлаш учун 2 типдан иборат мактаб тизими яратилган бўлиб, булар мажбурий таълим базасидаги 1-4 йиллик махсус тайёргарлик мактаблари, ҳамда бир неча ойдан 1-3 йилгача давом этадиган кўп тармоқли мактаблардир.

1978 йил жорий қилинган ва охириги йилларда унинг сезиларли даражада ошган махсус тайёргарлик ва кўп тармоқли мактаблар Япония узлуксиз таълим тизимида муҳим ўрин тутди. Бу мактаблар ўқувчиларга касбий-техник ва умумтаълим йўналиш курсларини таклиф этади. Ўрта касбий таълим 2-3 йиллик кичик коллежлар ва 5 йиллик техник коллежларда олинади. Кичик коллежлар “танки-дайгаку” деб аталади ва бутун Япония таълим тизимининг жуда кўп қисмини ташкил этади.

Кўпчилик миллий кичик коллежлар миллий университетлар қошида ташкил этилган. Кичик коллежларнинг ярми ўрта тиббий ходимларни, чораги юрист ва иқтисодчиларни, қолганлари- техник мутахассисларни тайёрлайди. Муниципал кичик коллежлар жамиятнинг ижтимоий талабларига кўра таълимий ва тадқиқот фаолиятини олиб боради.

Японияда давлат университетларига тўлиқ ўрта мактабни битириб кириш мумкин. **Қабул 2 босқичда ўтказилади. Биринчи босқичда абитуриентлар марказлашган ҳолда университетларга қабул бўйича**

Миллий марказларда ўтказиладиган “Ютуқлар биринчи босқичининг умумий тести”ни топширадилар. Тестни муваффақиятли топширганлар университетда ўтказиладиган кириш имтиҳонларига киритиладилар. Тестдан юқори балл олганлар давлатнинг энг нуфузли университетларига кириш учун имтиҳон топширадилар.

Олий таълим бакалавр даражасини олиш учун 4 йиллик ўқиш белгиланган. Баъзан маълум касбий даражани эгаллаш учун 6 йиллик дастур тавсия қилинади. 2 типдаги университетлар мавжуд: миллий университетлар давлат университетлари.

Японияда кучли 20таликка кирган энг зўр Осиё университетлари: Токио университети, Осако университети, Киото университети, Тохоку университети, Нагоя университети, Токио технология институти, Кюсю университети, Цукуба университетларидир.

Университет танлашда биринчи мезон-унинг нуфузлилигида. Бундай нуфузли ОЎЮ битирган ёш йигит-қизлар дарҳол ишга олинади.

Япония университетларида ўқув жараёнини ташкил қилишнинг ўзига хос хусусияти шундаки, умумиллий ва махсус фанлар аниқ бўлиб ўқитилади.³ Биринчи икки йилликда барча талабалар умумтаълим тайёргарлигини оладилар. Бунда умумиллий фанлар: тарих, фалсафа, адабиёт, жамиятшунослик, чет тиллари ўтилади, шунингдек, бўлажак касби бўйича махсус курсларни эшитадилар. Илк икки йилликда талабалар танлаган касблари моҳиятига чуқуррок кириш имкониятига эга бўладилар, ўқитувчилар эса-талабанинг касбларининг тўғри танлаганликларига ишонч ҳосил қиладилар ва илмий салоҳиятини аниқлашга эришадилар.

Назарий жиҳатдан умумиллий цикл тугагандан сўнг талаба мутахассислик ва ҳатто факультетни ўзгартириши мумкин. Аслида, бундай ҳолатлар кам учрайди ва битта факультет доирасида бўлиши мумкин, бунда ҳам ташаббускор талаба эмас, раҳбарият бўлади. Охириги 2 йилда танланган

³ <http://www.mext.go.jp/>

касб ўргатилади. Барча университетларда ўқиш муддати стандартлаштирилган. Олий таълимда таълимнинг асосий йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича 4 йил ўқитилади. Тиббиёт ходимлари, стоматолог ва ветеринарлар 6 йил ўқишади. Асосий курсни тугатгач, бакалавр даражаси берилади: *gakushi*. Айрим мустасно ҳолатлардан ташқари битта университетдан иккинчисига ўтиш амалда йўқ. Лекин баъзи университетлар чет эллик талабаларни 2 ёки 3-курсга қабул қиладилар, шунда талабаларни ўтказиш бўйича махсус имтиҳонлар ўтказилади (*transfer examination*).

Олий ўқув юртининг тадқиқот ишларига лаёқати бор талабалари ўқишни магистратурада давом эттиради.

Кўплаб университетлар ўқув жараёнини семестр тизими бўйича ташкил қилади. Университетда зачет бирликлари тизими ташкил қилинган. Унда аудитория ва лабораторияда семестр давомида ҳар ҳафта ичида сарфланадиган соатлар сонидан келиб чиқиб, ўқитилаётган курснинг ҳажми белгиланади. Бакалавр даражасини олиш учун 124дан 150 гача зачет бирликларини тўплаш лозим.

Магистрлик даражаси дастури чуқур илмий ва касбий ихтисослаштиришни назарда тутди. 30 зачет бирлигидан иборат бўлган дастур бўйича 2 йиллик таълим, битирув имтиҳонлари ва диссертация ҳимоясидан кейин магистратура битирувчисига магистр даражаси берилади.

3 йиллик докторлик дастурлари 50 зачет бирлиги, битирув имтиҳонлари ва индивидуал тадқиқот асосида ўтказилган диссертация ҳимоясидан иборат ўқув курсини ўз ичига олади. Талаба, магистр ва докторантлардан ташқари япон олий ўқув юртларида, эркин тингловчилар, кўчма талабалар, тадқиқотчи-талабалар ва коллегиал тадқиқотчилар бор

Эркин тингловчилар асосий курсга ёки магистратурага бир ёки қатор курсларни ўрганиш учун қабул қилинадилар. Япония ёки чет эл олий ўқув юртларидан келган кўчма талабалар битта ёки қатор маърузаларда қатнашиш ёхуд магистратура ва докторантурадан илмий раҳбарликни олиш учун қабул қилинадилар. Тадқиқотчи талабалар (*Kenkyu-sei*) мазкур университет

профессори раҳбарлиги остида маълум илмий мавзунини ўрганиш учун бир йиллик магистратурага киради, лекин академик даража берилмайди.

Глоблалашув даврида олий таълим жамият ҳаётида ўта муҳим аҳамиятга эга. Шу нуқтаи назардан Японияда олий таълим тизими жуда қадрлидир.

Японияда олий таълим 12 йиллик бошланғич ва ўрта таълимдан кейин бошланади. Япония олий таълим муассасаларига университетлар, кичик мутахассис дипломини берувчи 2 йиллик коллеж, амалий ва ижодий таълим берувчи технологик коллежлар ва касбий ва амалий қобилиятларни ривожлантиришга қаратилган махсус ўқув коллежлари киради.

Олий таълим битирувчилари қуйидаги даражаларга эга бўладилар:

<i>Университет</i>	<i>Бакалавр даражаси</i>	<i>4 йил</i>
<i>Олий таълимдан кейинги таълим</i>	<i>Магистрлик даражаси</i>	<i>2 йил</i>
	<i>Докторлик даражаси</i>	<i>5 йил</i>
<i>Коллеж</i>	<i>Кичик мутахассис даражаси</i>	<i>2 ёки 3 йил</i>

Олий таълим таъсис этган даражалар:

<i>Технологик коллеж</i>	<i>Кичик мутахассис</i>	<i>5 йил</i>
<i>Махсус мактаб</i>	<i>Мутахассис даража</i>	<i>2 ёки 3 йил</i>
	<i>Юқори малакали даража</i>	<i>4 йил</i>

Японияда университетлар қуйидаги 3 та категорияларга бўлинади:

1. Даставвал Япония ҳукумати томонидан, ҳозирги кунда миллий университет корпорациялари томонидан жорий қилинган миллий университетлар;

2. Жамоат университет корпорациялари, маҳаллий жамоат юридик шахслари, таълим корпорацияларига тегишли хусусий университетлар томонидан жорий қилинган жамоат университетлари;

3. Хусусий университетлар - умумий университетлар сонининг 80% ни ташкил қилади;

4. *Ҳар бир хусусий университет ўзининг ноёб таълим тизими ва илмий тадқиқотларини таклиф этади. Бу университетлар Япония таълим тизимида муҳим аҳамиятга эга.*

Японияда ҳозирги кунда 1200 дан зиёд университет ва коллежлар бўлиб, унда 3.22 млн. талаба таҳсил олади. Японияда барча миллий университетлар 2004 йилдан бошлаб корпорация сифатида қайта ташкил қилинди. миллий университетларнинг бундай бирлашуви таълим ва илмий тадқиқотларнинг янада жонланишига олиб келди. Шунингдек, ҳар бир миллий университет молиявий масалаларда ҳам мустақил бўлди. 2004 йилдан бошлаб жамоат университетлари маҳаллий жамоат юридик шахсларга корпорацияни ўз ҳоҳишига кўра ташкил этиши ва бошқариши имконини берди.

Миллий университет корпорацияларини президент бошқарув тизими бошқаради, унда директорлар кенгаши мавжуд бўлиб, бошқарув ва таълим учун кенгаши органлари фаолият юритади. Миллий университет корпорациялари олти йиллик давр мобайнида вақтни ҳисобга олган ҳолда муваққат режа тузиши керак. Бунда Франция сиёсатининг Олий таълим ҳақидаги сиёсатида кузатилганидек, олий таълим ҳақидаги миллий сиёсат ва университет мустақиллиги ўртасида корпорация ўрнатиши мақсад қилиб олинган.

Миллий университет корпорацияларида штат бирлиги масалалари президент томонидан ҳал этилади. Лекин шунга қарамай, ўқитувчилар таркибининг бандлиги бўйича ҳар бир факультет ёки йўналиши ўзи қарор беради, президент уни маъқуллайди.

Япония хусусий университетларида талабаларнинг 80% таҳсил олишади ва давлатнинг гуллаб-яшнашига ўз ҳиссасини қўшишади.

Япония таълим тизимидаги қатор ижобий ўзгаришларга қарамасдан халқаро хориж университетларига талаб кучли. Шу боис Маориф, Спорт, Фан ва техника вазирликлари университетларнинг таълим фаолиятини яхшилаш борасида қуйидаги ишларни амалга оширди:

- Сифат кафолати ва аккредитация тизими орқали Олий таълим сифатини ошириш;

- Бакалавриат ва магистратура сифатини янада яхшилаш;

- Халқаро рақобатбардошликни кучайтириш;

Япония Олий таълим муассасаларининг халқаро рақобатбардошлигини ошириш мақсадида маълум муддат сифат кафолати ва аккредитация тизими барлаштирилди.

- Инглиз тили синфлари (гуруҳлари)ни ташкил этиш;

Япон талабалари инглиз тилида керакли билимларни олиши учун, хорижлик талабалар Японияда таҳсил олишлари учун қулайлик яратиш мақсадида машғулотлар инглиз тилида ташкил этилди, инглиз тилида курслар очилди.

Японияда кўплаб университетлар аллақачон инглиз тилида дарс ўтиладиган гуруҳларини ташкил этган. Ундан ташқари 50 дан ошиқ олий таълимдан кейинги таълим ўйналишида машғулотлар фақат инглиз тилида олиб борилади.

“300 000 Халқаро талабалар режаси” тизими

Халқаро талабалар алмашинуви нафақат халқаро рақобатбардошликни қўллаб қувватлайди, балки бошқа давлатлар билан дўстлик ва ҳамкорликни ривожлантиради. Шунга кўра япон ҳукумати ҳозирги кунга қадар халқаро талабаларни қабул қилиш ва япон талабаларини чет давлат таълим муассасаларига катта эътибор қаратиб келди.

1983 йил “100 000 халқаро талабаларни қабул қилиш режаси” ишга тушиди, 2003 йил мақсадли 100 000 талаба таҳсил олишга муваффақ бўлди. 2008 йил 1 майдан бошлаб чет эллик талабалар сони 123 829 тага етди. 2008 йил июль ойида жамиятни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш мақсадида Таълим, Маданият, Спорт, Фан ва техника вазирликлари ва бошқа муассасалар, манфаатдор агентликлар “300 000 чет эллик талабалар режаси” тизимини ишга туширди. Бу режани тўлиқ амалга ошириш муддати 2020 йил деб белгиланди.

Мазкур режага кўра “Глобал 30” лойиҳасини амалга ошириш мақсадида Япония университетидан 30 таси танлаб олинди, шулардан қуйидаги 13 таси марказ сифатида белгиланди:

Тохоки университети (Tohoku University)

Цукуба университети (Tsukuba University)

Токио университети (Tokyo University)

Нагоя университети (Nagoya University)

Киото университети (Kyoto University)

Осака университети (Osaka University)

Кюсю университети (Kyusyu University)

Кейо университети (Keio University)

София университети (Sophia University)

Мэйджи университети (Meiji University)

Васеда университети (Waseda University)

Дошиша университети (Doshisha University)

Ритсмейкан университети (Ritsumeikan University)

Японияда университетни молиялаштириш асосан 2 турда амалга оширилади: асосий чиқимларни молиялаштириш, айрим ўқитувчиларнинг илмий тадқиқотлари учун рақобатбардош фондлар ва талабаларга молиявий ёрдам.

Миллий, жамоат ва хусусий университетларни мусобақа асосида молиялаштириш ҳам яхши йўлга қўйилган.⁴

ГЕРМАНИЯ ДАВЛАТИ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ.

Германия Федератив Республикаси 16та мустақил Федератив ерлар (вилоятлар)дан иборат бўлиб, ҳар бири шаклига кўра турлича бўлган таълим тизимига эга. Таълим муассасалари асосан давлат тасарруфида бўлиб, улар учун таълим дастурига тегишли бўлган давлат кўрсатмалари мавжуд.

⁴ Higher Education in Japan. Higher Education Bureau, Ministry of Education, Culture, Sports, Science and Technology. P.34,6,10,16,17,18

Таълимни жорий қилиш ва бошқариш Федерал ерлар (ФЕ) ҳукуматининг компетенциясига киради, лекин марказ томонидан умумий раҳбарлик ҳам бор: таълим вазирлиги таълим сиёсати концепциясини ишлаб чиқади, ОЎЮларини кенгайтиришга маблағ ажратади.

ГФР конституциясига кўра ҳар бир Федерал Ер ўз ҳудудидаги мактаб ва олий таълимни режалаштириш ва амалиётга тадбиқ этиш бўйича ўзи жавоб беришга қарамай, барча Федерал Ерлар ва Федерал ҳукумат умумтаълим ва олий таълим муассасаларида ўқитиш курсларида бирликни таъминлаш мақсадида ҳамкорлик қиладилар. Федерал органлар ва Федерал Ерларнинг таълим соҳаси бўйича сиёсати келишилган: таълимнинг давомийлиги, таътиллار, ўқув дастури, имтиҳонларни ўзаро тан олиш, аттестатлар, мактабни тугатганлиги ҳақида гувоҳнома, дипломлар, унвонлар шулар жумласидандир.

Федерал ҳукуматнинг ҳуқуқлари асосий қонунларни қабул қилишда, жумладан молиялаштириш масалаларида чегараланган. Таълимдаги харажатлар ҳақида қуйидагиларни айтиш мумкин:

- бирорта Федерал Ерлар давлат умумтаълим, касбий ўқув юртларида ўқиш учун пул олмайди;
- барча Федерал ерларда ўқувчиларни уйдан мактабга, мактабдан уйга ташувчи автобусларни ўз ҳисобидан беради;
- деярли барча ўқувчиларга дарслик ва ўқув қўлланмаларни қийматининг озгина қисмига берилади;
- маълум тоифадаги ўқувчилар ва талабаларга мавжуд федерал қонунларга кўра давлат моддий ёрдам кўрсатади.

Германияда хусусий мактабларга руҳсат берилган, улар орасида диний мактаблар ҳам бор. Бу мактабларда тахминан 8% ўқувчилар таҳсил оладилар. Хусусий мактаблар ўқув дастурларини танлашда давлат мактабларига нисбатан эркин бўлганлиги боис турли педагогик муқобилларнинг апробацияси ўтказилиб турилади.

Секин аста дифференциялашган таълим тизими, яъни ҳар бир ўқувчига унинг қобилияти ва ўқишдаги турлича йўналишига кўра мослашувчан ёндашув киритилмоқда.

Умуман олганда Германия таълим тизими бир неча босқични ўз ичига олади:

1. Элементар таълим: мактаб таълимининг 1-босқичига тегишли бўлиб, мактабгача муассасалар киради. Асосан булар болалар боғчалари, тайёрлов синфлари ва кириш гуруҳлари бўлиб, бу ерларга болаларнинг катнашиши 3 йил давомида ота-оналар хоҳишига кўра ихтиёрийдир.

2. Таълимнинг биринчи босқичи. (Primastufe) бошланғич мактаб, унга 6 ёшдан қатнай бошлайди. Ўқиш муддати 4 йил, Берлин ва Бранденбургда 6 йил. Бу босқичдаги таълимнинг мақсади-болаларга таълим Ининг иккинчи босқичидаги у ёки бу мактабда таълимни давом эттиришга имкон берувчи асосий билимларни беришдан иборат.

3. Таълим I нинг иккинчи босқичи (Sekundastufe I) “йўналишли босқич” деб номланувчи босқичдир, унда болаларни уларнинг иқтидорига кўра ўқув муассасаларининг керакли турига йўналтиради: асосий мактаблар, реал мактаблар, гимназиялар, комплекс мактаблар. Ўқувчилар таълим ҳақидаги аттестатни реал ва асосий мактабларни битиргачгина олишади.

4. Таълим II нинг иккинчи босқичи (Sekundastufe II)га гимназиянинг юқори синфлари, шунингдек касбий таълим ва муассасаларда касбий таълим киради. Муассасаларда касбий таълим “дуал тизим” деб ҳам аталади, унда таълим ва ишлаб чиқаришда амалиёт 2 йил давомида олиб борилади, бу ўқишни тугатиш ўрта таълимни тугатиш билан тенг бўлиб, якунида фақат касбий соҳада ўқишни давом эттириш мумкин. Гимназияда 3 йил ўқиб, ўқувчилар умумий шаҳодатнома “етуклик аттестати”-абитур оладилар, бу уларга истаган олий ўқув юртига киришга имкон беради.

5. Таълимнинг учинчи босқичи олий маълумот ҳақида диплом берувчи олий ўқув юртлари ва малака ошириш ўқув муассасалари.

*Германияда олий таълим. Германия олий ўқув юртлари ўзининг кўп асрлик анъаналари ва буюк маърифатпарварлари билан фахрланади. Университет таълимининг реформатори Вильгельм фон Гумбольдт жорий қилган “илм-фан ва таълим бирлиги” тамойили ҳануз амалда бўлиб, бу ўз навбатида илмий изланишлар билан ўқитувчилар ҳам, талабалар ҳам шуғулланиши лозимлигини кўрсатади. Бугунги кунда мазкур идеал қараши бирмунча ўзгарган бўлиб, талабалар фойдали касб ва амалий кўникмалар эгаллаш тарафдоридирлар. Шу боис ҳам Германияда “олий махсус мактаблар” (**Fachhochschulen**) жуда оммалашган, унда ўқиш муддати кам, ўқув дастури университетларга қараганда амалиётга яқинроқ.⁵*

ГФР таълим тизими умумевропа таълим тизимига интеграциялашган: ўқув муассасаларининг барча турлари Европа Иттифоқи (ЕИ) дастурини амалга оширишга мўлжалланган, ЕИ давлатлари таълим стандартлари унификация (бир хиллаштириш) қилинган, дипломлар бу давлатларда кучга эга.

Германия узоқ даврлардан бери фан ва маданият маркази сифатида машҳурдир. Шиллер, Гёте, Шнегер, Гумбольдт, Кант, Гегель ва бошқалар каби буюк шоирлар, ёзувчилар, философлар ва жамоат арбоблари ҳаммага таниш. Германияда ўрта асрларда ташкил топган 1-университет мавжуд. Энг қадимий университет бу Гейдельберг университети бўлиб, 1386 йил ташкил топган. 1388 йил ташкил топган Кёльн университети қадимий университетлардан саналади. Бу ўқув муассасалари қадимий анъаналари ва классик таълими билан машҳурдир.

Ҳозирги кунда университетлар ва бошқа олий ўқув юртлари сони сезиларли даражада ортди, таълим тизими ҳам ўзгарди. Аввалгидай гуманитар таълим анъаналари муҳим ўринни эгаллайди, лекин техник таълим, назария билан амалиёт бирлиги, фанлараро таълим ҳам биринчи ўринга чиқмоқда. Олий ўқув юртлари фан ва техниканинг охириги ютуқлари-

⁵ Studying in Germany. A Practical Guide for International Students. DAAD, 2014 P.6

йўналишларни акс эттирувчи дастурларни киритмоқдалар. Шу мақсадда ўқув режалари қайта кўриб чиқилмоқда.

Германияда 300дан ортиқ олий мактаблар бўлиб, улар 16та Федерал ерларда жойлашган. Шулардан Гейдельберг университети энг қадимий бўлиб, 1385 йил ташкил топган. Турли мутахассисликлар бўйича 400дан ошиқ ўқув дастурлари жуда кенг танлаш имконини беради, бунда истаган мутахассисликни эгаллаш ва фанлараро тадқиқотлар ўтказиш мумкин.

Германия О'ўЮларида “академик эркинлик” ҳукмрон, яъни қатъий ўқув режа йўқ, мажбурий маърузалар кам, талабаларнинг танлов имконияти кўп. Шу боис ҳам ўз юртида қатъий тартибга ўрганган чет эллик талабалар ўқув йилининг бошида бирмунча қийналадилар. Бу ҳақда АҚШнинг Висконсин штатидан келган Джон Вульф “Мустақил ишлашга ўзингни тайёрла. Бу ерда профессорларни АҚШдагига нисбатан камроқ кўрасан. Устингдан назорат ҳам йўқ. Мен бу ерда билимни ўқитувчи учун эмас, ўзим учун эгаллаш лозимлигини ўргандим”-дейди.⁶

Германия Федератив Республикасининг “Таълим тўғрисидаги асосий қонунига” кўра ҳар бир фуқаро ўз шахсини эркин ривожлантириш, ўз иқтидори, мойиллиги ва қобилиятига қараб мактаб, ўқиш жойи ва касб танлаш ҳуқуқига эга. Таълим соҳасидаги бундай сиёсатнинг мақсади ҳар бир шахснинг қизиқиши ва талабларга жавоб берадиган малакали тайёргарликни олиш имконини беришида имкон қадар кўпроқ ёрдам беришдан иборатдир.

Германиянинг ҳар бир фуқароси бутун ҳаёти давомида умумий, олий ва касбий таълим олиш имкониятига эга. Чунки Германия юқори ривожланган sanoat давлатларидан бири бўлиб, юқори малакали мутахассисларга эҳтиёж катта. Германия ҳукумати турли соҳаларда сифатли мутахассис кадрларни тайёрлашга манфаатдор. Шу боис немис таълим тизимининг ривожланишига катта миқдорда маблағ ажратилади.

⁶ Studying in Germany. A Practical Guide for International Students. DAAD, 2014. P. 12

Мактабгача таълим тизими Германия таълим тизимида муҳим босқич ҳисобланади. Мактабгача таълим болалар боғчаси (Kindergarten)да амалга оширилади. Болалар боғчасига 3-6 ёшдан мактаб ёшигача боришади. Ривожланишдан орқада қолган ёки ёши мос босқичга етмаган болалар мактабгача синфларда (нем. Vorklassen) ва мактаблар қошидаги болалар боғчасида (нем. Schulkindergarten) тахсил оладилар. Бу боғчалар алоҳида ФЕ коидасига кўра ёки мактабгача секторга ёки бошланғич таълим секторига бўйсинади.

Мактабгача таълим мажбурий эмас, лекин кўпгина ФЕда ривожланишда орқада қолган болалар учун мажбурий ҳисобланади. Болалар боғчалари таълимнинг қуйи босқичи ҳисоблансада, лекин у давлат тизими таркибига кирмайди. Боғчаларни маблағ билан таъминлаш турли жамоат ташкилотлари, хайрия бирлашмалари, корхоналари, хусусий шахслар, диний муассасалар зиммасида. Германияда 3 ёшдан 6 ёшгача бўлган болаларнинг 80% боғчаларга қатнайдилар.

Болалар боғчаси олмонлар бошлаб берган ва кўпгина хорижий мамлакатлар томонида ўрганилиб, қабул қилинган муассасадир. У юқорида таъкидлаганимиздай, давлат тизимига эмас, балки ёш авлодни қўллаб-қувватлаш муассасалари тизимига киради. 1996 йилдан бошлаб болалар боғчасига қатнаш учун ҳуқуқий меъёрлар ишлаб чиқилди. Болалар боғчасига фарзандларни бериш ихтиёрий равишда амалга оширилади. Болалар боғчасига қатнаш учун ота-оналардан уларнинг даромадига қараб маълум миқдорда тўлов олинади.

Мактабгача болалар боғчаси тайёрлов синфлари ва кириш гуруҳлари мактаб таълимининг биринчи босқичига киради.

Мақтаб таълими.



Германия бошланғич синф ўқувчисига илк ўқиш куни ширинликлар ва керакли мактаб қуролларидан иборат “мактаб совғаси (кулёк)” берилади.

Германияда мажбурий мактаб таълими 6 йилдан 19 йилни ўз ичига олади, демак мактабда таълим умуман олганда 13 йилни ташкил этади. Бу муддат тугагач, имтиҳонларни муваффақиятли топшириб бўлиб, ўқувчи битирув гувоҳномасини олади ва олий ўқув юртига кириш ҳуқуқига эга бўлади. Германияда ҳар бир мактаб ўз Федерал Ери ҳокимиятига бўйсунди. Шу боис дастурлар, қоидалар ва ҳатто ўқитиш давомийлиги мамлакатнинг турли Федерал Ерида турлича.

Германияда мактаб таълим тизими икки босқичли тизим бўлиб, бошланғич мактаб (Primastufe) ва ўрта таълим муассасалари (Sekundastufe)дан иборат. Кундузги мактабга 9 йил, баъзи Федерал Ерларда 10 йил ўқиш мажбурий. Бу муддат тугагач, кундузги мактабнинг кейинги босқичида ўқишни давом эттиришни истамаган 18 ёшгача бўлган ўқувчилар касбий таълим мактабларида ўқишлари шарт.

ГФРда Федерал Ерлар таълим тизимининг асосий таркибий қисмлари учун жавоб беради. Барча давлат мактабларида ўқиш бепул. Ўқувчиларга

қисман бепул ўқув қўлланмалар ва дарсликлар берилади. Диний фанларни ўқитиш мажбурий эмас. Ўқувчи 14 ёшида бу фанни ўқиш ёки ўқимасликни ўзи танлайди. Таълим спектри Федерал Ерларнинг молиявий ёрдамидан фойдаланувчи турли ташкилотларнинг хусусий мактаблари билан тўлдириб борилади.

Германияда мактаб таълими қуйидаги мактаб типларига бўлинади:⁷

1. Бошланғич мактаб (Grundschule)
2. Йўналиш мактаблари (Orientierungstufe)
3. Асосий мактаб (Hauptschule)
4. Реал мактаб (Realschule)
5. Гимназия
6. Умумий мактаб (Gesamtschule)
7. Махсус мактаб (Sonderschule)

Бошланғич мактаб-таълим тизимининг пойдевори ҳисобланади. Бу таълим босқичининг вазифаси-болаларга таълимни давом эттиришга имкон берувчи билимлар асосини беришдир. Бошланғич мактабдан сўнг ўқувчилар йўналиш босқичидаги мактабларга ўтадилар.

Германияда ўрта мактаб типлари: асосий, реал, аралаш мактаблар ва гимназиялар.

Немис ўқувчилари бошланғич мактабни битирганларидан сўнг умумтаълим мактабининг 2-поғонасига борадилар. 5 ва 6-синфлар, уларнинг ташкилий жиҳатидан қатъий назар, авваламбор, бола камол топадиган давр бўлиб ҳисобланади, болаларнинг кейинги ўқиш шаклига йўналтириш мақсадида кузатув олиб борилади.

ГФРнинг баъзи Федерал Ерларида мавжуд бўлган йўналишли босқич (“Orientierungsstufe”) ота-оналарга, ўқувчи ва ўқитувчиларга II босқичдаги мактабга ўтишни ҳал қилувчи ишонарли асосни беришга мўлжалланган.

⁷ <http://www.bmbf.de>

Йўналтирувчи босқич мустақил ўқув муассасаси ёки II босқичдаги мактабнинг 1 қисми сифатида ташкил этилган. Берлинда бу босқич бошланғич мактабнинг 5-6-синф шаклида олиб борилади. ГФРда ўрта мактаблар 4та типга бўлинади: гимназиялар, реал мактаблар, асосий мактаблар, умумлашган мактаблар.

Асосий мактаб. Асосий ёки тўлиқ халқ мактаби бошланғич мактабни ботириб, реал мактаб ёки гимназияга бормаган барча ўқувчилар учун мажбурийдир. Бу мактабда охириги мажбурий синф 9-синф, баъзи ФЕларда 10-синф ҳисобланади. Кўпчилик ФЕларда ўқувчиларга қўшимча 10-синфга эркин қатнаш имкони берилган.

Асосий мактабнинг мақсади-ўқувчиларни иккинчи босқич I доирасидаги таълим ва касбий таълимни давом эттиришга тайёрлаш ва умумтаълим курсларига қатнашишдир. Асосий мактабларда ўқувчиларни ишчи касби олами билан таништириш орқали касб танлашга ёрдамлашишга эътибор қаратилади. Асосий мактабдаги ўқитувчилар ўзлари ўқимаган соҳалар билан ҳам шуғулланишга мажбур бўладилар. Масалан немис ва инглиз тили ўқитувчилари техникани ҳам ўзлаштирадилар. Бундай касбий аралашувнинг педагогик вазифаси ҳам бор: синф раҳбари болалар учун ишончли шахсга айланиши ва ўз тарбияланувчилари билан имкон борича кўп вақт бирга бўлишидадир.

Асосий мактаб ўқитувчилари ўзларини ўқитувчи эмас, ижтимоий педагог деб ҳис қиладилар. Лекин асосий мактабдаги ўқувчилар ёмон ўзлаштиришига қарамасдан кўпчилиги касбий таълим олишга муваффақ бўлишади.

Ҳозирги кунда Таълим вазирлиги асосий мактабни ислоҳ қилиш зарурати ҳақида фикр билдирмоқда. Бунда асосий мактаб ўқитувчилари бошланғич мактаб ўқитувчилари каби ихтисосликка эга бўлишлари керак дейилади.

Реал мактаблар.

Реал мактаблар иккинчи босқич I га қарашли бўлиб, одатда 5-10 синфларни ўз ичига олади. 7-синфни битириб, реал мактабга ўтишни хоҳлаган асосий мактаб ўқувчилари учун реал мактабнинг алоҳида 3 синф варианты мавжуд. Реал мактаб юқори даражали кенгайтирилган умумий таълим беради ва ўқувчиларни мустақил фикрлаш, масъулият ҳисси, инсонларга раҳбарлик қилиш кўникмаларига, юқори талаб қўядиган касб эгалари бўлиши учун касбий таълим курсларига тайёрлайди.

Ўқувчилар уларга тавсия этилган ўқув йўналишларидан битта асосийсини танлаб олиш имконига эга. Бу табиий-математик, техник, лингвистик, ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-тиббий, муסיқий-бадий йўналиш бўлиши мумкин. Ҳар бир мактабда тавсия қилинаётган фанлар аниқ. У мактаблараро ва ФЕлараро фарқланади. Реал мактабни етарли юқори даражадаги баҳолар билан битирган битирувчи II босқичдаги ўқув муассасасига кириш ҳуқуқига эга.

Барча ўқувчилар чет тилини билишлари шарт. Асосий мактабларда чет тилини танлаш ҳуқуқи йўқ, фақат инглиз тили ўрганилади. Реал мактабларда эса бир неча чет тилини танлаш тавсия этилади, ўқувчи биттасини танлайди. Реал мактабларда ўқиш юқори даражада олиб борилади, фанларни тизимлаштиришга катта эътибор берилади. Ҳафтасига дарслари сони 30дан 34гача бўлади.

Бошланғич ва асосий мактаб ўқитувчиси ихтисослигини олганлар малака ошириш курсига қатнашиб, имтиҳон топшириб реал мактабларда дарс бериш имконига эга бўладилар.

Гимназия

Гимназиялар умумтаълим ўқув муассасалари ҳисобланади. Унда ўқиш 5-13-синфгача 9 йил давом этади. 11-13гача ўқийдиганлар гимназиянинг юқори босқичи деб аталади. Имтиҳонларни муваффақиятли топширган гимназия битирувчиси олий ўқув юртига кириш ҳуқуқини берувчи етуклик аттестати олади.

Умумий етуклик аттестати берувчи, хоҳлаган йўналишдаги олий ўқув юртига кириш ҳуқуқини берувчи гимназиялар ва “фан гимназия” лари мавжуд. Бундай типдаги мактаблар таълимнинг иккинчи босқичи Пга тегишлидир. Бу гимназияларда аниқ касблар соҳасига зарур бўлган билимларни беришга алоҳида эътибор қаратилади.

Фан гимназияларига реал мактабни битирганлик ҳақидаги аттестат бўлсагина қабул қилинади. Бу гимназияларда таълим давомийлиги 3 йил. Битирувчилар фан етуклик аттестатини оладилар, бу эса маълум доирадаги фанларни ўрганиш учун олий ўқув юртига кириш ҳуқуқини беради.

Гимназияда ўқитишдан мақсад: умумтаълим билимларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш ва шулар асосида ўқувчиларни замонавий маълумотларни олиш ва қайта ишлашнинг илмий методлари билан таништириш, олий ўқув юртида муваффақиятли ўқиш учун зарур бўлган шарт-шароитларни яратишдан иборат. 5-10синфлар 11-синфда бошланган индивидуаллаштирилган таълим дастури учун пойдевор яратиш вазифасини бажаришга мўлжалланган. Гимназиянинг ўзига хос хусусияти фанларнинг дифференциал тузилгани бўлиб, ўқувчига танлаш имкони берилади. Масалан, чет тиллар сони ва уларни навбатма-навбат ўрганиш, 9-синфда ўқувчига аниқ йўналишдаги фанларни (табиий-математик, илмий-иқтисодий, мусиқий-бадий) танлаш имкони берилади. Шунга кўра гимназиялар махсус характерга эга бўлади ва анъанавий классик, табиий-математик ва замонавий тиллар турларига бўлинади. Ундан ташқари иқтисодий, педагогик, қишлоқ хўжалиги, техник-технологик, ижтимоий-илмий, мусиқий гимназиялар ва коммунал хўжалик гимназиялар бор.

Классик гимназияларда албатта лотин, юнон ва бирорта замонавий тил ўрганилиши шарт. Табиий-математик гимназияларда математика, физика, химия чуқур ўрганилади. Гимназиянинг юқори синфларида асосий, яъни ҳамма учун мажбурий курслар, ҳамда индивидуал танланган ўта қийин (юқори) курслар киритилган.

Бирлашган (умумий) мактаб.

Бирлашган мактаб 5-10 (7-10) синфларни ўз ичига олади. У иккинчи босқич Iга қарашли. Бирлашган умумий мактабнинг мақсади: барча иккинчи босқич I мактаблари фанлари, курсларини битирув аттестати талаблари билан бирлаштиришдир. У ўқув муассасалари ва иккинчи босқич II касбий таълим курсларига ўтувчи битирувчиларни тайёрлайди. Ундан ташқари, аксарият умумий мактабларда ўқитиш курслари мавжуд, уни муваффақиятли яқунлаган ўқувчи олий ўқув юртига кириш ҳуқуқини олади. Умумий мактабнинг иккита типи бор: кооператив, интеграциялашган мактаб.

Кооператив умумий мактабда асосий мактаб, реал мактаб ва гимназиялар биргаликда ишлайди. Ташкилий, методик ва дидактик жиҳатдан улар бир бирига қарам бўлмаган бўлимлар сифатида фаолият юритади. Бу бўлимлар ўзаро ҳамкорлигининг тури ва даражаси ёш даврлар гуруҳларига боғлиқ. Кооператив умумий мактаб барча бўлимлар учун умумий педагогик раҳбариятга эга.

Интеграциялашган умумий мактаб 10-синфгача алоҳида мактаб типини ажратмайди. Синфларни ташкил қилишнинг ягона мезони ёш билан боғлиқ. Алоҳида фанларни ўқитиш курс тизими бўйича олиб борилади.

Умумий мактабда мутахассислар томонидан “фанлардан ютуқлари бўйича дифференциялаш” деб номланган гуруҳларга бўлиш жорий қилинган. Дифференциялашдан кутилган мақсад: ҳар бир ўқувчига унинг қобилиятларига кўра талаблар қўйиш, ҳар бирига индивидуал ёндашиш. Ўзлаштириш ўзгариши натижасида бир гуруҳдан иккинчи гуруҳга ўтиш мумкин.

Германияда касбий ва олий таълим тизими.

Германия таълим тизимида ҳунар таълими муҳим аҳамиятга эга, чунки юқори малакали ишчиларга бўлган талаб кучлидир. Тўлиқсиз ўрта мактабни битирувчиларнинг 20% ҳунар таълими тизимида билим олишни давом эттирадилар. Аксарият ҳолларда ўқиш муддати 3-3,5 йилни ташкил этади. Ўқиш 3 босқичдан иборат бўлиб, биринчи йил асосий ҳунар таълими

берилади. Бунга ўқитилаётган касбга тааллуқли махсус фанлардан назарий асослар берилиб, йирик корхоналарда амалий машғулотлар ўтказилади. Иккинчи йил давомида махсус ҳунар таълими берилади. Ўқувчининг биринчи йилдан иккинчи йилга ўтишида синов имтиҳонлари ўтказилиб, ўқишни давом эттирувчи ёшлар танлаб олинади. Учинчи йил давомида махсус ҳунар таълими янада чуқурлаштирилиб борилади. Битирув имтиҳонлари махсус комиссия томонидан қабул қилинади. Комиссия аъзолари корхоналарнинг етакчи мутахассислари, Федерал Ерлардаги саноат палатаси, ҳунармандчилик палатаси вакилларида ташкил топади. Ҳунар мактабларининг дипломлари олий ўқув юртлирига кириш учун ҳуқуқ бермайди. Бунинг учун 1 йиллик тайёрлов курсларини тугатиш талаб этилади. Ўқишга қабул қилиш имтиҳонсиз, мактаб таълими тўғрисидаги ҳужжатга асосан амалга оширилади.

Халқаро таълим дастурлари ва дипломлар (International Degree Programmes). Германияда чет эллик талабалар жуда ҳам кўп. Хорижлик талабалар манфаатини кўзлаб, немис ОЎЮларида халқаро ўқув дастурлари киритилган. Унга кўра Германияда бакалавр ва мастер даражаларини олиш мумкин.

Талабалар (Undergraduates) учун ўқув дастурлари 6-8 семестр давом этади, шундан 1-2 семестр давомида чет элдаги партнер олий ўқув юртлирида таҳсил олиш имкониятига эга. Ўқиш охирида бакалавр (Bachelor) даражасини олади. Бирор-бир диплом ёки илмий даражаси бор бўлган бакалаврлар (Postgraduates) 3-5 семестр таҳсил олишади ва мастер (Master) даражасига эга бўлади. Айрим ўқув дастурлари доирасида 6-семестрдан сўнг диссертация ҳимоя қилиб “доктор” бўлиш мумкин.

*Бундай халқаро дастурларнинг академик даражаси жуда юқори. Бунда талабаларни тьюторлар ва кураторлар ўз маслаҳатлари билан доимо кузатиб туришади.*⁸

Олий мактаб ўз-ўзини бошқариш ҳуқуқига эга. Олий ўқув юртини штатдаги ректор ёки бир неча йилга сайланган Президент бошқаради. Ўз-ўзини бошқаришда вазифалари аниқ тақсимлаб берилган бир неча гуруҳларнинг босқичма-босқич иштироки принципига амал қилинади.

Давлат малака оширганларни рағбатлантиради ва бу учун ҳар йили 5,5 млн. марка маблағ ажратади. Малака ошириш курсларида ўқиш даврида тингловчиларга маблағ билан молиявий ёрдам берадилар. Асосан ишсизлар ўз малакасини ошириш имкониятларидан кўпроқ фойдаланадилар ва бу билан иш топиш йўллари тезлашади. Ярим йил давомида малака оширган ишчиларнинг 75% иш билан таъминланади. Черковлар ҳам фуқароларнинг билим даражаларини оширишда фаол иштирок этади. Евангель черкови ўзининг 15та академиясида долзарб мавзулар бўйича анжуманлар ташкил этади. Католиклар малака оширишда никоҳ, оила масалаларига, теология ва маданият соҳаларига катта аҳамият берадилар. Олий ўқув юртларида тадқиқот билан шуғулланиш уларнинг қадимий анъаналаридан бири. Ўтган аср бошларида Вильгельм фон Гумбольдт прусс университетларини ислоҳ қилди, ўшандан бери “Тадқиқот ва ўқитиш бирлиги” уларнинг ҳаётий принципларига айланиб қолган. Олий ўқув юртлари тадқиқотларининг асосий йўналиши-фундаментал амалий тадқиқот бўлиб, уларга бошқа илмий-текшириш институтлари, саноат лабораториялари яқиндан ёрдам беради. Германия таълими ўзига хос йўналишга, жуда мураккаб тизимга эга. Шу билан бир қаторда ҳозирда Германияда таълим тизимини ислоҳ этиш йўлида янги изланишлар олиб борилмоқда.

⁸ Studying in Germany. A Practical Guide for International Students. DAAD, 2014P. 26

Германия олий таълим тизими олий ўқув юртлари турларининг кўплиги билан фаркланади. Ғарбий Европа Федерал ерларида муддатидан узок ўқиётган талабалар ўқиш учун пул тўлайдилар. Таълим тизимидаги бу ислохотлар конун бўйича йўлга қўйилган.

Маърузалар жадвали ва ўқув режа. Маъруза маълумотнома-жадвалига (*Vorlesungsverzeichnis - VV*, ёки *Studien- und Personalverzeichnis*) ОЎЮда ўтказиладиган барча ўқув тадбирлари (жумладан, халқаро дастурлар бўйича ҳам) киритилган. Бу жадвал –маълумотнома университет томонидан китоб шаклида чоп этилади ва китоб дўконларида сотилади. Шунингдек, “институт” - кафедра томонидан маърузалар изоҳли маълумотномаси (*Kommentiertes Vorlesungsverzeichnis-KVV*) чоп этилади. Маърузаларнинг изоҳли маълумотномаси (*KVV*) маъруза маълумотнома-жадвали (*VV*)ни тўлдиради, маъруза ва семинарларда қандай аниқ мавзулар кўриб чиқилиши, у ёки бу семинарда иштирок этиш учун аризалар бериш муддати, доцент ва профессорларнинг қабул вақтлари ҳақида маълумот беради. Қоидага кўра, маъруза маълумотнома-жадвали бир семестрга тузилади. Кўп университетлар ўз маъруза маълумотнома-жадвалларини интернетга қўядилар.

У ёки бу маъруза, семинарга қатнашиш учун ариза беришдан аввал соҳага оид фанлар бўйича ўқиш ва имтиҳон талаблари ҳақидаги қоидалар билан танишиб чиқиш керак. Унда бир семестр давомида қайси ўқув тадбирлари -маишулотлар мажбурий, қайси бирида фақат иштирок этиш тавсия қилиниши белгилаб қўйилади. Баъзи олий ўқув юртларида ўқув режаси жуда мураккаб тузилган, баъзиларида эса талабаларнинг бўш вақти кўпроқ бўлиб, уни тўлдириш учун улар ўз ҳоҳишларига кўра фанларни танлашлари лозим. Бундай ҳолда турли маслаҳат хизматларидан фойдаланиш тавсия этилади. Маъруза, амалий маишулот ва семинарлар билан бир қаторда юқори курс талабалари томонидан ўтказиладиган маишулотлар–туторийлар (*Tutorium*) ва талаба ишчи гуруҳлари (*Arbeitsgruppen*) маишулотлари мавжуд.

*Туторийлар (Tutorium) семинарда ўтилган мавзунини тўлдиради, кенг ўрганади, ишчи гуруҳларда эса талабалар биргаликда имтиҳонга тайёрланадилар, умумий мавзунини чуқур ўрганадилар.*⁹

Олий ўқув юртининг кўпчилиги давлат тасарруфида ва ҳукумат томонидан молиялаштирилади. 383 олий ўқув юртинидан 69 таси хусусий.

Олий ўқув юртинга кириш имтиҳонларисиз қабул қилинади, абитуриент учун энг муҳими мактаб ёки гимназияда битирув имтиҳонларини муваффақиятли топширишидир. Нуфузли мутахассисликларга ўқишга қабул қилишда абитуриент мактаб аттестатининг ўртача бали ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

*Буюк гуманист Эразм Роттердамский ўз даврида бир Европа университетидан бошқасига тўсиқсиз ўта олган ва барча университетларда унинг маълумоти ва дипломлари тан олинган, чунки у пайтда битта илмий тил - латин тили бўлган. Бугунги кунда буни амалга ошириш бошқача ёндашувни талаб қилганлиги боис, Германияда таълим даражасини аниқлаш учун ректорлар Конференцияси ва олий ўқув юртини Президентлари 1998 йил ҳамма учун ягона ва мажбурий бўлган қоидаларни ишлаб чиқди. Шу тариқа **ECTS (European Credit Transfer System)**, яъни билимни баҳолашнинг ягона Европа тизими пайдо бўлди. СОКРАТ, ЭРАЗМУС ECTS дастурлари доирасида Европанинг турли олий ўқув юртинларида олинган билимларни тан олиш ва академик мобиллик амалга оширила бошланди.*¹⁰

Имтиҳон бўлими ва деканатлар. Германия олий таълимида икки хил якуний имтиҳонлар мавжуд: университет ва давлат имтиҳонлари. Давлат имтиҳони (*Staatsexamen*) Германиянинг олий давлат органларида, давлат муассасаларида фаолият юритувчи касб эгалари учун истиқболли

⁹ Studying in Germany. A Practical Guide for International Students. DAAD, 2014. P. 31

¹⁰ Studying in Germany. A Practical Guide for International Students. DAAD, 2014. P. 34

ҳисобланади. Германия талабалари ижтимоий фонди (*Deutsches Studentenwerk*) ижтимоий масалалар ва туторийлар дастурлари бўйича маслаҳатлар беради.

Ўқитувчиларнинг қабул соатлари. Олий таълимда фаолият юритувчи ҳар бир ўқитувчи одатда ҳафтада бир марта қабул соатларига эга. Лекин кўп ҳолатларда талаба сонининг кўплиги туфайли қабул соатлари етарли бўлмайди. Шунга қарамай ҳар бир талаба ўқитувчи билан учрашиб, маслаҳат олишига интилади.

Имтиҳонлар. Ёзма семинарлардан ташқари турли ёзма ва оғзаки имтиҳонлар топшириш зарур бўлади:

Klausur-ўқитувчи назоратидаги ёзма имтиҳон бўлиб, маъруза ва семинар мавзуси бўйича ўтказилади.

Mündliche Prüfung - (оғзаки имтиҳон)-маълум имтиҳон мавзуси бўйича ўқитувчи ва талаба суҳбати.

Diplom–Vorprüfung (Vordiplom)- дипломолди оралиқ имтиҳони: таълимнинг бошланғич курсини (*Grundstudium*) муваффақиятли якунлагач, асосий курсга (*Hauptstudium*) ўтиш учун топширилади.

Талаба ёзма, баъзан оғзаки ўз фани бўйича базавий билимларни эгаллаганлиги ҳамда илмий иш олиб бориш техникасини ўзлаштирганлигини исботлаши керак.

Zwischenprüfung-оралиқ имтиҳон: бошланғич курс охирида гуманитар фанлар бўйича ёзма ва оғзаки имтиҳон.

Diplom-диплом: табиий, иқтисодий, ижтимоий фанлар бўйича якунловчи имтиҳон. Имтиҳон ёзма иш, оғзаки суҳбат, шунингдек, тажриба қисмидан иборат бўлади.

Staatsprüfung/Staatsexamen-давлат имтиҳони: баъзи ўқув дастурлари давлат академик карьералар учун ўқитувчи, юрист ва б.мутахассисликлар беради. Федерал ерларда маълум имтиҳон талаблари ўрнатилган, имтиҳонлар давлат назорати остида ўтказилади. Баъзан давлат

имтиҳонлари икки қисмга ажратилган: (1- ва 2- давлат имтиҳонлари), бу имтиҳонлар орасида талаба амалий тажриба тўплайди.

Magister Artium (M. A.)-асосан гуманитар ихтисосликлар бўйича битирув имтиҳони бўлиб, ўз ичига ёзма иш, ёзма ва оғзаки имтиҳонларни киритади.

Doktorprüfung- “Докторлик” даражасини олиш учун топшириладиган имтиҳон бўлиб, илмий иш (диссертация) ва оғзаки имтиҳондан иборат бўлади.

Бир сўз билан айтганда Германияда таълим олиш ва илмий тадқиқот билан шуғулланиш учун жуда катта имкониятлар яратилганлиги боис нуфузи ҳам катта. Бутун дунёдан 265.000мингга яқин чет эллик талабалар немис олий ўқув юртларида таҳсил оладилар, бу барча талабаларнинг 11,1 фоизини ташкил этади. Германиянинг 180дан ошиқ шаҳарларида 441га яқин олий ўқув юртлари ва институтлар мавжуд бўлиб, улар 16 900та таълим дастурларини таклиф этади.

Германияда коллеж ва университетлар 3та типга бўлиниши кузатилади: университетлар, амалий фанлар университетлари, санъат, мусиқа коллежлари. Университетда ўқиш илмий тадқиқотлар билан бирга олиб борилади. Баъзи университетлар илгор технология, тиббиёт, педагогика каби маълум предметларга ихтисослашган.

Амалий фанлар университетлари кўпроқ амалиётга мослашган бўлиб, талабалар ўз билимларини ўқиш давомида компания ва фирмаларда қўллайдилар. Санъат, кино, мусиқа коллежлари график санъат, мода дизайни, инструментал мусиқа, оператор, сценарист, техник персонал, телевидение ходимларини тайёрлайди.

2012-2013 йилларда 441та расмий тан олинган университет ва коллежларда деярли 2,5 миллион талаба таҳсил олган. Шулардан 1.638.956 талаба 131та университетда, 825 734 та талаба 225та амалий фанлар университетларида, 32 897 та талаба 52та санъат ва мусиқа коллежида

таҳсил олдилар.¹¹

Германияда аксарият университетлар жамоатчилик асосида федерал ҳукумат томонидан, баъзилари Протестант ва Католик церковлар томонидан молиялаштирилади. Бунга қўшимча равишда яна 120 приват университет ва коллежлар мавжуд бўлиб, улар расмий тан олинган даражаларни беради. Буларнинг кўпчилиги амалий фанлар университетларидир.

Талабаларнинг кўпчилиги жамоат университетларида рўйхатдан ўтган. 5 фоиз талабаларгина хусусий коллеж ва университетларда таҳсил олади. Бу ерда таълим тўловлари баланд бўлса-да, таълим сифати жуда яхши.

Германияда университет таълими марказлашмаган. 16 Федерал Ернинг ҳар бирида олий таълим ва бошқарув тизими бўйича ўз қонунлари бор.

Немис университетлари турли даражаларни олиши учун дастурларнинг кенг диапазонини таклиф қилади. Масалан:

- университетда (новичок) янги талаба сифатида таҳсил олиши мумкин. Бунда бир неча семестр давомида халқаро тажриба ўрганиши мумкин.

- аспирант сифатида таҳсил олиши мумкин.

- докторант сифатида таҳсил олиши мумкин.

Германия университетларида қуйидаги даражаларни олиши мумкин:

Бакалавр: халқаро вакансия бозорида тан олинган биринчи даража бўлиб, бакалавр дастурлари 6-8 семестр давомида ўқитилади. Бакалавр даражасини қўлга киритгач, касбий фаолиятни бошлаш ёки академик квалификациянинг иккинчи даражаси- магистрлик даражасини олиши учун ўқилиши давом эттириши мумкин.

Магистр: академик квалификациянинг иккинчи даражаси-магистр даражасини олиши учун бакалавр ёки муқобил академик квалификация даражаси бўлиши керак. Магистрлик даражаси дастури 2-4 семестр давом этади ва магистр

¹¹ Studying in Germany. A Practical Guide for International Students. DAAD, 2014 P. 33.

фанлар бўйича чуқур ва кенг билим олиши имконини беради.

Докторлик даражаси: илмий-тадқиқот иши (диссертация)ни ёқлаш билан докторлик даражаси берилади. Докторлик дастури 2-5 йилни ташкил этади.

Кейинги йилларда немис университетларидаги академик дастурлар Болонья жараёни туфайли чуқур ислохотга учради. Шу ўринда бакалавр ва магистр даражасининг янги дастурлари кўнгина университетлардаги *Diplom* и *Магистр Артиум* каби анъанавий немис дастурларининг ўрнини босди. Юқорида таъкидлаганимиздек, ***Diplom*** - табиий фанлар, иқтисодиёт, ижтимоий фанларни ўрганувчилар учун, ***Магистром Артиум*** гуманитар фанларни ўрганувчилар учун берилади. Ҳар иккала даража магистр даражасига тенг ҳисобланади.

Немис университетлари ҳозирги кунда жаҳон миқёсидаги “Халқаро бакалавр, Асосий ва Доктор” дастурларини тақлиф этади. Халқаро докторантларга мўлжалланган дастурлар ҳам сероб. Макс Планк Ресирч Халқаро мактаби, IPID томонидан молиялаштирилган тизимли докторлик дастурлари шулар жумласидандир. Бу дастурлар иқтидорли немис ва хорижлик битирувчиларга энг нуфузли Германия илмий марказларида докторлик ишини олиб боришга имконият яратади. Бу дастурлар инглиз тилида ҳам бўлиши мумкин, махсус молиялаштириш шароитлари ҳам мавжуд.¹²

Германияда илм-фан.

Германияда илмий-тадқиқотлар университетлар ва илмий ташкилотлар ҳамда корпоратив тадқиқот марказларида олиб борилади. Университетлардаги илмий тадқиқотлар федерал бюджет, ФЕ бюджети томонидан ва ташкилотлар ажратган маблағлар ҳисобидан молиялаштирилади. Германияда илмий-тадқиқотлар шунингдек, 4та йирик

¹² Studying in Germany. A Practical Guide for International Students. DAAD, 2014 P.39

илмий ташкилотларда олиб борилади. Булар Макс Планк жамияти, Гельмгольц жамияти, Фраунгофер жамияти ва Лейбниц жамиятларидир.

Макс Планк жамиятида 13000 ходим ишлайди, ундан 5000 таси олимлар бўлиб, жамиятнинг йиллик бюджети 1,4 млрдни ташкил этади. **Гельмгольц жамияти**да 26,5 минг ходим ишлайди, ундан 8000 таси олимлар бўлиб, жамиятнинг йиллик бюджети 2,35 млрдни ташкил этади. **Фраунгофер жамияти**да 26,5 минг ходим ишлайди, жамиятнинг йиллик бюджети 1,2 млрдни ташкил этади. **Лейбниц жамияти**да 13,7 минг ходим ишлайди, жамиятнинг йиллик бюджети 1,1 млрдни ташкил этади.

Университетлар бир йилда илмий тадқиқотларга 9,2 млрд евро сарфлайди.

Йирик немис ва чет эл компаниялари Германия ҳудудидаги тадқиқот марказларини молиявий қўллаб-қувватлайди.

Германия университетлари талабалари ўрганадиган фанлар ва дарс жадвалини ўзлари танлайдилар, яъни ҳар бир семестр учун мустақил дастур тузадилар. Ўқув йили 15 октябрдан бошланиб, 2та семестрдан иборат. Ҳар бир семестр охирида талаба ўзи қатнашган махсус курс ва маърузаларнинг махсус сертификатини йиғади, сертификатларнинг керакли сонини тўплагач, имтиҳон топширишга рухсат сўрайди.

Олий ўқув юртларининг иккинчи типи-махсус олий мактабларда ўқиш тизимли ташкил этилган. Бунда талабалар аниқ ўқув режаси ва имтиҳонлар жадвалига амал қиладилар, шу тариқа олий таълимни 4 йилда тугатишлари мумкин.

ДААД дастури ҳақида.

ДААД-ташқи сиёсатнинг маданият, фан, таълим ва ривожланиш масалалари бўйича муҳим дастур ҳисоблаади. Қарийб 90 йил давомида ДААД ёш тадқиқотчиларга дунё бўйича халқаро тажриба алмашиш имконини берди. Турли стипендиялар билан тақдирлаш мазкур дастурнинг серқирра аспектларидан биридир. ДААД немис университетларида турли миллат вакиллари таҳсил олишини, чет давлатларда немис тадқиқотлари ва немис

тилининг ёйилишини, хорижда янги нуфузли университетларнинг очилишини таъминлайди. ДААД ходимлар халқаро таърибага эга ва турли грант соҳибларидир.

Бугунги кунда Немис алмашиши академик хизмати (ДААД) дунёдаги энг катта ташикилот ҳисобланади. У турли вазирликлар, хусусан, Ташиқи ишлар вазирлиги, Таълим ва тадқиқот Федерал вазирлиги, иқтисодий кооператив ва ривожланиши Федерал вазирлиги томонидан молиялаштирилади. Европа Иттифоқи ташикилотнинг энг йирик молиявий ҳомийларидан бири. ДААДнинг тўлиқ бюджети 2010 йил 384 миллион бўлса, 2013 йилга келиб 430 миллион еврони ташикил этди.

2013 йил ДААДнинг 250та дастурини 79 000 немислар ва хорижликлар қўллаб-қувватладилар.

ДААДучта мақсадни амалга оширишига йўналтирилган:

1. Қобилиятлилар стипендияси: энг аълочи ва қобилиятли немис ҳамда хорижлик талабаларни ва тадқиқотчиларни стипендия билан тақдирлаш.

2. Миллатлараро ҳамкорлик тизими: Германияда ва хорижда халқаро квалификацияга мос келувчи олий таълим тизимини яратиши (даража олиши учун халқаро дастурлар, икки тарафлама асосланган университетлар, академик тармоқ ва ҳ.)

3. Академик ҳамкорлик учун экспертиза. Дунёда самарали ҳамкорликни ривожлантириши учун таълим маданияти ва олий таълим тизимида экспертизани тизимлаштириши, ривожлантириши ва таъминлаш.¹³

¹³ Studying in Germany. A Practical Guide for International Students. DAAD, 2014P. 75

ЖАНУБИЙ КОРЕЯ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ



Жанубий Корея Республикаси кўплаб тадқиқотчиларнинг диққатини ўзига тортмоқда, сабаби бу давлат постиндустриал цивилизация ютуқларини эгаллаган Осиё-Тинч океани регионининг ноёб давлатларидан биридир. Кореяликлар бажарилиши шарт бўлган асосий вазифа - ўз анъанавий маданиятини сақлаш, сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислохотларни ўз маданий-сиёсий идентивлик, Шарқнинг анъанавий кадриятлари ва ориентирлари билан боғлашга интилиш деб ҳисоблайдилар. Бу давлатнинг таълим тизими ЮНИСЕФ экспертлари хулосасига кўра саноати ривожланган давлатлар ичида “энг самаралиси” деб тан олинган.

Кўпчиликнинг ягона фикрича, Жанубий Кореянинг иқтисодиёти ва техникадаги ютуқлари “инсон ресурсига инвестицияни тўғри тикканлигида” деб таъкидлашади. Конфуций давридан сақланиб қолган зиёли одамга жамоат хизмати ҳозирги кунгача бор. Жанубий Кореяда 1980 йиллардан бери илмий касблар энг нуфузли ҳисобланади.

Жанубий Корея таълим тизими яна битта бутунжаҳон тамойилини амалга оширади: бу таълим ва фан интеграциясидир. Дунё амалиётида ўқув

муассасалари ва илмий-тадқиқот институтларини ўз ичига олувчи академик конгломератлар самарали фаолият олиб боришмоқда. Бундай бирлашув илм ва таълим интеграциясининг аниқ асоси бўлиб хизмат қилади ва мамлакатда ягона илмий-техник ва таълим сиёсатини олиб бориш имкониятини беради. Олий ўқув юртлари ва илмий тадқиқот институтларининг қўшилиши бугунги кунда интеграциянинг энг самарали шакли ҳисобланади.

Кўп ривожланаётган давлатларда таълим бугунги кунда жамиятнинг фақат сарф-ҳаражатлар соҳаси эмас, балки асосий ишлаб чиқарувчи кучига айланди. Яъни, таълим рақобатбардош, жиддий молиявий маблағларни олиб келувчи соҳа бўлиши кераклиги исботланди. Таълимнинг деярли 1-босқичидаёқ давлат ва иқтисодиётнинг ривожланишига қаратилган бўлиши керак. Фақат билим олиш учунгина эмас, балки олинган билимларни амалиётда самарали қўллаш учун ўқиш зарур.

Лекин шуни ҳисобга олиш жоизки, таълимни тизимли модернизация қилиш жараёни ўз-ўзидан эски тартиб элементларни енгиб ўтиш, янги ғояларни ишлаб чиқиш ва табиий бошқарувнинг бошқа метод ва механизмларини шакллантиришни назарда тутди. Лекин бу шундоқлигича нусха олиш шаклида эмас, балки янгиликларни қабул қилиш билан бирга таълим ривожланиш босқичидаги энг яхши анъаналар ва қўлга киритилган ютуқларни сақлаб қолишни тақозо этади.

Мактабгача таълим.

Жанубий Кореяда болалар боғчаси умумтаълим турига кирмайди. Ота-оналар фарзандларини хусусий мактабгача муассасаларга берадилар. Бу муассасаларда машғулотлар корейс тилида, инглиз тилида, баъзиларида фақат инглиз тилида олиб борилади. Болалар боғчасига 3 ёшдан 5 ёшгача қабул қилинади. Болалар боғчасининг асосий вазифаси оилаларни ҳар томонлама ривожланиши учун шароит яратишдан иборат. Боғчаларда асосан мусиқа, расм, ҳисоблаш дарслари ўтилади. Корейс боғчаларида болаларда мустақилликни шакллантиришга катта эътибор берилади. Болалар ёши орасидаги фарқ 3 йилгача бўлиши мумкин.

Бошланғич таълим.

Жанубий Кореяда болалар (6 ёшдан ошган) 7 ёшдан 13 ёшгача бошланғич мактабга борадилар. Ўқиш муддати 6 йил, мажбурий ва бепул. Бошланғич мактабда қуйидаги 9 та фанлар ўқитилади:

Корейс тили, математика, аниқ фанлар, жамият ҳақидаги фанлар, чет тили, тасвирий санъат, мусиқа. Одатда бу фанлар синф раҳбари томонидан ўқитилади, фақатгина баъзи фанлар учун махсус ўқитувчилар тайинланади. Бошланғич таълимдан ўрта таълимга, ундан юқори таълимга имтиҳонлар топшириш орқали эмас, балки фақатгина ёшига қараб ўтилади. XX асрнинг 80 йилларига қадар инглиз тили ўрта мактабларда ўқитилган, ҳозирда эса бошланғич мактабнинг 3-синфидан ўқитилияпти. Корейс ва инглиз тили грамматикаси жуда жуда катта фарқли бўлганлиги учун инглиз тилини ўрганиш жуда қийин. Шу боис ота-оналар ўз фарзандларини хусусий ўқув муассасаларига қўшимча ўқишга жўнатадилар. Хусусий ўқув муассасалари, яъни “хагвонлар” болаларга тил ўрганишда индивидуал ёндашадилар. Шу мақсадда инглиз тилида гаплашувчи чет элликларни бошланғич мактабга жалб қилиш йўлга қўйилган.

Бошланғич мактаб корейсчасига “чходын хаккё” деб номланар ва бошланғич таълим маъносини англатар эди. 1996 йил Жанубий Корея ҳукумати бу номни ўзгартирди ва “гукмин хаккё” деб номлади. Бу атама “фуқаролик мактаби” деган маънони англатади.

Кореяда давлат тасарруфидаги бошланғич мактаблардан ташқари қатор хусусий мактаблар ҳам мавжуд. Бу мактабларнинг ўқув дастурлари давлат мактаблари ўқув дастурларига бирмунча мос келади, лекин ўқитиш юқори даражада амалга оширилади. Масалан, кам сонли ўқувчиларга кўп ўқитувчиларнинг жалб этилиши, қўшимча фанларнинг киритилиши, умуман таълимнинг юқори стандартларга эгалиги ва ҳ.к. Шу боис кўпчилик ота-оналар ўз фарзандларини хусусий мактабга беришга интиладилар. Лекин бундай мактабларда ўқиш нархининг баландлиги ота-оналарни ўйлантириб қўяди. Бошланғич мактабни битирган ўқувчилар кейинги босқичларга

имтихонсиз ўтадилар. Жанубий Кореяда синфларни рақамлаш одатдагидай пастдан юқорига эмас, балки ҳар бир таълим босқичида 1 дан бошланади. Масалан, бошланғич мактаб 1 дан 6 гача, ўрта мактаб (3 йил) 1 дан 3 гача, саналади: бошланғич мактабнинг 1-синфи (2,3,4,5,6-синфи), ўрта мактабнинг 1-синфи (яъни, ўзбек мактабларидаги 7-синф), олий мактабнинг 2-синфи (яъни ўзбек академик лицей ва касб-хунар коллежининг 2-курс талабаси) каби.

Жанубий Кореяда мактаб тизими: ўрта ва юқори мактаблар.

Корейс тилида ўрта мактаб “чунхакё” деб номланади ва “ўрта мактаб” маъносини беради. Ўрта мактабда таълим мажбурий, бепул ва 3 йил ўқитилади. Ўрта мактабга 11 ёшдан ошган, 12 ёшдагилар қабул қилинади.

Бошланғич мактабга нисбатан ўрта мактабда ўқувчиларга анча юқори талаблар қўйилади. Синф раҳбарлари-хангыльлар ўқувчилар ҳаётида муҳим ўринга эга, ўқувчилар уларни қаттиқ хурмат қилишади. Ўрта мактабда бир кунда 6 та фан ўқитилади, шунингдек, алоҳида махсус 7-дарс ҳам бор. Ўқув дастурининг негизини қуйидаги фанлар ташкил этади: математика, корейс ва инглиз тили, қатор аниқ фанлар, “қўшимча” фанлар: санъат соҳалари бўйича, жисмоний тарбия, тарих, ханча (хитой пероглифи), этика, уй иқтисодини юритиш, компьютер саводхонлиги.

Машғулотлар 45 дақиқа давом этади. Бошланғич синфдаги 9 та фанга, ўрта мактабда яна 4 та фан қўшилиб, жами 13 та фан ўқитилади. Мактабда чет тилларига эътибор кучли. Кўпчилик инглиз тилида бемалол гаплаша олади.

Кореялик ўқувчилар инглиз тилидан ташқари классик хитой тилини мажбурий равишда ўрганадилар. 5-синфдан бошлаб, Хитой тарихи ўргатилади. Бошланғич мактабдаги каби ўрта мактабда ҳам ўқувчи синфдан-синфга имтихонсиз ўтади. Маълум фанлар учун имтихонларнинг стандарт шакллари мавжуд, фан ўқитувчилар тавсия қилинган ўқув қўлланма ва дарсликлардан фойдаланадилар. Ўрта мактабнинг кўплаб ўқувчилари дарсдан кейин қўшимча курслар “хагвонлар”га борадилар, ёки хусусий

репетиторларга қатнайдилар. Алоҳида эътибор инглиз тили ва математикага қаратилган. Баъзи хавгонлар битта фанга асосланади, баъзилари барча асосий фанларни қамраб олади. Бу ўз навбатида мактаб машғулотларининг янада қийин бўлган иккинчи қисмига айланади. Ундан ташқари жуда иродали ўқувчилар кураш турлари ва мусиқа мактабларига қатнашадилар. Ўқувчилар шу тариқа дарсдан кейин уйларига жуда кеч қайтадилар.

Юқори мактаб корейчасига “кодынхаккё” деб номланади. Корейлик болалар юқори мактабга ўрта мактабдан кейин 17 ёшдан 1-курсга қабул қилинади ва 19 ёшгача таҳсил олади. Юқори мактаблар бир неча турларга ажратилади:

- *Давлат юқори мактаблари:* Корея Таълим ва техника фанлари вазирлиги, Маданият, Жисмоний тарбия ва сайёҳлик вазирлиги бошқаради;
- Умумий юқори мактаблар: ҳар бир вилоятдаги юқори ташкилотлар томонидан бошқарилади;
- Хусусий юқори мактаблар.

Шунингдек, юқори мактаблар ўқитиш фанларига кўра ҳам бир қанча турларга бўлинади:

- Ихтисослаштирилган мактаблар (қишлоқ хўжалиги, саноат, денгиз хўжалиги, ахборот);
- Умумий мактаблар;
- Махсус мактаблар (лицей шаклидаги мактаб);
- Техника мактаблари;
- Чет тили мактаблари;
- Жисмоний тарбия мактаблари;
- Санъат мактаблари ва ҳ.

Жанубий Корея Республикасида таълим вазирлиги махсус ташкил этган юқори мактаблар ҳам бор. Булар асосан қишлоқ хўжалиги, балиқчилик, саноат, халқаро тилларга ихтисослашган бўлади.

Юқори мактаб ўрта мактаб каби мажбурий эмас. Бироқ кейинги йилларнинг барчасида статистик маълумотларга қараганда 97-98 % корейс

ёшлари юқори мактабни тамомлаганлар. “Илмий” юқори мактаблар, чет тиллар ва санъатшунослик мактабларига кириш анча мураккаб имтиҳонларни топширишни талаб этади. Юқори мактаблар хусусий ва давлат тасарруфида бўлиши мумкин, бу мактабларда мутахассислик берилмайди, балки уларни кейинги таълим босқичига тайёрлайди.

Коллежда таҳсил олишни истамаган ўқувчилар касбий билим юртларига кириб ўқишлари мумкин. Бу билим юртлари технология, агрокультура ёки молия йўналишларига ихтисослашган. Юқори мактабларнинг жадвали ҳақида гапириладиган бўлса, ҳар бир ўқувчи учун кун ярмида қайтиб келиш одатдаги ҳолатга айланган.

Жанубий Кореяда ҳунар мактаблари 600 тани ташкил этади. Бу мактабларнинг 45% бўлажак мулкдорларни тайёрлайди, 23% да техник касб эгалари етишиб чиқади. Қолган мактабларда денгизчилик, қишлоқ хўжалик ихтисосликлари ўзлаштирилади. Шуниси диққатга сазоворки, бу мактабларга корхоналар оталиқ қиладилар. Жанубий Корея “Таълим ҳақидаги қонун” талабларидан бири ҳам шудир. Бизнинг Республикамиздаги каби Жанубий Кореяда ҳам алоҳида иқтидорли болаларга эътибор жуда кучли. Жисмоний тарбиянинг ривожланишига Сеул олимпиадаси катта таъсир кўрсатган. Ривожланишдан орқада қолган болалар учун махсус мактаблар мавжуд. Бу мактабларнинг аксарияти хусусий ёки диний ташкилотларнинг хайрия маблағлари ҳисобига қурилган.

Давлат мактабларида дин фан сифатида ўқитилмайди. Лекин 3-синфдан бошлаб “Одобнома” каби махсус фан жорий этилади. Бу фан 12-синфгача ўқитилиб, ҳафтасига 2 соат ажратилган. Бу фан ўз ичига динни ҳам қамраб олади. Дин қотиб қолган бир ақида сифатида эмас, қадрият сифатида ўқитилади. Бу бутун бир тарбия тизими натижасидир. Эҳромларга бориш, тарихий ёдгорликлар билан танишиш, маънавий тарихни ўрганиш мактаб фанларининг мажбурий давоми ҳисобланади.

Мактаблар учун ўқитувчи кадрлар тайёрлаш масаласига ҳам катта эътибор берилади. Кореядаги барча талабаларнинг 6.5% бўлажак

педагоглардир. Мамлакатда 11 та ўқитувчилар тайёрлайдиган коллежлар мавжуд ҳар бир провинция (вилоят) ўз коллежига эга. Юқори мактаб битирувчилари “сусен” деб номланувчи стандарт тест топширадилар. Мактаб ўқув дастурлари кириш тестлари-имтиҳонлари мазмунини қамраб олган. Сусен 3 та асосий секция фанлардан иборат: корейс тили, математика ва инглиз тили. Ундан ташқари табиий ва ижтимоий фанлардан танлов асосида қатор фанлар киритилади. Бундай тест 1 йилда 1 марта топширилади, у интенсив тайёргарликни талаб этади. Бу тестга бўлажак ОЎЮ талабалари боғча ёшидан тайёрланишни бошлашади.

Тестни топширолмаган ва коллежга кириш 1 йилга сурилган ўқувчиларни “чесусенлар” деб аташади.

Жанубий Кореяда касб-хунар таълими ва олий таълим тизими.

Жанубий Кореяда олий маълумотга эга бўлиш ҳар бир корейс фуқаросининг кейинги мавқеи муваффақияти учун жуда катта аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам бу мартабали таълим муассасаларига ўқишга киришга бўлган эҳтиёж ҳам катта. Жанубий Кореяда эътибор кўпроқ математика, корейс тили ва инглиз тилларига, аниқ фанларга ва жамият билан боғлиқ фанларга қаратилади.

Жанубий Кореяда қуйидаги таълим муассасалари турлари мавжуд:

- Коллеж ва университетлар (хусусий ва миллий, давлат тасарруфида);
- Индустириал университетлар;
- Педагогика институтлари;
- Сиртқи университетлар;
- Очик университетлар.

Жанубий Корея таълим тизимининг барча бўғинларида бўлганидек, олий таълим соҳасида ҳам чуқур ислохотлар олиб борилган. Мамлакатда таълимни ислох қилиш ва ривожлантиришга оид қабул қилинган қонунлар ва меъёрий ҳужжатларни олий таълимни рақобатга тайёрлаш, университет таълимини ривожлантиришда тадқиқотлар кўламини кенгайтириш, битирув

мактаб таълими ва амалий мутахассисликларни кучайтириш, университетларнинг маҳаллий саноат билан алоқадорлигини яхшилаш, саноат талабларига жавоб берадиган касбий таълимни ривожлантириш, мактаб билан ишлаб чиқариш ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш, ижтимоий кам таъминланган оилалар ва ишчилар учун касбий таълимни кучайтириш, олий таълим учун ўсмирлар имкониятларини яхшилаш, ахборот асрида таълим бошқаруви ва уни молиялаштириш халқаро таълим алмашинувини мустаҳкамлаш каби долзарб масалаларга катта эътибор қаратилди.

Кореяда олий таълим муассасаларига қабул қилиш каттиқ назорат остида бўлиб, ҳар бир даъвогарнинг маълум бир коллеж ёки университетга мувофиқлиги талабанинг таълимни ўзлаштириш қайдлари ва стандартлаштирилган миллий тест натижалари орқали белгиланиди.

Мамлакатда ягона сиртки олий ўқув юрти - Сеулдаги сиртки университет ўзига ҳос аҳамиятга эга. “Очиқ университетлар” нинг вазифаси ҳам шунга ўхшаш бўлиб, уларга ишлаб чиқаришда ишлаётганларгина кириши мумкин, уларда кириш имтиҳонлари йўқ. Жанубий Кореяда коллежларнинг асосий вазифаси малакали ишчилар ёки бўғин идора хизматчиларини тайёрлашдир. Талаба коллежни тугатгач, назарий жиҳатдан бирданига университетнинг иккинчи ёки учинчи курсига кириш учун ҳаракат қилиши мумкин. Шу билан бирга махсус ўтиш имтиҳонини топшириб, бошқа мутахассислик бўйича ҳам кириши мумкин.

Бакалавриат. Ўқиш муддати 4 йил. Талабалар 140-150 кредит соат атрофида таҳсил оладилар. Тиббиёт соҳасида ўқиш 6 йил давом этади ва 180 кредит соат ўқишади. Ўқиш тугагач, бакалавр даражасини олганлиги ҳақидаги диплом берилади. Типик йирик корейс университетлари таркибида 10 тадан 20 тагача факультетлар бор. Факультетлар америкача термин билан “колликлар”, яъни корейсча “тэхак” деб аталади. Кореяда ўқув жараёнига ахборот технологияларини жорий қилишга алоҳида эътибор берилади.

Натижада Жанубий Корея дунёда ўз мактаб ва таълим муассасаларини компьютер ва интернет билан тўлиқ таъминлаган иккинчи давлатга айланди.

Магистратура. Ўқиш муддати 2-3 йил. Ўқиш якунида талабалар диссертация ёқлайдилар. Тиббиёт соҳасидаги талабалар Тиббиёт мактабининг барча талабларини бажариб, миллий имтиҳон топширадилар. Ўқиш якунида магистрлик даражаси берилади.

Докторантура. Ўқиш муддати 3-4 йил. Ўқиш якунида докторлик диссертацияси ҳимоя қилинади, оғзаки ёки соҳага мос имтиҳон топширилади.

КАНАДА ТАЪЛИМ ТИЗИМИ



Канадаликларнинг энг муҳим ютуқларидан бири - бу уларнинг таълим тизимидир. Илғор университет ва коллежлардаги таълим сифати жуда юқори ва Канада дипломлари бутун дунёда тан олинади. Халқаро рейтингда Канада таълими АҚШдан кейин иккинчи ўринда туради.

Канаданинг турли провинциялари ўқув режаларида ўзига хосликлар кўринади. Масалан, Квебек, Онтарио, Манитоба мактабгача муассасада мактабга тайёрлаш 2 йил, 4 ёшдан 6 ёшгача, Алберт ва Британ Колумбиясида 1 йил. Ўқув йили сентябрнинг биринчи haftасидан бошланади ва июннинг охири haftасида тугайди. Канада мактабларида таълимнинг ўртача давомийлиги 12 йилни ташкил қилади.

6-7 ёшдан болалар бошланғич мактабга қатнай бошлайди ва унда 6 йил таҳсил олишади. Манитоб ва Онтарио бошланғич мактабларида ўқиш бошқа провинциялардан кўра 2 йил кўп давом этади. 12 ёшдан болалар ўрта мактабга ўтишади ва 16-18 ёшгача ўқишади. Квебек провинциясида ўрта таълим 11 синф давом этади, университетда ўқишни хоҳлаганлар эса яна 2 йил коллежга тайёрлов бўлимида ўқишади.

10-12 синфлар High School -олий мактабда олиб борилади. Бу ердаги "олий мактаб" тушунчаси олий таълимга тегишли эмас, у Россиядаги ўрта таълимга ўхшаш. Олий мактабда ўқиш ўрта таълим каби мажбурий эмас. Бу таълим турли учта мураккабликдаги дастур асосида олиб борилиб, ўқувчиларни меҳнат фаолияти билан шуғулланишга, коллежга ёки университетда ўқишни давом эттиришга тайёрлайди.

Коллежлар асосан, 2 ёки 3 йиллик дастур асосида, баъзан бакалаврият дастури бўйича таҳсил беради. Улар асосан ўрта махсус таълим тўғрисида диплом ёки сертификат беради. Шу билан бирга, айрим провинцияларда ижтимоий коллежлар фаолият кўрсатиб, улар битирувчиларга диплом бермайди. Балки, мактаб ва университет ўртасида ўтиш босқичи бўлиб хизмат қилади.

Олий таълим.

Канадада бугунги кунда 90 га яқин олий ўқув юртлири бўлиб, уларнинг кўпчилиги университетлардир. Уларнинг асосий қисми давлат муассасаларидир. Диний йўналишдаги айрим хусусий ўқув юртлири ҳам мавжуд. Бу иккита давлат тилига эга бўлган давлатда ҳукумат доимо ўз фуқароларининг таълим даражасини юксалтириш тўғрисида ғамхўрлик

килади. Университетларнинг айримларида таълим инглиз, айримларида француз тилида, айримида эса (Оттава университетида) икки тилда машғулотлар олиб борилади.

Bachelors Degree - олий таълимнинг бошланғич босқичи бўлиб ҳисобланади. Бу даражани олиш учун барча провинцияларда ўқиш муддати 3-4 йил. Шу 4 йил ичида талаба 20 та фанни ўрганиши ва топшириши лозим. Уларнинг ярми бўлажак мутахассислик соҳаси бўйича бўлса, ярми хоҳишга кўра университетда ўқитиладиган фанлардан танланади.

Университетлар бакалавр даражасини берувчи Undergraduate Programs ҳамда магистр ва доктор даражасини берувчи Graduate Programs дастурлари асосида таҳсил беради.

Магистр даражасини олиш учун 1 йилдан 3 йилгача ўқиш, тадқиқот асосида диплом иши ёзиш керак бўлади.

Ўқув жараёни

Ўқув йили сентябрнинг биринчи сешанбасидан бошланади ва июннинг охирида тугайди. Ўқув йили уч семестрга бўлинади. Хорижлик талабаларга университет худудида ишлаш ҳуқуқи берилади.

Ўқиш ва яшаш АҚШдагидан 2-3 марта арзон. Канада олийгоҳларини битирган талабаларга бу ерда ишга жойлашиш имконияти ҳам катта.

Канада олийгоҳлари абитуриентларга талабни ўзлари белгилашади. Айрим олийгоҳлар чет элликларнинг дипломларини ҳисобга олса, айримлари тан олмайди, бу ерда ўқиш учун тайёрлов курсларида ўқишга тўғри келади. Ҳар қандай ҳолда ҳам тилдан -TOEFL (550 балдан) ёки IELTS (5,5 балдан) тестини топшириши шарт. 18 ёшдан ўқиш мумкин.

Канада таълим тизимининг ўзига хос хусусияти унда so-op programs мавжудлиги бўлиб, бу дастур асосида ўқиш мутахассислик бўйича ишлаш имкониятини кенгайтиради. Сессияларни муваффақиятли топширган иқтидорли талабаларни компаниялар ишга таклиф қилади. Талабалар ўқиш билан бирга ўз соҳаси бўйича иш билан ҳам шуғулланадилар. Мана шу so-op programs туфайли кўплаб талабалар дастлаб вақтинча, кейинчалик эса

доимий иш ўринларини топадилар. Хорижлик талабалар касбий тажриба ўрганиш учун университетни тугатгандан сўнг 1 йил давомида ишлаш имконига эга бўлади.

Канада талабаларининг академик ўзлаштириши ва кутилган натижалар. (Андерсен Роберт, Давид Зарифа)

Канаданинг мактаб интизомий иқлими ва илмий ютуқлари ўртасидаги алоқа мавжудлиги қатор мақолаларда ёритилган. Мактабларнинг интизомий иқлими академик самаранинг келажagini башорат қилишида маълум роль ўйнаётган бўлса-да, лекин унинг таъсири бошқа мамлакатларга нисбатан Канадада камроқ сезилади. Канаданинг мактаб интизом муаммолари ўртача деб баҳоланади-асосан безорилик ва тартиббузарлик ва камдан-кам ҳолларда шиддатли зўравонлик кузатилади. Шунинг учун академик фаолият ва мактаб интизомий иқлими ҳисоботлари ўртасида заиф муносабатларни кўриш мумкин. Масалан, Онтариода мактаб интизомий иқлими талабаларнинг академик фаолиятларига ҳеч қандай таъсир кўрсатмайди. Квебекда эса, синф интизомининг издан чиқиши тўғрисидаги ўқитувчиларнинг ҳисоботлари талабаларнинг академик ўзлаштириши билан кучли боглиқдир.

Канадада талабалар фаолиятининг мактаб интизоми иқлими ҳақидаги тадқиқот 2 муҳим аҳамиятга эга. Биринчидан, бу умумий маънода мактаб интизоми иқлими масаласини тизимли тарзда ўрганувчи Канададаги биринчи тадқиқотдир, яъни унинг академик фаолият ва натижаларига таъсир қилиши ва вилоятларда бу қанчалар фарқ қилишига қаратилган. Вилоятлардаги(провинциал) фарқлар масаласида, маълумотлар мавжудлигини ҳисобга олиб Онтарио ва Квебек ўрганилди. Бу 2 вилоят ўртасидаги умумий маданий фарқлар –иммиграцион ва таълимий тизимлар фарқлари-Канададаги мактаб интизоми иқлимини ўзига хослигини намоён қилади. Иккинчидан, кросс-миллий истиқболдаги мактаб интизоми иқлимини ўзаро муносабатларини намоён бўлишида ёрдам беради.

Америка Қўшма Штатларидан фарқли ўлароқ, Канадада мактаб интизоми ва академик фаолият ўртасидаги ўзаро муносабатлар виртуал мавжуд эмас. Шундай бўлса-да, Америкада ўтказилган баъзи тадқиқотлар Канададаги вазиятга қисман тегишли бўлиши мумкин. Масалан, тадқиқотларнинг кўрсатишича Америка мактаб фаолиятида талабчанлик даражаси ижобий боғлиқликни кўрсатади (Арум 2003; Бартон, Колей, ва Венглингский 1998; ва ҳок.). Ўз навбатида, камчиликни ташиқил этувчи гуруҳлар ўртасидаги фарқлиликни акс этувчи тадқиқотлар ҳам мавжуддир. Валерий Ли ва Антони Брик (1989) томонидан олиб борилган тадқиқотлар оқлар ва камчиликни ташиқил этувчи талабалар эришган ютуқлар орасидаги бўшлиқ Америка Қўшма Штатларида нисбатан камроқ эканлигини кўрсатди. Бошқа тадқиқотларга кўра, ютуқлар борасидаги камчиликни ташиқил этувчи гуруҳлар ўртасидаги бўшлиқ балки католик таълим муассасалари билан чегаралангандир. Чунки у ердаги талабалар ўзларини фарқли томонларини кўпроқ намоён қилишига мойилдирлар, шунинг учун ҳам мактаб иқлимида тартибсизликлар кам содир қилиниши кузатилади ва кўпроқ таълим олишига, ўрганишига мойиллик намоён бўлади.

Аввалги тадқиқотлар ушбу муаммога бевосита қаратилмаган бўлса-да, лекин Канададаги айна механизмлар қўлланилган. Масалан, таълимдаги интизомий иқлим Онтарио ва Квебекдаги таълим фаолияти фарқларини очиб бериши мумкин. Шунингдек, интизомий иқлим таълим фаолияти ва ютуқларини тасвирлашда икки вилоятдаги иммигрант ва иммигрант бўлмаганлар орасидаги фарқларни кўрсатишида ҳам муҳим роль ўйнайди. Айниқса, яқиндан эътиборан этник озчиликни ташиқил этувчи Канадалик иммигрантлар бунга яққол мисолдир. Фарқлилик таъсири эҳтимоли шуни кўрсатадики, иммигрант ва иммигрант бўлмаганлар таълим фаолияти орасидаги бўшлиқ\фарқ, умуман олганда Иқтисодий Ҳамкорлик ва Тараққиёт Ташиқилотида (ИХТТ) аъзо давлатлар орасида энг кам

кўрсаткични ташиқил этади. Фақатгина Квебек бундан мустасно, чунки у ердаги фарқлилик ИХТТ даги ўртача кўрсаткич билан ўхшашдир.¹⁴

Бельгия таълим тизими.

№	Таълим босқичлари	Ёш
1	Бошланғич мактаб	6-12
2	Ўрта мактаб	12-16
3	Ўрта касбий мактаб	16-18
4	Олий мактаб	18-23

Мактабгача таълим

Бельгияда мактабгача таълим (МТ) 2,5 ёшдан бошланади. Ушбу белгиланган ёшга етганда болаларни мактабгача таълим муассасасига беришади, шу сабабли гуруҳдаги болалар сони йил давомида ўзгариб боради. Мактабгача таълим гуруҳларининг асосий мақсади: болаларнинг билиш, билим орттириш (когнитив), коммуникатив ва ижодий қобилиятларини ривожлантириш ҳисобланади. Машғулотлар ўйин шаклида олиб борилади. Мактабгача таълим мажбурий таълим дастурига киритилмаган бўлсада, Бельгияда тахминан 90%гача бўлган болалар унга қатнашади. Кўп ҳолларда мактабгача таълим муассасалари бошланғич мактабларга уйғунлашган бўлади.

Болалар 6 ёшга етганда бошланғич мактабнинг биринчи синфига ўқишга киради.

Мактаб

Мактаб таълими даври 2 та-бошланғич ва ўрта мактаб босқичига бўлинади. Бошланғич мактаб, ўз навбатида, 3 та ва 2 та синфли босқичдан

¹⁴ Richard Arum, Melisa Velez. Improving Learning Enviroment: School Discipline and Comporative Perspektive. Stanford Universiy Press, USA 2012. P. 42-50

иборат. Бу даврда болалар арифметика, ўқиш, ёзиш, мусиқа, тарих ва баъзи бошқа фанлардан таълим олишади. Дарслар 8.30 да бошланиб, 15.30 гача давом этади. Соат 12.00 дан 13.00 гача тушлик учун танаффус берилади. Чоршанба куни тушликдан сўнг, шанба ва якшанба кунлари дам олиш кунлари ҳисобланади.

Брюсселдаги фламанд мактаб дастурига биринчи ёки иккинчи синфдан бошлаб, француз тилини ўқитиш киритилган. Қолган фламанд мактабларининг кўп қисмида бу фан бошланғич мактабнинг 3-босқичида ўргатилади. Мамлакатнинг француз тилида сўзлашувчи қисмида ўқувчининг хоҳишига кўра инглиз ёки нидерланд тиллари ҳам ўргатилади. Герман тилида сўзлашувчи қисмида француз тили мажбурий тарзда ўқитилади. Шунингдек, Бельгияда, белгиланган ижтимоий гуруҳ (денгизчи ва дипломатлар болалари)га йўналтирилган қатор хусусий мактаблар ҳам фаолият кўрсатади.

Ўқувчилар бошланғич мактабни тугатиб, худди шундай 3 та 2 йиллик босқичдан иборат ўрта мактабга ўтадилар. Бу босқичда ўқувчилар фанларни маълум гуруҳлар орасидан танлашлари шарт бўлади ва бу танлов маълум даражада уларнинг дарс жадвалини аниқлаб беришга асос бўлади. Дарс жадвалидан бу танланган фанлардан ташқари ҳамма учун мажбурий фанлар ҳам жой олган. Масалан, давлат тили ва жисмоний тарбия фанлари ва ҳоказо.

Бельгия хуудидида 4 типдаги ўрта мактаблар фаолият юритади:



Умумий таълим берувчи ўрта мактаб (Algemeen Secundair Onderwijs, (ASO)). Мазкур типдаги муассасалар ўқув дастурида мактаб битирувчиси 6 йил тўлиқ таълим олиб, ўқишни олий ўқув юртида давом эттириши кўзда тутилган. Меҳнат бозорида АСОни тугатганлик тўғрисидаги дипломли шахсларга эҳтиёж мавжуд эмас, чунки мазкур типдаги муассасаларда таълим кўп ҳажмли назарий билимлар берувчи фанларга қаратилган бўлиб, амалий ва касбий тайёргарлик кўзда тутилмаган.

Техник ўрта мактаблар (Technisch Secundair Onderwijs, (TSO)) иккита: ТТК ва СТК каби “типчалар”га бўлинади. 1- “типча”даги мактабларда таълим техник жиҳати томонига йўналтирилган, 2- “типча” - амалий муассасаларга ихтисослашган. Мазкур таълим муассасаларида математика, тиллар, тарих, табиий фанларга урғу берилади, лекин АСОга нисбатан билим ҳажми камроқдир. СТК битирувчилари меҳнат бозорига чиқишга тайёр, ТТК битирувчилари эса, одатда, ўқишни давом эттиришни: ихтисоси бўйича бир йил қўшимча таҳсил олиш, туризм, савдо, соғлиқни сақлаш каби соҳалар бўйича бакалавр ёки ҳаттоки магистр даражасини олишни афзал кўришади.

Касбий-техник ўқув юртлари (Veroeps secundair ondwerwijs (VSO)) дурадгор, заргар, ғишт терувчи (курувчи) уста каби ўзига хос мутахассисликлар бўйича таълим таклиф этишади. VSO — фақат Бельгия ўрта таълимида мавжуд бўлган таълим муассасаси типидир, бундан кейин олий таълим олиш имконияти кўзда тутилмаган. Агарда ушбу таълим муассасаси битирувчиси қўшимча йил (7 ёки 8) ўқиш истагини билдирса, бу қўшимча ўқув йилидан кейин битирувчига TSO дипломига эквивалент бўладиган диплом беришади.

Ўрта бадиий таълим муассасалари (Kunst secundair onderwijs (KSO)). Ушбу ўқув юртлар санъат соҳаси бойича олий маълумотга эга бўлиш учун университет ёки коллежга ўқишга кириш учун талабаларни тайёрлайди. Танлаган йўналишига қараб, актёрлик маҳорати, хореография, мусиқа ёки тасвирий санъат устувор бўлиши мумкин.

Бельгияда олий таълим: университетлар ва олий мактаблар

Бельгия олий таълими ўзининг кўҳна анъаналарига эга. Ўқитиш жараёни ва замонавий илм-фанни ривожлантиришнинг муҳим йўналишлари бўйича фундаментал ва амалий тадқиқотларни ўтказиш ўртасидаги боғлиқлик Бельгия таълим тизими учун анъанавий ҳисобланади. Бельгияда ўқишни танлаш жараёнида эътиборни, асосан, ишлаб чиқариш (масалан, технологиялар) ва бизнес (халқаро бизнес, иқтисодиёт, бошқарув, ҳуқуқ, молия ва бошқа)лар билан боғлиқ бўлган дастурларга қаратиш керак бўлади. Бунда, албатта, таълим олиб бориладиган тилни билиш тўғрисида далиллар бўлиши керак. Бельгиядаги таълим халқаро бизнесга йўналтирилганлиги олий ўқув юртлари битирувчилари учун катта имконият беради.

Бельгия таълимига француз, фламанд ва немис ҳамжамиятлари жавобгар. 6 ёшдан 16 ёшгача ва кечки мактабларда 18 ёшгача бўлган барча болалар учун таълим мажбурий ва бепулдир. Саводсизлик деярли тугатилган. Бельгияликлар болаларининг ярми хусусий, аксарият қисми католик черковларга тегишли бўлган мактабларда таҳсил олади. Қарийб барча хусусий мактаблар давлат томонидан томонидан ёрдамга бериладиган

маблағ-субсидия билан таъминланади.¹⁵

Мактаб таълимининг биринчи босқичи - олти йиллик бошланғич мактаб ҳисобланади. Ўрта таълим аксарият ҳолларда учта икки йиллик босқичдан иборат бўлиб, унинг дастлабки тўрт йили мажбурийдир. Биринчи ва иккинчи босқичларда ўқувчиларининг тахминан ярми умумпедагогик тайёргарлик, бадий таълим олишади ёки техник ёхуд хунармандчилик тайёргарликдан ўтади; бошқалар эса таълимнинг умумий курсини ўташади. Охири гуруҳининг тахминан ярим ўқувчилари битиргандан кейин университетга кириш ҳуқуқини берувчи ўрта мактабнинг олий босқичида таълим олишни давом эттирадилар.

Бельгияда 7 та академия ва 8 та университет фаолият кўрсатади. Бельгияда олий таълим қадимги анъаналарга эга: биринчи олий ўқув юрти - Лювен католик университети ҳисобланади. У 1425 йил ташкил топган. 1517 йили Эразм Роттердам ҳам Лювенда уч тиллик (иврит, лотин, грек) мактабга асос солди ва унинг намунасида Парижда Франция коллежи яратилди.

1970 йили француз тилида сўзлашиладиган Валлония, нидерланд тилида сўзлашувчи Фландрия, икки тилда сўзлашиладиган Брюссель ва немис тилида сўзлашиладиган Германия билан чегарадош бўлган Валлония шарқидаги тумандан иборат 4 та лингвистик ҳудуд мамлакат конституциясида мустақамланди.

Ўша вақтдан бери маориф федерал вазирлиги фақатгина ўрта таълимнинг мажбурийлигини назорат қилади ва барча босқич бўйича таълим тўғрисидаги диплом ва сертификатларни бериш талабларини белгилайди. Таълим бўйича бошқа масалалар тиллар ҳамжамияти ваколатига киради. Шундай қилиб, олий таълим масалалари Фламанд ҳамжамиятининг таълим ва давлат хизмати Вазирлиги, Француз ҳамжамиятининг олий таълим, илмий тадқиқотлар, халқаро алоқалар ва спорт Вазирлиги ҳамда Немис тилида

¹⁵ Florian Geyer. The Educational System in Belgium CEPS Special Report/September. ISBN 978-92-9079-921-4 Available for free downloading from the CEPS website <http://www.ceps.eu>)© CEPS, 2009. p. 11-18

сўзлашувчи ҳамжамиятнинг таълим, маданият, илмий тадқиқотлар, хайкаллар ва диққатга сазовор жойлар Вазирлиги ваколатидадир.

Университет типдаги ўқув юртлар ва олий мактаблар

1970 йил 7 июлдаги қонунга мувофиқ олий ўқув юртлар университет типдаги ўқув юртлар ва Олий мактабларга бўлинади. Аслини олганда 7 та Бельгия университети фаолият юритади: Льеж давлат университети, Монсе-Энодаги университет, Гент давлат университети, Брюссель Эркин университет (француз ва алоҳида фламанд тилида), Лювен католик университети (француз ва алоҳида фламанд тилида). Улар қаторида бир нечта хорижий университет бўлимлари (Брюссель ва Антверпенда), ҳамда университетга тенглаштирилган қатор Бельгия олий ўқув юртлари (одатда улар университет факультети, марказ, бирлашма ёки жамғарма номларига эга) фаолият юритади.

Олий ўқув юртларнинг бир қисми - юқорида номлари қайд этилган ҳамжамиятлар ҳукуматлари бюджетидан молиялаштириладиган давлат, ёки «расмий» ўқув юртлари ҳисобланади. Бошқалари шахсий маблағлар ҳисобидан - хусусий, шахс ёки ташкилотлар томонидан очилган ва “мустақил”, “эркин” номларига эга бўлишган. Уларнинг аксарияти Бельгияда, анъанага кўра, таълимнинг барча босқичларини, шу жумладан олий таълимни, ташкил этиш ва молиялаштиришда катта аҳамиятга эга бўлган Рим католик черкови раҳбарлигида очилган. Баъзи мустақил ўқув юртлар, хусусан, католик университетлар ҳамжамиятлар ҳукуматлари кўмагидан фойдаланишади.

Брюсселдаги Эркин университет - Нидерланд тилида ўқитиладиган университет ҳисобланади. Ушбу университетлар номларидаги “эркин” сўзи уларнинг мустақил ўқув юрти эканини билдиради.

Улар эркин илмий тадқиқотлар принципига бўйсинади ва шиорлари ҳам бир хил: “Қоронғуликни илм билан енгиш”. Брюссель Эркин университети юқорида қайд этилганидек, 1834 йили ташкил топилган ва

таълим фақатгина француз тилида, 1934 йилдан бошлаб голланд тилида ҳам олиб борилади. 1970 йили эса Нидерланд тилида ўқитиладиган факультетлар Эркин университетларига ажратилади. Шундай бўлсада ҳар иккала университет ўзаро ҳамкорлик дастурини амалга оширади. Факультетлари:

- ҳуқуқ ва криминология;
- иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий фанлар;
- психология ва педагогика;
- табиий фанлар;
- тиббиёт ва доришунослик;
- философия ва филология;
- техник (муҳандислик) фанлар;
- жисмоний тарбия;
- ўқитувчиларни тайёрлаш фанлараро гуруҳ.

Шунингдек, университетга тенглашган ўқув юртлар таркибига Қиролнинг ҳарбий мактаби ҳам киради. Университет дипломи мавжудлиги амалдаги қонунчиликка мувофиқ маълум давлат мансаб, лавозимларини эгаллаш ва жамоат аҳамиятига эга (адвокат, врач ва бошқа) мутахассисликлар бўйича фаолият юритиш учун рухсат олиш учун керакдир. Алоҳида ҳолатларда Бельгия университетлари чет элликларга Бельгияда ишлаш ҳуқуқига эга бўлмаган диплом беришади. Университетда таълим олиш энг кам муддати 4 йилдир, лекин баъзи мутахассисликлар бўйича ундан кўп йил таҳсил олиши мумкин.

Университетдаги ўқишлар кўп поғоналидир: университетда таълим олишнинг ҳар бир даври ёки цикли университет илмий даражасини олиш учун қуйидаги даражаларини олиши билан тугатилади:

Курс	Давомийлиги	Даража
(Таянч)-Базавий	2 йил	кандидат (таълимнинг бошқа тизимида бакалавр дипломига мос келади)

Асосий	3 йил	лиценциат (таълимнинг бошқа тизимида магистр дипломига мос келади)
Қўшимча	2 йил	доктор (мутахассис)
Олий	2 йил	олий таълим агрежеси

“Кандидат” даражаси - 2 ёки 3 йиллик таянч таълим олгандан кейин берилади. Бу 1-цикл ҳисобланади (кейин эса таълимнинг 2-цикли, яъни ихтисос (соҳа) бўйича тайёрлаш бошланади;

“Лиценциат” - бакалавр даражасига мос келади, мутахассислиги бўйича 2 ёки 3 йиллик қўшимча таълим олиши ва илмий иш ёзгандан кейин берилади.

Баъзи фанлар бўйича кўп муддатли ўқишдан кейингина ушбу даражага эришиш мумкин.

“Доктор” - магистр даражасига тўғри келади, мазкур даражага “лиценциат” даражасини олгандан кейингина камида яна 1 йил таҳсил олиб, диссертацияни ёзиб, албатта уни ёқлаш талаб этилади.

“Олий таълим агреже”си - ушбу иерархия (кетма-кетлик)нинг олий даражаси ҳисобланади ва у докторлик даражасини олиб, 2 йил муддат ўтишидан кейингина берилиши мумкин.

Университетларда, шунингдек университетдан кейинги таълим ёки, одатда, давомийлиги 2-3 йил бўлган “3-чи цикл (босқич) таълими” бордир. Мазкур таълим турининг мақсади инсонларга қўшимча таълим ёки даража олиш учун имконият яратиш ҳисобланади. Баъзи фанлардан университет даражасига эга бўлиш учун кечки ёки дам олиш кунлари курслари ташкил этилиши орқали ёши катта бўлган кишиларга имконият яратилади. Баъзи университетларда таълимнинг “алмашиб келиш”и, яъни таълим олиш жараёни ишлаб чиқаришдаги амалиёт билан алмашиб келади ва “танаффусли таълим” каби шакллари мавжуд. Бельгия олий мактаб тизими учун таълим жараёни билан замонавий фанни ривожлантиришнинг муҳим йўналишлари бўйича амалий тадқиқотларнинг боғлиқлиги анъана бўлиб қолган.

Илм, фанни ривожлантириш учун университетларнинг бюджетидан 40% гача бўлган миқдордаги маблағ ажратилади. Илмий тадқиқотларнинг молиялаштирилиши вазирлик, саноат ва қишлоқ хўжалигида илмий-тадқиқотларга кўмак Институтини йўналишлари бўйича давлат маблағлари, илмий тадқиқотлар Миллий жамғармаси, шунингдек турли хил компания, жамғарма ва ассоциациялар йўналиши бўйича хусусий (шахсий) манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

1995 йил 8 августдаги “Олий мактабларда таълимни ташкил этиш тўғрисида”ги Декрет “узун” ва “қисқа” типдаги таълимни белгилаб берди. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, олий ўқув юрти номидаги “институт” ёки “университет” сўзлари мазкур ўқув юрти ўз битирувчиларига олий маълумот беради дегани эмас. Қисқа муддатли таълим 3 йиллик (баъзи ҳолларда санъат ва тиббиёт соҳалари бўйича 4 йил) муддатли бир циклдан иборат бўлади. Назарий қисмини ўқитиш навбатма-навбат лаборатория, устахоналардаги амалий машғулотлар билан биргаликда олиб борилади.

Кўпинча фермер, бухгалтерия, ҳамшира, мактаб ўқитувчиси, механик, кутубхоначи, фотограф, котиба каби мутахассисликларга ўқитиш таълимнинг 1-йилидан бошланади.

Узоқ муддатли олий таълим ҳар бири давомийлиги 2 йилдан иборат 2 циклдан иборат.

Бельгия олий ўқув юртлари томонидан берилган барча дипломлар Европа Иттифоқи давлатлари, шунингдек Исландия, Норвегия, Турция ва Мальта мамлакатларида эътироф этилади.

Биринчи босқич *Gradue diplom* берилиши билан якунланади. Иккинчи поғона таҳсилдан кейин *Licencie diplom* берилади. Институт ва университетларнинг иккинчи поғона битирувчилари учун ягона бўлиб, умумий ҳисобланган учинчи поғонадан кейин битирувчига (*Ingeneurdiplome*) дипломли муҳандис даражаси берилади. Аслида, олий таълим секторлари оралиғидаги чегаралар ўзгалар учун ёпиқ эмас ҳамда талабалар навбатдаги таълим босқичини ўз мутахассислигига мос келадиган ҳоҳлаган олий ўқув

юртида давом эттириши мумкин.

Олий ўқув юртига кириш имтихонлари мавжуд эмас: таҳсил олиш учун ёзилиш тизими мавжуддир. Баъзи Олий ўқув юртларида келажак талабалари учун қўшимча равишда тест синовларини ўтказишади.

ФРАНЦИЯ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ

Франция жаҳондаги иқтисодий ривожланган мамлакатлар ичида етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Унинг таълим тизими ҳам қадимий ва бой тарихга эга. Франция давлатининг ҳозирги даврда амал қилинаётган «Таълим ҳақидаги қонун»и 1989 йил 10 июлда қабул қилинган бўлиб, унинг ўзгартирилишига таълим стратегиясида рўй берган ўзгаришлар, мамлакатнинг ички ташқи сиёсатидаги ислохотлар натижасида юзага келган иқтисодий шароитлар, чет эл педагогикасидаги илғор технологияларнинг мамлакат таълим тизимларига кириб келиши, ўқув предметларининг интеграциялари ва бошқалар сабаб бўлди.

Францияда таълимнинг асосий мақсади шахсни ҳар томонлама камол топишини таъминлаш, уни мустақил фаолиятга тайёрлаш, бозор муносабатлари шароитида ўқувчиларни тадбиркорликка, ишбилармонлик ва омилкорликка ўргатиш, шунга яраша касб-корга эга қилишдан иборатдир. Бу ерда давлат мактаблари, хусусий мактаблар, оралиқ мактаблар мавжуд.

Ўқитиладиган предметлар ичида француз тили ва адабиёти, ўқиш ва ёзув алоҳида аҳамиятга молик бўлиб ҳисобланади. Ўқув йили 5 чоракка бўлинади. Француз мактаблари бошланғич синфларда ўқиш эрталаб бўлади, тушдан кейин эса математика ва бошқа предметлардан қўшимча сабоқ оладилар.

Математика, она тили ва адабиёти базавий фан, тарих, география, меҳнат, жисмоний тарбия каби фанлар эса ривожлантирувчи предметлар ҳисобланади.

Франция таълимида болаларнинг гўдаклик чоғиданоқ мактабда ўқитиш учун тайёр ҳолда олиб келиш ғоят муҳим масала ҳисобланади. Бу босқичда тарбияланувчилар қуйидагича табақалаштирилган: кичик гуруҳ (2-

4 ёш), ўрта гуруҳ (4-5 ёш), катта гуруҳ (5-6 ёш). Мактабга тайёрлов гуруҳи (5-6 ёш) бўлиб, уларга Францияда 100% шу ёшдаги болалар камраб олинган. Болаларни мактабга тайёрлаш учун алоҳида дастур ва дарсликлар мавжуд.

Франция бошланғич таълим мактабларига 6 ёшдан 11 ёшгача бўлган болалар жалб қилинадилар. Бошланғич мактаб бепул ва мажбурий. Унинг вазифаси ўқиш, ёзиш ҳисоблаш малакасини беришдир. Ўқув машғулоти эрталаб соат 9 дан 12 гача ҳамда соат 14 дан 16 гача 5 соат давом этади. Мактабда овқатланиш пуллик, лекин жуда арзонлаштирилган нархларда. Бошланғич синфларда ўқиш 5 йил бўлиб, уч босқичда амалга оширилади:

1. Тайёрлов босқичи;
2. Элементар курс (бу босқич икки йил давом этади);
3. Чуқурлаштирилган босқич.

Тайёрлов босқичи - 1 йилга мўлжалланган. Бунда болалар ҳисоблашга, ўқиш ва ёзишга, куйлашга, ўйлашга, табиат манзараларини томоша қилишга ва ундан баҳра олишга, жисмоний машқлар билан машғул бўлишга, мактабнинг турли спорт тadbирларида иштирок этишга, мусиқа ва меҳнатга ўргатилади.

Навбатдаги босқич - элементар курс бўлиб бу босқичда ўқиш 2 йил давом этади. Бунда ўқувчиларнинг тайёрлов циклида предметлар бўйича олинган билимлари янада такомиллаштирилади.

Бошланғич мактабнинг 3 - босқичи - чуқурлаштириш босқичидир. Бунда ўқувчиларнинг тайёрлов ва элементар босқичдаги билимлари янада чуқурлаштирилади. Француз мактабларининг бошланғич босқичида «Фуқаролик таълими», «Нафосат таълими» ҳам ўқитилади. Нафосат таълимига мусиқа, тасвирий санъат, спорт киритилган. Ўқувчилар билан якка тартибда ишлаш, уларни рағбатлантириш, шахсий қобилият ва имкониятларини рўёбга чиқариш, таълимда узлуксиз ва ворисликни таъминлаб бериш бошланғич синф ўқувчиларига кўйилган бош талабдир.

Ўқув дастурининг мазмунини бевосита ўқитувчининг ўзи белгилайди. Бир сўз билан айтганда, ўқитувчи болалар билимига тўла масъул экан унинг

услуг ташлашига мустақил ҳаракат қилишига ҳам тўла эркинликлар берилади.

1990 йилдаги ҳукумат қарорига мувофиқ мактабгача тарбия ва бошланғич таълимига модуллаштириш, болаларнинг билимига у ёки бу фанга мойиллигига қараб дифференциялаштириш, яъни табақалаштириш, дарс жадвалини ҳам шу асосда тузиш ҳуқуқи берилди. Бундай дарс жадваллари йиллик, ярим йиллик, чораклик асосида тузилиши ҳам мумкин.

Ўқувчилар 11 ёшда бошланғич мактабни тугаллаб ўрта мактабга ўтадилар. Ўрта таълим эса коллежлар ва лицейларда амалга оширилади. Ўрта таълим икки босқичда бўлиб, биринчи босқичда француз тили ва адабиёти, чет тили (инглиз, немис, испан, италян тиллари), тарих, Франция географияси, математика, тиббий фанлар ўргатилади.

6-5-синфлар умумий ўрта таълим беради; 4-3-синфларда эса ўқувчиларга қобилияти ва мойиллигига қараб билим берилади. Биринчи босқич яқунлангач, ўқувчилар касбий йўналишлари бўйича гувоҳнома оладилар.

Шундан кейин ўқувчилар 15 ёшдан 18 ёшгача таълим оладилар. Ўқиш 3 йил давом этиб 2- синф кичик, 1- синф ўрта ва яқунловчи синфларга бўлинади¹⁶.

Ўқувчилар умумий таълим ва техник лицейларни тугатганларидан сўнг бакалавр унвони ва диплом иши учун имтиҳон топширадилар. Ана шундай дипломга эга бўлганларгина олий ўқув юртларига кириш ҳуқуқини қўлга киритадилар.

Францияда талабалар педагогика, политехника институти, олий маъмурий мактабларга кириш учунгина имтиҳон топширадилар. Бундан ташқари шу касбга мойиллиги ҳам алоҳида синаб кўрилади. Бошқа олийгоҳларга ва университетларга эса бакалавр дипломи бўлган ёшлар имтиҳонсиз қабул

¹⁶ Eduscol. education.fr./ dossiers. School Education in France. ISBN 978-92-9079-921-4 Available for free downloading from the CEPS website (<http://www.ceps.eu>) © CEPS, 2009. p. 15-23.

қилинаверади.

Францияда олий маълумот ва ихтисос берувчи олий технологик институтлар мингдан ортиқ. Улар одатда саноат маиший хизмат кўрсатиш информатика мутахассисликларига ихтисослашган. Ўқиш муддати 2 йил бўлиб саккиз ҳафталик ишлаб чиқариш амалиётини ҳам кўзда тутаяди.

Сиртқи таълим

Сиртқи таълим хусусий ёки давлат таълим шохобчаларида амалга оширилиши мумкин. Мамлакатда миллий сиртқи таълим маркази фаолият кўрсатмоқда, у 500 турдаги ўрта, олий профессионал маълумот беришни тавсия эта олади. Одатда таълимнинг бу тури оилавий шароит, иқтисодий шароитлар туфайли мактабда ўқишни давом эттириш имконияти бўлмаган кишилар учун мўлжалланган. Сиртқи таълим катта ёшлилар учун узлуксиз таълимнинг муҳим шохобчаси бўлиб қолган.

Улар ўз ихтиёрлари билан, ўз маблағларига ёки корхоналар маблағи ҳисобига ўқийдилар. Францияда сиртқи таълим 1 млн кишини қамраб олиши мумкин.

Францияда мактаб раҳбарлиги лавозимига эришмоқ учун таълимга раҳбарлик қилишдан сабоқ берувчи махсус марказларда ўқийдилар. Бундай марказларда улар раҳбарлик қилиш, мактаб иқтисодиётини бошқариш, таълимдаги юридик масалалар, қонунчилик, ота-оналар билан ишлаш, маданий оқартув ишларини ташкил этиш, жамоада яхши психологик муҳитни барпо этиш каби жиҳатларни ўрганади, ўқиш якунлангач, суҳбатдан, тест имтиҳонларидан ўятадилар.

АҚШ таълим тизими

Америка Қўшма штатларида таълим тизимининг тuzилиши қуйидагича:

- болалар 3 ёшдан 5 ёшгача тарбияланадиган мактабгача тарбия муассасалари;

- 1- 8 - синфларгача бўлган бошланғич мактаблар (бундай мактабларда 6 ёшдан 13 ёшгача ўқийдилар);

- 9-12 - синфлардан иборат ўрта мактаблар (бу мактабларда 14-17 ёшгача бўлган болалар таълим оладилар). У қуйи ва юқори босқичдан иборат.

Америка Қўшма Штатларида навбатдаги таълим босқичи олий таълим бўлиб, у 2 ёки 4 йил ўқитиладиган коллежлар ҳамда дорифунунлардир. АҚШда мажбурий таълим 16 ёшгача амал қилади. Бу мамлакатдаги ўқув юртлари давлат, жамоа тасарруфида, хусусий ва диний муассасалар ихтиёрида бўлиши мумкин.

Америкада 3 ёшгача бўлган болалар тарбияси билан оналар шуғулланадилар, лекин уларга ҳеч қандай имтиёзлар берилмаган. 5 ёшдан эса «Киндер гарде» деб аталувчи тайёрлов муассасаларида таълим бошланади. Бошланғич мактаб 6 ёшдан то 13- 15 ёшгача бўлган болаларни камраб олади. Бу бошланғич мактабларда умумий саводхонлик ва касбга йўналтириш вазифалари ҳал этилади. Синфдан-синфга кўчиш ўқувчининг ўзлаштирганлик даражасига боғлиқ. Бошланғич таълим турли штатларда турлича белгиланган (4, 5, 6, 8 йил). Мактабларда турли хил тўғараклар, учрашувлар, шоулар ва саёҳатлар уюштирилади, аммо уларнинг ҳаммасига ҳақ тўлаш лозим. Ўрта мактаблар қуйи ва юқори босқичлардан иборат. 9 - синфни битирган талабалар танлов асосида ўрта мактабга қабул қилинади. Ўрта мактабларда тўрт йўналишда касб-ҳунар асослари бериб борилади.

1 - касб-ҳунар таълими, 2 - бизнес таълими, 3 - савдо ва саноат таълими ҳамда 4-қурилиш таълими. Олий таълим 4 асосий босқичда амалга оширилади.

1-кичик мутахассис - 2 йиллик коллежларда амалга оширилади. 2-бакалавр 4 йиллик коллежларда , 4 йиллик коллеж ёки дорифунунни тугатган 3-босқични давом эттириши мумкин. Бу 1-2 йиллик магистр мактаби. 4 – босқич эса докторантура. Олий таълимда икки йўналиш мавжуд: 1-таълимни индивидуаллаштириш; 2-талабанинг мустақил ишлашини амалга ошириш.

Ўқитувчи йўналтирувчи роль ўйнайди. Асосий мақсад талаба интеллектини машқ қилдириш ва мантиқий фикрлашга ўргатишдир.

Юқоридагилардан келиб чиқиб хулоса қилиш мумкинки, АҚШ ўрта мактабларида ўз ўқувчиларига уч йўналишда: академик, касб-хунар, умумий йўналишларда билим беради. Айни пайтда ўқувчиларга тўрт йўналишда: қишлоқ хўжалиги, бизнес таълими, савдо ва саноат қурилиши бўйича хунар, касб-кор асослари ўргатилади.

АҚШда ҳар бир ўқувчига фанлар бўйича олган билимлари жамланган аттестатлар берилади. Коллежларда ўқиш истагида ҳужжат топширган ўқитувчилар юқори ўрта мактабнинг сўнгги икки йили билимлари ҳажмида кириш тест синовларидан ўтказилади. Ўғил- қизларнинг танлаган касбига лаёқати ва қобилияти ҳам аниқланади.

Мактабларда қўлланилиши мумкин бўлган воситалар электрон ёзув аппаратлари (каллиграфия ва ёзув қодаларини такомиллаштиришга ёрдам берадиган мосламалар) таълим телевидениеси, қўлда кўтариб юрадиган электрон тил лабораторияси, слайдлар, видеоаппаратуралар, компьютер ва ҳоказолардан иборат.

XXI аср арафасида АҚШ янги қабул қилинган «2000-йилда Америка таълим стратегияси» дастури эълон қилинган эди.

Турли йўналишдаги асосий мақсадлар белгиланган мазкур дастурда 2000-йилда барча америкалик кичкинтойларнинг мактабга тайёр ҳолда келишлари, аҳолининг 90 фоизи олий маълумотли бўлиши, ўқувчиларнинг инглиз тили, математика, табиий фанлар, тарих, география фанлари бўйича жаҳонга ўз иқтидорларини намойиш эта олишлари, талабаларнинг табиий ва математика фани ютуқларини ўзлаштиришда жаҳонда энг олдинги ўринларга чиқишлари, ҳар бир вояга етмаган америкаликнинг иқтисодиёт соҳасида жаҳоннинг барча ёшлари билан беллаша оладиган бўлишлари, мактабларда гиёҳвандлик ва зўравонликка барҳам бериш, ўқиш учун барча шарт-шароитларни яратиш кўзда тутилганди. АҚШ таълим истиқболларини белгилаб берувчи мазкур дастур асосида ўтган йиллар давомида жуда кўп ишлар амалга оширилди.

Олий ўқув юртларида илмий изланишлар олиб бориш бўйича АҚШ жаҳон мамлакатлари орасида етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Бу мамлакатда илмий изланишлар учун ажратилган маблағнинг 48 фоизини давлат томонидан, 50 фоизини фирма, концерн, синдикатлардан ундирилади, қолганларини олий ўқув юртларининг манбалари ташкил қилади.

1.2. ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМДА ИЛГОР ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАЛАР

Blended learning (аралаш ўқитиш)



Ахборот технологиялари таълимнинг турли янги кўринишларини таклиф этмоқда, хусусан кейинги вақтларда модулли таълим тизимида мажмуавий ёндашув тамойили кучайиб бормоқда. Унда турли шакл, усуллар мослаштирилган ҳолда жойлаштирилиши аралаш таълимнинг инновация сифатида кириб келишига сабаб бўлди.

Деклан Берн "blended learning" (аралаш таълим) ҳақида шундай дейди –“ушбу таълим бой педагогик тажрибадан самарали фойдаланишга қаратилган”. Бундай ёндашув ахборотни тақдим этишда турли услубиётлардан фойдаланишни, таълимни ташкил этишда ва таълим жараёнида ахборот технологиялари, яқка тарзда ва гуруҳларда анъанавий фаолиятни ташкил этишга асосланиши мумкин. Бундай турлича ёндашув талабани чарчатмайди ва ўқишга бўлган мотивларини кучайтиради. Асосий масала - танланган услубиётларнинг ўзаро мутаносиблигини таъминлаш ва кам ҳаражат асосида юқори самарадорликка эришиш ҳисобланади.

Бугунги кунда blended learning кундузги анъанавий таълим ва масофавий таълимнинг унсурлари комбинацияси ҳисобланиб, бунда

анъанавий методика ва янги технологияларни уйғунлаштиришга имкон яратилади. Бу тизимда ўқитувчи таълим марказида қолади ва интернет имкониятларидан кенг ва самарали фойдаланади. Blended learning масофавий таълим (Distance learning), синф хонада таълим (Face-to-Face learning) ва интернет орқали таълим (Online learning)дан иборат.

Вебинар методи

Бугун масофавий таълимнинг яна бир тури «webinar» (1998 йилда бу термин мулоқатга киритилди) технология вужудга келди. Вебинар технология ўқитишни web –технология асосида интерактив ҳолда ташкил этишни назарда тутди. Бу технология нафақат тингловчиларга ахборотни етказди, балки улар билан мулоқотга киришиш (оғзаки, ёзма) имконини яратди, яъни семинар кўринишида фикрларни алмашиш, ўз фикрини баён этиш мумкин. Бошқача қилиб айтганда интернет тармоғи асосида ташкил этилувчи таълим ҳам субъект-субъект парадигмасига ўтмоқда.

Вебинар усулида дарс семинар ёки конференция Интернет орқали бир вақтда ҳозир бўлган тингловчилар билан аудио видео (ва аввалги постларда санаб ўтилган кўплаб интерактив имкониятлар) билан жонли олиб борилиб ушбу дарс кейинги фойдаланишлар учун ёзиб олинishi мумкин бўлса-да, бутун ўқув ёки курс жараёнидаги дарслар ягона платформа доирасида ўзаро узвий боғланмайди, яъни алоҳида-алоҳида бир марталик дарслар бўлади дейиш мумкин.

Эвристик ўқитиш методи

Эвристик ўқитиш методини қўллашда ўқитувчи ўқувчилар билан ҳамкорликда ҳал этилиши зарур бўлган масалани аниқлаб олади. Ўқувчилар эса мустақил равишда таклиф этилган масалани тадқиқ этиш жараёнида зарурий билимларни ўзлаштириб оладилар ва унинг ечими бўйича бошқа вазиятлар билан таққослайди. Ўрнатилган масалани ечиш давомида ўқувчилар илмий билиш методларини ўзлаштириб тадқиқотчилик фаолиятини олиб бориш кўникмаси тажрибасини эгаллайдилар.

Таълим жараёнида тадқиқотчилик ўқитиш методини қўллашда ўқитувчи ва ўқувчилар томонидан қуйидаги ҳаракатлар амалга оширилади:

Ўқитувчи фаолиятининг тузилмаси	Ўқувчи фаолиятининг тузилмаси
<p>ўқувчиларга ўқув муаммосини таклиф этиш;</p> <p>ўқувчилар билан ҳамкорликда тадқиқот масаласини ўрнатиш;</p> <p>ўқувчиларнинг илмий фаолиятини ташкил этиш</p>	<p>ўқув муаммолари моҳиятини англаб олиш;</p> <p>тадқиқот муаммосини ўқитувчи ва ўқувчилар билан биргаликда ўрнатишда фаоллик кўрсатиш;</p> <p>уларни ечиш усулларини топиш;</p> <p>тадқиқий масалаларни ечиш усулларини ўзлаштириш</p>

Эвристик метод ўқитувчилардан ижодий хусусият касб этувчи юқори даражадаги билиш фаолиятини ташкил эта олиш кўникма ва малакаларига эга бўлишни тақозо этади. Бунинг натижасида ўқувчилар мустақил равишда янги билимларни ўзлаштира оладилар. Улар одатда юқори синф ўқувчиларининг ўзлаштириш даражаларини ҳисобга олган ҳолда маълум ҳолатларда қўлланилади. Ушбу методлардан бошланғич синфларда фойдаланиш амалиётчи-ўқитувчиларнинг фикрларига кўра бирмунча мураккаб ҳисобланади. Бироқ узлуксиз таълим тизимида шахсга йўналтирилган таълимни фаол жорий этишга йўналтирилган ижтимоий ҳаракат амалга оширилаётган мавжуд шароитда ушбу йўналишдаги лойиҳаларни тайёрлаш ўзига хос долзарб аҳамиятга эга бўлиб бормоқда. Шунга қарамасдан бу тасниф мактаб амалиётида бирмунча кенг тарқалган ва педагогик ҳамжамият томонидан эътироф этилган. Шунингдек, буюк дидакт И.Я.Лернер асарлари асосида илмий тадқиқот ҳам амалга оширилган.

XX-аср (1902-1903) бошида Эмиль Дюркгейм(1973 [1925]) ўзининг қатор маърузаларида ёшларнинг ижтимоийлашувида мактаб фанларининг марказлашувини ижтимоий нормалар, қадриятлар ва қоидалар борлигини ўргатувчи ва улар асосида ижтимоий ҳамкорликни шакллантирувчи

дастлабки ижтимоий институт деб қараган. Бу меъёрлар ва қадриятларни ўзлаштираётган ёшлар кўпроқ катталарга хос самарали бандлик ва фуқаролиги билан боғлиқ анъанавий хатти-ҳаракатлар модулини намоён қилмоқда. Ўз навбатида мактаб ва оилаларнинг бу нормалар ва қадриятларни болаларга сингдиришидаги хато ва камчиликлари улар орасидаги ҳуқуқбузарлик, жиноятчилик ва бошқа салбий натижаларнинг келиб чиқишига олиб келади ва юқорида таъкидланган ижтимоий институтларнинг умумий мақсадларига зид ҳолатни юзага келтиради. Мактаб тарбияси ўқитишни хавфсиз ва профессионал ташиқлаштиришида катта роль ўйнайди. Дюркгеймнинг таъкидлашича, мактаб тарбияси “синфда фақатгина тинчликни таъминлайдиган оддийгйина қурилма эмас”, балки ундан ҳам муҳимроқ, “маънавий тарбия инструменти дир ва у кўчириб олиниши мураккаб дир”.

Хусусан, социологлар ўқувчиларнинг шаклланишида мактаб интизоми муҳити ролининг кенгайишидан манфаатдор бўлганлар. Интизом узоқ йиллар мобайнида муваффақиятли мактабларнинг марказий хусусияти сифатида эътироф этилган бўлса-да, сўнги ўн йилликлар ичида тадқиқотчилар бу муҳим мавзу ҳақида қиёсий тадқиқотларга нисбатан кам эътибор берган. Мактаб интизоми юзасидан қиёсий тадқиқотлар айниқса ҳозирги кунда жуда муҳим дир, чунки биз мактабларнинг бир-биридан интизом борасидаги тизимли ёндашув фарқларини билишимиз керак. Бундай билим сиёсатчиларга самарали таълим сиёсатини шакллантириши учун мустаҳкам эмпирик асос беради. Бу китоб мактаб интизоми юзасидан тизимли қиёсий миллий тадқиқотларни ўз ичига олган бўлиб, мавзу юзасидан академик билимлар, ижтимоий фикр ва таълим сиёсатининг шаклланишига ҳисса қўшади.¹⁷

¹⁷ Richard Arum, Melisa Velez. Improving Learning Enviroment: School Discipline and Comporative Perspektive. Stanford Universiy Press, USA 2012. P. 36-38

ХОРИЖИЙ ТАЪЛИМДА ТЬЮТОР, ЭДВАЙЗЕР, ФАСИЛИТАТОР ВА МОДЕРАТОРЛИК ФАОЛИЯТИ

Хорижий таълимда сўнгги йилларда бир қатор атамалар кенг ишлатилмоқда. Буларга тьютор, эдвайзер, фасилитатор ва модератор тушунчалари киради.

ТЬЮТОР - (*Tutorem-лотинча*) устоз, мураббий вазифасини бажаради. Баъзи ҳолларда маъруза ўқитувчиси билан тингловчи орасидаги боғловчи ролини ҳам бажаради. Бунда маърузачи томонидан берилган билимларни кенг эгаллашда маслаҳатчи ва устоз ролини бажаради.

ЭДВАЙЗЕР (**advisor**)-французча “avisen”“ўйламоқ”) тингловчиларнинг индивидуал ҳолда битирув малакавий иши, курс лойиҳаларини бажаришда маслаҳатчи ролини бажаради.

ФАСИЛИТАТОР - (инглиз тилида *facilitator*, лотинча *facilis*—енгил, кулай)- гуруҳлардаги фаолият натижасини самарали баҳолаш, муаммонинг илмий ечимини топишга йўналтириш, гуруҳдаги комуникацияни ривожлантириш каби вазифаларни бажаради.

МОДЕРАТОР -қабул қилинган қоидаларга амал қилишни текширади, тингловчиларнинг мустақил фикрлаш ва ишлаш қобилиятларни ривожлантириш, билиш фаолиятини фаоллаштиришга ёрдам беради. Маълумотни, семинарни, тренинглар ва давра суҳбатларини бошқаради, фикрларни умумлаштиради.

Бизнинг таълимда ушбу фаолиятларнинг ҳаммасини ўқитувчи бажаради ва педагог ёки ўқитувчи деб юритилади.

1.3. ХОРИЖ ТАЪЛИМ ТАЖРИБАСИДА ДИФФЕРЕНЦИАЛ, ИНТЕГРАТИВ ВА МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМ МАСАЛАЛАРИ.

Инсоният жамиятининг ҳозирги замон ривожланиш даражаси мустақил республикамиз ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларида амалга оширилаётган туб ўзгаришларда ўз аксини топмоқда. Бундай ўзгаришлар шакл-шубҳасиз, баркамол шахсни таркиб топтириш билан чамбарчас боғлиқ.

Айнан ана шу масала "Таълим тўғрисида"ги Қонун ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" да ўз аксини топган.



Бугунги кунда инсоният жамияти, шунингдек, мустақил республикамиз халқи олдида турган ижтимоий-итисодий, ғоявий-сиёсий, таълимий-тарбиявий муаммоларнинг ечимини топиш табиий, ижтимоий, техник фанларни ўзаро алоқадорлиги ва ўзаро муносабатларига боғлиқ. Чунки, уларнинг барчаси моҳияти, мазмуни, табиати, шакли ва кўламига кўра тизимлилик характериға эға бўлиб, уларға айнан мос ёндашув ёрдамида тадқиқ этилиб, ечими топилади. Бу ўз навбатида таълим-тарбия ишида ҳам тизимли ёндашувдан фойдаланишни кўзда тутуди.

Кўп сонли манбалар, хусусан педагогик амалиёт соҳаларининг таҳлили таълим-тарбия жараёнининг ривожланишиға тўсиқ бўлаётган муаммолар мавжудлигидан гувоҳлик беради. Булар асосан, бизнинг фикримизча, ўрганилаётган объектларнинг баъзи бир жихат ва хусусиятларини лавҳалар (фрагмент) шаклида ўрганиш натижасида юзаға келиб, мантиқан боғланмаган ва тизимлашмаганлигидадир. Амалиётдаги бундай ҳолатларни бартараф этишда интегратив ёндашув муҳим аҳамият касб этади. Фанда "Интеграция" тушунчаси XVIII асрдаёқ Г.Спенсер

томонидан қўлланилишига карамай, унга давр тақозосига кўра яқин пайтларгача етарли аҳамият берилган эмас.

Илмийлик нуқтаи назаридан олиб қараганда интеграциянинг асосини оламнинг яхлитлиги ва уни ташкил этувчи қисм (элемент)ларнинг ўзаро алоқадорлиги, муносабатлари ташкил этади. Таниқли рус психологик олими Г.С. Костюкнинг фикрича: "Табақаланиш дифференциация - рухий жараёнлар ва ҳолат (хусусият)ларни кўпайишига олиб келса, интеграция - тартибга келтириш, субординация ва унинг натижаларини маълум кетма-кетликда жойлаштиришга олиб келади. Интеграциялаш йўли билан янги психологик жараён, янги фаолият тузилмаси ҳосил бўлади. Бу янги тузилма илгари алоҳида-алоҳида бўлган элементлардан синтезлаш йўли билан ҳосил қилинади". Генетик жиҳатдан интеграция-узвийлик, предметлараро алоқадорлик, ўзаро алоқадорлик ва ниҳоят ўзаро бир-бирини тўлдирувчи, кенгайтирувчи ҳамда чуқурлаштирувчи, ўқув предметлари мазмунини энг камида таълим стандартлари даражасида синтезлаб, мантиқан тугалланган мазмун шакли ва олий даражасидир. Чунки предметлараро алоқадорликнинг ҳар қайси қуйи даражаси, ўрганилаётган ўқув предметлари доирасида маълум дидактик бирликлар орасида ўрнатилиб, уларни ўрганиш мазмунини ва муддатларини мувофиқлаштиришни кўзда тутаяди, бундан фарқли ўлароқ интегратив алоқадорлик асосида ташкил этилган ўқув предмети ёки интеграциялаб ўрганилаётган предмет, ҳодиса ёки жараёнларни яхлит тизим шаклида ҳар томонлама алоқадорлик ва муносабатлар нуқтаи назаридан талқин этишни талаб этади. Бу ўз навбатида ҳозирги ва истиқбол талабларига жавоб берадиган, мустақил фикр юритувчи ва ижодий фаолият кўрсатувчи, малакали мутахассис шахсини шакллантиришга имкон беради. Чунки у таҳсил олувчилардан фақатгина таҳлил қилиш ва синтезлаш операцияларини талаб қилиш билан чегараланиб қолмасдан, балки мавҳумлаштириш, алгоритмлаштириш, туркумлаш, шартли белгилар ёрдамида ифодалаш, сабаб оқибатли алоқадорликни аниқлаш, таҳлил этиш, синтезлаш, тизимлаштириш, моделлаштириш каби юксак даражали тафаккурлаш операцияларини талаб

этади. Бу операциялар ўрганилаётган объектни барча муҳим жиҳат ва хусусиятларини ажратиб олиб (табақалаштириб), моҳияти ва мазмунини англаб етиш ва уларни умумлаштириш орқали амалга оширилади. Демак, интеграция ҳар доим ҳам унинг иккинчи томони бўлган табақалаштириш (дифференциация)га таянган ҳолда ривожланиб боради ёки аксинча.

Интеграция масаласини педагог олимлар ва амалиётчилар қуйидаги йўналишларда тадқиқ этишни тавсия этадилар:

а) ўқув предметлари ва фанлар туркуми доирасидаги мазмунни интеграциялаб ўрганиш;

б) турли ўқув предметларидан таҳсил берувчи шахсларнинг фаолиятларини интеграциялаш;

в) таълим-тарбия ишини ташкил этиш шакллариини интеграциялаш ва шу кабилар.

Бу йўналишларнинг ҳар бирининг аниқ ўз мақсади бўлиб, уни амалга ошириш учун мос шакл, метод, восита ва шарт-шароитларни талаб этади. Амалиётда улардан уйғун ҳолда фойдаланилгандагина кўзланган мақсадга эришиш мумкинлигини ҳам шу ўринда эслатиб ўтиш лозим.

Педагогика фанида XX асрнинг 80- йилларидан бошлаб интеграция, "ўзаро алоқадорлик", "ўзаро таъсир", "синтез" каби тушунчалар қўлланилган илмий ишлар пайдо бўлиб, таълим-тарбия ишида интеграция муаммосининг долзарблиги сезила бошланган. Ҳозирги пайтга келиб таълим-тарбия ишига интегротив ёндашув ғояси хусусий фанлар доирасида чегараланиб қолмасдан, умумпедагогик аҳамиятга эга масалага айланди.

Интеграция (лот. Integeration-тиклаш, тўлдириш, бирлаштириш. Integer-яхлит) синтезлаб бир бутун қилиб бирлаштирмоқ, мантиқий яхлит ҳолга келтирмоқ маъносида тушунилади. Таълим мазмунини интеграциялаш деганда ўзаро узвий алоқадор, бир-бирини тақозо этадиган, кенгайтирадиган, чуқурлаштирадиган ўқув предметлари мазмунини синтезлаш, яъни мантиқий бирлаштириб бир бутун (яхлит) ҳолга келтиришни тушунамиз.

Интеграция (муҷассамлаштириш) ва дифференциация (табақалаштириш) бир-биридан ажралган ҳолда мавжуд бўлмайди, бири иккинчисидан келиб ҳам чиқмайди, балки улар ҳар доим бир вақтни ўзида ўрганилаётган объектнинг икки томони сифатида намоён булади. Илмий билишда улардан бири вақтинчалик маълум устунликка эга бўлиши ҳам мумкин. Масалани икки томонини фан-техника тараққиёти натижасида қишлоқ хўжалигини ишлаб чиқаришида турли касбларнинг пайдо бўлиши, яъни табақаланишини, механизация, автоматизация ва яна қўшма касблар ёки кенг ихтисосли мутахассисларнинг диалектик ривожланиши эканлигини кўрсатиш мумкин.

Интеграциялаштириш жараёнлари ҳозирги замон илмий билимларининг ўзаро таъсиридан фарқли ўлароқ қуйидаги йўналишларда кечиши мумкин:

— алоҳида олинган фан доирасида ички илмий ривожланиш сифатида;

— фанлараро ўзаро алоқадорлик доирасида, яъни бир ёки бир неча соҳалар доирасида;

— махсус яхлит илмий билимлар доирасида кабилар.

Юқорида кўрсатиб ўтилган йўналишлар уйғунлигини интегратив ёндошув сифатида тасаввур этиш мумкин. Икки ва ундан ортиқ нисбатан мустақил қисмларда кечаётган жараёнларни бирлаштириш - интеграциялаштиришнинг натижаси бўлиши мумкин.

Яхлит тизимни тузишда интеграцияланувчи алоқадорлик муҳим аҳамиятга эга бўлиб, уларни ички илмий алоқадорлик ҳам деб аталади.

Тизимлаштиришдан кўзланган асосий мақсад ички илмий алоқадорликни тартибга келтириш йўли билан яхлитликни юзага келтиришдан иборатдир. Бу жараёнда ҳосил бўладиган яхлитлик янги сифат кўрсаткичларига эга бўлади. Интеграциялаштиришнинг моҳияти, назарий синтез воситаси сифатида янги даражадаги билиш натижаларига эришишдир.

Мутахассисликка оид фанларни интеграциялаб ўрганиш куйидаги масалаларни ҳал этишга қаратилган:

➤ мутахассисликка оид фанларни интеграциялаб ўрганишнинг моҳияти, мазмуни ва уни амалга ошириш шарт-шароитлари ва воситаларини ўрганиш;

➤ турли фанлар мазмунини интеграциялаштиришнинг илмий-назарий ва педагогик-услубий асослари билан танишиш;

➤ таҳсил олувчиларнинг ўқув-билиш фаоллиги, мустақиллиги ва билимлар даражасини интегротив оширишда билимларнинг долзарблигини исботлаш;

➤ ижтимоий-иқтисодий, ташкилий, рухий-педагогик, техник-технологик билимларни синтезлаш талаблари, имкониятларини аниқлаш.

Кўп ҳолларда таълим-тарбия ишида интегротив, тизимли ва мажмуавий ёндошувлар синоним сифатида талқин этилади. Бу тушунчаларнинг умумий томонларини ўрганилаётган объектларнинг турли қирра, томон ва хусусиятлари ташкил этади. Лекин улар бир-биридан моҳиятига кўра ҳам фарқланади.

Таълим-тарбия жараёнида интегротив ёндошувни амалга ошириш тизим ёки мавжуд шаклдаги яхлит объектнинг ички ва ташқи алоқалари, уни ташкил этиш ва бошқариш қонуниятларини билган ҳолда олиб борилиши мумкин. Кичик мутахассисларни тайёрлашда интегротив ёндошув мутахассисликка оид билим, иш-ҳаракат усуллари ва шахсий сафат ҳамда фазилатларни яхлитлигини таъминлаш учун қўлланилади.¹⁸

Интегротив ёндашув мазмунон туташ, алоқадор, мантиқий бир-бирини тақозо этувчи ва бир-бирига сингиб чуқурлаштирувчи ва кенгайтирувчи ўқув фанларини интеграциялаш учун қўлланилиб, яхлит мантиқий мукамал билим, иш-ҳаракат усуллари ва шахсий сифатларни таркиб топтиришни кўзда тутлади.

¹⁸ И. Н. Зорников, Л. П. Волкова. Проблемы и перспективы международной интеграции высшего образования.-Воронеж, 2009. С. 13-18

"Педагогика" ўқув предмети интегратив фан сифатида қуйидаги масалалар ўз ечимини қандай топганлигига боғлиқ ҳолда унинг самарадорлиги аниқланади:

1. Интегратив ўқув предмети таркибига кирувчи ҳар бир ўқув предметининг қандай вазифа ечимини таъминлашдаги роли;

2. Нисбатан тор доирадаги ўқув предметларининг дидактик вазифаларини интеграциялаш жараёнида тўлиқ саклаб қолган ҳолда умумий мақсадга бўйсундирилиши;

3. Интегратив ўқув предметини ўрганиш методикаси, шакли, методлари, воситалари ва шарт-шароитларини мажмуавий ишлаб чиқиш.

Юқорида кўрсатилган фикрларга хотима бериб айтганда тизимли, мажмуавий ва интегратив ёндашувларнинг умумийлик жиҳатлари мавжуд бўлиб, ўзига хос тафовутларга ҳам эгадир. Умуман олганда интегратив ёндошувга тизимли ва мажмуавий ёндошувларнинг натижаси сифатида қараш мумкин.

Интеграция муаммосини дидактик жиҳатдан тадқиқ этилиши-уни таълим принципи сифатида талқин этилишини талаб этади. Методик нуқтаи назардан олиб қараганда интеграция таълим-тарбия жараёнини такомиллаштирувчи ва кўзланган натижани кафолатловчи шарт-шароит ва усул деб тадқиқ этилишидир.

Интегратив ёндошув илмийлик, касбий йўналганлик, политехнизм, узвийлик, мунтазамлик, тизимлилик, кўрсатмалилик, тушунарлилик, табақалаштириш каби дидактик принциплар билан алоқадорлик ҳамда уйғунликда амалга оширилади. Ўз навбатида интегратив ёндошув ҳам ҳеч қачон бошқа дидактик принципларга ўхшаб ўқитувчига бирор тайёр рецепт бермайди, аммо ундан фойдаланилган ҳолда дидактик ва методик масалалар ечимини аниқлайди.

Ўқув материали мазмунини интеграциялаш дидактик жараён сифатида кўп қиррали, кўп ўлчовли, тизим шаклидаги тадқиқот объекти ҳисобланади. Уни таҳлил қилиш (ўрганиш) тизимли-тузилмавий ёндошувни

талаб этади. Чунки унинг функцияси, таркиби, тузилиши ва шу каби муҳим хусусиятларини ўрганиш кўзда тутилади. Махсус фанларни интеграциялашда улардаги барча характерли хусусиятларни синтезлаш эмас, балки энг муҳим ва умумий ғоялар, муаммоларни синтезлаш кўзда тутилади.

Интеграциялаш алоҳида ўқув предметлари чегарасида амалга ошириладиган назарий синтез воситаси сифатида ва фанлараро синтез шаклида намоён бўлиб, бевосита умуммиллий билимларни таркиб топтиришни кўзда тутди. Интеграция-синтезнинг юқори даражаси ҳисобланади. Билиш жараёнида, таҳлил қисмларга ажратиш, синтез эса уларни бирлаштириш (умумлаштириш) сифатида намоён бўлади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган янги ўқув режалари ва дастурларига ўтиш даврида жамият ва атроф-муҳит ўртасидаги алоқаларни уйғунлаштириш, атроф-муҳитга жиддий муносабатни ўрнатиш ва шаклланиш масалалари муҳим аҳамият касб этади.

Гегель фалсафадаги услубни мазмун харакатининг шакли сифатида кўрсатади. Таълим жараёнида турли ҳил тизимлар орқали ўқитувчи ва у билан бирга ўқувчилар ўз билим, қобилият ва кўникмаларини дедукция, индукция, синтез, умумлаштириш, аниқлаштириш, таққослаш шаклида ифодалашади.

Барча мантиқий жараёнлар услубнинг мазмун билан узвий боғланган ички томонини ташкил қилади. Бошланғич синфларда ўқув жараёни фойдаланилаётган усул, услуб ва шакллариининг турли - туманлиги билан ажралиб туради.

Маълумки, атроф-муҳитга жиддий муносабатлар пойдевори бошланғич синфларда ўргатилади. Шунинг учун таълимнинг натижаси мактаб таълимининг 1-босқичига боғлиқ. Янги психологик-педагогик тадқиқотлар кичик ёшдаги мактаб ўқувчиларининг билиш фаолияти чекланганлиги ҳақида илгариги тушунчани кўриб чиқишга имкон беради. Бу бошланғич таълимнинг барча таркибий қисмларини ўзгартириш ва янгилашга асос яратади. Бошланғич синф ўқувчиларининг ёш

хусусиятларига жавоб берадиган ва дарс талабларига мос келадиган мақсадни аниқлаш бундай янгиликнинг асосий масаласидир.

Бир қатор ишлар бошланғич таълимдаги фанлараро ва фанлар ичидаги алоқаларга бағишланган. Бу муаммолар ўқув фанларини интеграциялашга ўтишнинг яқин ривожланиш соҳасидир. Бошланғич мактаб фанлари интеграцион алоқаларининг моҳияти ҳақида олимлар орасида қарама-қаршилиқлар кўп.

Интеграция атама ва услубий нуқтаи назардан ҳодиса сифатида нима эканлигини кўриб чиқайлик.

Интеграция лотинча integration тиклаш, тўлдириш, integer-бутун сўздан келиб чиққан. Бу борада икки тушунчага эгамиз:

1. Тизим, организмнинг алоҳида табақалаштирилган қисм ва вазибаларнинг боғлиқлик ҳолатини билдирувчи тушунча ва шу ҳолатга олиб боровчи жараён.

2. Табақалаштириш жараёнлари билан бирга амалга оширилаётган фанларни яқинлаштириш жараёни.

Интегратив ёндашиш турли даражадаги тизимли алоқаларнинг объектив яхлитлигини акс эттиради. (табиат-жамият-инсон). У тизим элементларининг яхлитлик ва уюшқоқлик даражасини оширишга олиб келади.

Интеграциялаш мобайнида бир-бирига боғлиқлик ҳажми ошади ва тартибга тушади, шу тизим қисмларининг ишлаши ва ўрганиш объектининг яхлитлиги тартибга солинади. Замонавий дидактика ва методикада таъкидланишича, ўқувчиларни ўқитиш, ривожланиши ва тарбиясининг муваффақиятлари уларда дунё бирлиги ҳақида тушунчани шаклландирилгани, ўз фаолиятларини умумий табиат қонунлари асосида йўлга солиш заруриятини тушунишлари, табиатшунослик курсида фанлараро ва фанлар ичидаги алоқаларни еча олишлари билан боғлиқ. Таълимдаги интеграция ўқув фанлари мазмунини конструкциялашга тизимли ёндашиш орқали кўриб чиқилади.

Интеграциянинг турли даражалари ажратилади: бошланғич - табиат ҳақидаги элементар билимларни бирлаштириш; оралик - фанлар бўлимларини бўлиш интеграцияси; якуний - табиатшуносликни ўрганиш билан боғлиқ бўлган таълимнинг охиригача интеграцияси. Шу билан бирга, табиий-илмий таълимни тўлиқроқ ва кенгроқ интеграциялаш имконияти ҳам инкор этилмайди.

Табиат ёки предмет ҳақидаги энг оддий билимларни ҳосил қилувчи боғлиқликнинг энг соддаси маълум бир жой ёки тушунча билан чегараланган локал тасаввурдир. Бу боғлиқлик бошқа билимларга нисбатан ажралган, шунинг учун энг оддий ақлий фаолиятни таъминлайди. Бу кичик мактаб ёшига хос. Бирор бир тизимга тегишли бўлган тасаввурлар энг содда тизимли тасаввурлардир. Улар бирор бир мавзу, предмет ёки ҳодисани ўрганиши асосида ҳосил бўлади. Бирор бир предметни билиш, янги далил ва тушунчаларнинг танланиши уларни бир билимлар билан таққосланиши орқала амалга оширилади. Билимларнинг энг оддий умумлаштириши содир бўлади, лекин олинган билим ҳамма унга яқин бўлган билимлар билан боғланса айна муддао бўлар эди.

Бунда ўқувчиларнинг таҳлил қилиш ва умумлаштириш фаолиятлари вужудга келади. Тизим ичидаги тасаввурлар ўқувчиларнинг бутун бир фанлар тизимини билишини таъминлайди (физикавий, кимёвий, биологик, билимлар тизими), ўрганилаётган фан доирасида билимлардан кенг фойдаланиш кузатилади. Тизим ичидаги тасаввурлар, вақт, муҳит, сон боғланишларини акс эттиради. Предметлараро тасаввурлар ақлий фаолиятнинг энг юқори поғонаси ҳисобланади. Улар билимларнинг турли тизимларини бирлаштиради, ҳодиса ёки жараённинг хилма-хиллигини билиш имкониятини беради. Шу билимлар асосида умумий тушунчалар келиб чиқади. Тизимлараро тасаввурларнинг шаклланиши, уларни билимлардан фойдаланишга, уларни бир-бирига бўйсундиришга, билимлар чегарасидаги бўшлиқларни чегаралашга имкон беради.

Баён қилинган психологик далиллар ёрдамида бошланғич, тўлиқсиз ўрта ва ўрта мактаб таълимини интеграциялашнинг асосий хусусиятларини аниқлаш мумкин. С.П.Баранов, Л.Р.Болотин, В.А.Сластениннинг “Педагогика” китобида дарсларда қўлланадиган фанлараро боғланиш кўрсатилади, лекин интеграциялашган таълим муаммолари акс этмаган. Олимлар фикрларидан шундай хулосага келиш мумкинки, интеграция-дифференция жараёнлари билан биргаликда фанларни яқинлаштириш ва боғлаш жараёни бўлиб, янги, бутун, яхлит бўлимлар яратишга ёрдам берувчи, фанлараро алоқаларни амалга оширувчи юқори кўринишдир.

Ўқув предметлари орасида интеграция предметлар тизимини инкор этмайди ва интеграция тизимини такомиллаштириш, камчиликларни бартараф этиш йўли бўлиб, предметлар орасидаги алоқалар ва боғлиқликларни чуқурлаштиришга қаратилган бундай ёндашув-дифференция ва интеграция орасидаги муносабатларни тушунишга таянади.

Педагогиканинг мақсади бир ҳил мақсад вазифаларга эга бўлган турли фанларнинг элемент ва қисмларини бир бутунга бирлаштиришга йўналтирилган интеграцияни амалга оширишда ўқитувчиларга ёрдам беришдир. Кўп йиллик кузатишлар шуни кўрсатадики, бошланғич синф ўқувчилари, кейинчалик эса битирувчилар у ёки бу фанларни ўрганиб, бошқа фанларни ўрганишга қийналади, уларда мустақил фикрлаш, олинган билимларга ўхшаш ёки янги вазиятларга кўчира билиш кўникмалари етишмайди.

Буларнинг ҳаммаси дарс жараёнида турли фанлар бўйича машғулотларнинг ўзаро келишмовчилиги туфайли содир бўлмоқда. Бу ҳолатда интеграция бир предмет бўйича билимларни иккинчисига кўчириш ва фаолиятнинг алмашилиши эмас, балки замонавий фанлар интеграцияси йўналишларини акс эттирувчи янги дидактик эквивалентларни яратиш жараёнидир. Қатор олимлар мактаб таълимини интеграциялашнинг муҳимлигига эътибор қаратса, баъзилари интеграция дарсни самарали

ташқил қилиш воситаси, предметлар алоқаларини янги поғоналарга кўтариш шакли, деб ҳисоблайди.

Демак, интеграция - ўқувчининг турли фанлар бўйича кузатишлари ва хулосаларини тасдиқлаб ёки чуқурлаштириб берувчи янги далилларни топиб бериш манбаидир. Улар фаолиятнинг турли шакллари алашиб туриши орқали ўқувчиларнинг чарчаши ва асабийлашишини олдини олади.

Дифференциал таълим. Ривожланган мамлакатларда оммавий ўрта мактабларнинг яратилиши таълим-тарбия дифференцияси муаммосини янада кескинлаштирди. Бундай ҳолат умумий таълим диверсификациясининг сифат даражаси бошқача тизим заруратини келтириб чиқарди. Ўқувчиларнинг иқтидори, қизиқиши, ўзлаштиришига кўра дифференциал тайёргарликни кучайтириш ва мураккаблаштириш - замонавий мактабнинг глобал йўналишига айланди.

Дифференциянинг асосий шакллари - ўқув муассасаларини турли типларга бўлиш, бир мактаб ичида поток ва профилларга, синфда гуруҳларга ажратиш назарда тутилади. Дифференциал таълим муаммоси бир хил ҳал бўлмайди ва қарама-қаршиликларга эга. Ижтимоий томондан дифференция ижтимоий танлов усулига айланади. Пулли таълим ва имтиҳонлар тизими бунда танлов воситаси бўлиб ҳисобланади. Одатда табақаланиш (дифференция) бошланғич мактабни битиргандан кейин бошланади. У турли типдаги таълим муассасаларида амалга оширилади. Масалан: Англияда грамматик ва замонавий мактабларда, Германияда реал билим юрти, гимназия ва асосий мактабларда, Францияда технологик, касбий ва умумтаълим лицейларда, Россияда оддий ўрта мактаб, лицей, коллеж, гимназияда ва б. Бу ўқув муассасаларида дифференциянинг асосий ўзига хос белгиси дастурлардир. Бир ўқув муассасаси доирасида дифференция кенг ёйилган. Масалан, АҚШ ва Япония катта ўрта мактабларида 2 типдаги умумтаълим ва махсус дастурлар мавжуд. Улар турли қирраларда ўқувчиларнинг турли гуруҳларини ўрганишади. Германияда гимназия таълимнинг 6 профилини таклиф этади, асосий мактаб эса дифференцияни

ККАМ тизими асосида амалга оширади. Унга кўра таълим дастурнинг куйидаги вариантларига кўра ташкил қилинади: касбий курс(К), кенгайтирилган курс (К), асосий курс (А), мослаштирилган курс (М).

Тўлиқсиз ўрта мактаб дифференция воситаси ҳисобланади. 1930 йил АҚШда, 1950 йил Японияда, 1970-1980 йиллар Ғарбий Европада, 1990 йил Россияда дифференциал таълим амалга ошириладиган ўқув муассасалари пайдо бўла бошлади. Бу ерда гап АҚШ ва Япониядаги кичик ўрта мактаб, Буюк Британиядаги бирлашган мактаб, Германиядаги ягона коллеж, Россиядаги 6 йиллик ўрта таълим мактаби ҳақида кетяпти. Бу каби таълим муассасаларида 11-12 ёшдан 15-16 ёшгача бўлган ўқувчилар ўқитилади.

Бу ўқув муассасаларда табақаланишнинг педагогик асоратлари ижобий. Табиий мақсадга йўналтирилган характерга эга, турли гуруҳ ўқувчилари имкониятлари ҳисобга олинади. Умумий дастур ўқувчиларнинг тайёргарлик даражасини оширишга мўлжалланган. Масалан, Франциядаги илк ягона коллежларда яхши ўзлаштирувчилар фоизи шу ёшдаги параллел таълим муассасаларида яхши ўзлаштирувчилар сонидан юқори чикди. АҚШ ва Япония кичик ўрта мактабларида тўлиқсиз ўрта таълим берилади. Мазкур дастур қатор афзалликларга эга. Танлов фанлар таълимни давом эттириш ёки меҳнат фаолиятини бошлашни назарда тутди.

1950 йил охирида ДЖ.Конант бошчилигидаги педагоглар гуруҳи умумқамраб олувчи мактаб моделини таклиф этди. Бу модель бўйича умумтаълим ўқув муассасасида ижтимоий даража, қобилият, қизиқишидан қатъий назар барча болалар ўқишади, лекин турли-туман таълим дастурлари амалга оширилади. Конант тавсиялари АҚШдаги кичик ўрта мактабларда дифференциал таълимни жорий қилишда фойдаланилди. Буюк Британияда бирлашган мактаблар кичик грамматик синфлар ва замонавий мактабларни ўз ичига олади. Илк 3 йилликда ўқувчилар замонавий мактаб дастури бўйича шуғулланадилар, кейин ёки шу дастурни давом эттиради, ёки грамматик мактаб дастури бўйича ўқишади. Бирлашган мактабларда ёшига кўра 90% ўсмирлар шуғулланадилар.

Германияда умумий мактабларда ёшига кўра 5% ўқувчилар тахсил олишади. Умумий мактабнинг кооператив ва интеграл типлари юзага келди. Кооператив мактаблар асосий, реал мактаб ва гимназияларни бирлаштирди. 9-синфдан кейин ўқувчилар асосий мактабдаги каби диплом оладилар, 10-синфдан кейин эса диплом реал мактаб ва гимназиянинг ўрта босқичига тенг келади. Кооператив мактабларда машғулотлар мажбурий ва электив дастур биргалигида амалга оширилади.

Францияда ягона коллежларда гуруҳ бўйича таълим доимий ташкил этилади. Турли типдаги гуруҳлар тузилади: гомоген гуруҳлар-тайёргарлик даражаси бир хил, ярим гомоген гуруҳлар-тайёргарлик даражаси яқин, гетероген-тайёргарлик даражаси ҳар хил. Гуруҳларга ўқитувчилар, психологлар, йўналишлари бўйича маслаҳатчилар тавсиясига кўра бўлинади. Гуруҳлар мактаб дастури вариантларини ўзлаштирадилар. Иккита битирувчи синфда кучли ва кучсиз босқичли гуруҳлар юзага келади. Бу икки хил гуруҳни битирган коллеж ўқувчиларига таълимнинг кейинги типлари тавсия этилади.

Япония мактабларида гуруҳли таълим яхши мавқега эга, уни мусобақа тарзида ташкил этишади. Синфдаги гуруҳчалар ким кўп инглиз тилидаги сўзлар, иероглиф ва шеър ёд олиш бўйича беллашадилар. Баҳо бутун гуруҳга қўйилади. Япон педагоглари гуруҳли таълимга ҳар хил нуқтаи назар билан қарашади. Гуруҳли таълим педагогик жиҳатдан тўғри, лекин гуруҳларда шуғулланувчи болалар ва ўсмирлар дунёқарашини торайтириш хавфи бор, деб ҳисоблашади. Масалан, гуруҳни кучлилар ва заифлар гуруҳига бўлганда 2та ҳолат юзага келади: ёки кучлиларга, ёки кучсизларга эътибор қаратилади, бу ҳар иккала гуруҳга ҳам зарар.

Чилида таълим интизоми (Флоренс Торч, Алехандро Мизала). Чили таълим тизимининг ўзига хос ташкилий тузилмаси мавжуд. Чили таълим тизимида 1981 йилда ташкилий ўзгаришлар амалга оширилди, яъни ҳукуматнинг марказлашган назорати остида бўлган таълим тизими маҳаллий ҳокимият томонидан назорат қилинадиган универсал ваучер тизимига

ўтказилди. Ҳозирги кунда, таълим муассасалари ижтимоий-иқтисодий катламларга бўлинган. Булар камбағаллар ўқийдиган давлат мактаблари, ўрта катлам таҳсил оладиган ваучерли давлат мактаблари ва бойлар ўқийдиган хусусий таълим даргоҳларидан иборат. Чилида талабалар орасидаги зўравонлик индексининг юқори даражада бўлиши, Чили мактабларида кенг тарқалган безориликнинг натижаси бўлиши мумкин. Чили мактаблари кескин табақалашуви билан фарқлансада, бойлар таҳсил оладиган мактаблардаги тартиб куйроқ мактабларга нисбатан унчалик ҳам фарқ қилмайди. Ўз навбатида, қишлоқдаги тартибсизлик кўрсаткичи шаҳарга нисбатан анча камдир (Richard Arum, Melisa Velez. Improving Learning Enviroment: School Discipline and Comporative Perspektive. Stanford Universiy Press, USA 2012 74-80).

Исроилда таълим интизоми ва ютуқлар (Ёсси Шавит, Кармел Бланк). Исроил таълимидаги интизомий иқлим ва талабаларнинг ютуқлари орасидаги кучли ва муҳим боғлиқлик мавжуд. Тест натижалари раҳбарларнинг талабаларнинг машғуллиги юзасидан қилган ҳисоботлари ва ўқитувчиларнинг синф интизоми ҳисоботининг салбий боғлиқлигини кўрсатади. Талабалар орасидаги ва талабалар томонидан ўқитувчиларга нисбатан амалга оширилган зўравонлик оммавий ахборот воситалари томонидан сўнгги йилларда кўп ёритилиб келинмоқда. Исроил талабалари итоаткорлик ва эҳтиром борасида аралаш маълумотларни қабул қиладилар. Мактабларда, Исроиллик талабалар айни ҳисоботда ҳам интизоми учун, ҳам фанлари учун баҳоланади. Ўз навбатида интизом баҳоси қониқарли кўрсаткичдан паст бўлса, талабалар сафидан чиқарилиши мумкин. Бошқа тарафдан, исроилликлар мустақил ва жасурликни қадрлайдиган сабрли ёшлар маданиятига жуда катта аҳамият берадилар (Richard Arum, Melisa Velez. Improving Learning Enviroment: School Discipline and Comporative Perspektive. Stanford Universiy Press, USA 2012 104-107).

Италия таълим даргоҳларида иммигрантларнинг мавжудлиги, интизоми ва фаолияти (Паоло Барбиери, Стефани Шерер). Италия талабалари орасидаги зўравонлик академик фаолиятга катта тўсқинлик

килади. Юқори даражадаги зўравонликнинг салбий таъсири иммигрант талабалар фаолиятидаги ўткир масаладир. Улар маҳаллий италияликларга нисбатан кўпроқ зўравонликка дуч келади ва академик кўрсаткичлари ҳам нисбатан пастроқдир. Италиядаги иммигрантлар дунёнинг ҳамма ераларидан келганлар. Уларнинг каттагина қисми Марокаш, Хитой, Руминия, Украина, Молдова, Ҳиндистон ва Филлипиндан келган. Шунингдек, шимолий ва жанубий Италия орасидаги фарқ ҳам драматик кўринишга эгадир. Жануб шимолга нисбатан камроқ молиявий ресурсларга эга бўлганлиги боис шимолдан анча ортда ва бу қоқоқликни таълим соҳасида ҳам кўриш мумкин. Жанубда, талабалар, ўқитувчилар ва раҳбарлар, шимолдагиларга нисбатан таққосланганда, юқори даражадаги тартибсизликларни кайд қиладилар(Richard Arum, Melisa Velez. Improving Learning Enviroment: School Discipline and Comporative Perspektive. Stanford Universiy Press, USA 2012 138-143).

Японияда таълим интизومي ва академик ютуқлар (Хироши Ишида, Сатоши Мива). Япония таълим даргоҳларида тартибсизлик ва жинойтларнинг содир бўлиш даражаси жуда паст эканлиги кўрсатилган. Япония мактабларидаги юқори даражадаги тарбия ота-оналар, таълим даргоҳлари ходимларининг ўта талабчанлиги, ҳамда ўрта таълим ва ундан кейинги таълим даргоҳларидаги иерархал тартибланиши сабабдир. Япон таълим даргоҳларида талабалар орасидаги хулқбузарлик даражасини ёритиш осон эмас. Японияда, таълим интизومي муҳити талабанинг ютуқларига тўғридан-тўғри таъсир ўтказмайди. Нима бўлганда ҳам, зўравонликни бошидан кечирган талабалар тест натижалари зўравонликка ҳеч ҳам учрамаганларга нисбатан пастроқдир(Richard Arum, Melisa Velez. Improving Learning Enviroment: School Discipline and Comporative Perspektive. Stanford Universiy Press, USA 2012 163-170).

Голландияда таълим интизومي муҳити, тарбиявий муаммолар, ва академик ютуқлар (Герман Г. Ван де Верфборст, Макбтелд Бергстра, Рене Веенстра). Голландияда таълим интизомий муҳити талаба фаолиятига фақат озгина таъсир ўтказиши, талабалар гуруҳининг таркибига бўлган таъсири

мустақиллигини кўрсатади, ҳамда голландларнинг таълим тизимидаги уникал тузилма талаба фаолиятига чегараланган, яъни кам таъсир ўтказишини кўрсатмоқда. Голландияда таълим тизими юқори даражада стандартлаштирилган; шунга қарамай мактаб даражасидаги автономияга кўпроқ жой мавжуд. Таълим даргоҳларида драматик кўринишда фарқлилик мавжуддир. Ҳам академик, ҳам касб-хунарга йўналтирилган таълим муассасаларига нисбатан фақат академик йўналишни таклиф қиладиган таълим даргоҳларида юқори даражадаги таълим хавфсизлиги таъминланган. Умуман олганда, Голландия ўта юқори даражадаги маданий толерантлик билан ажралиб туради (Richard Arum, Melisa Velez. Improving Learning Enviroment: School Discipline and Comporative Perspektive. Stanford Universiy Press, USA 2012 180).

19

Масофавий таълим

Ҳозирда дунё шунчалик тез ривожланмоқдаки, бугунги янгилик эртага эскириб қоляпти. Шунинг учун, маълумотларни ўз вақтида олиш мақсадида, одамзот информацион технологияларни яратди. Компьютер - бу оддий ва қулай тарзда маълумотларга етиш воситасидир. Маълумотлар билан ишлаётган шахс, маълумотларнинг қаерда жойлашишидан қатъи назар, хоҳ у шаҳарда, хоҳ жаҳоннинг бошқа нуқтаси бўлсин, уни олиш имкониятига эга бўлиши керак.

Ҳозирда шу ва шунга ўхшаш бошқа муаммолар компьютерлар ёрдамида бартараф қилинмоқда. Компьютерлар инсон ҳаётининг барча жабҳаларига жадаллик билан кириб борапти ва жаҳонда уларнинг сони ва қўлланилиш доираси кенгайгандан кенгаймоқда. Бу эса компьютерларнинг кундан-кунга янада ривожланишини таъминляпти.

Буларнинг ҳаммаси таълим тизимига ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Ҳозирда пухта билимга эга бўлиш учун информацион технологияларни ҳам

¹⁹ Richard Arum, Melisa Velez. Improving Learning Enviroment: School Discipline and Comporative Perspektive. Stanford Universiy Press, USA 2012.

Ўзгартириш зарурияти туғилмоқда, чунки таълим тизими ҳар доим замон талабларига мос келиши керак. Ҳозирги замон талаби эса янги ўқув муҳити, яъни янги информацион технологиялар ёрдамида ихтиёрий жойда туриб билим олиш, ихтиёрий ўқув юртлари билан алоқа қилиш ва жаҳоннинг ихтиёрий нуқтасидаги маълумотларни олишдир. Бунда бизга интернет тизими ёрдам бериши мумкин. Интернет тизими орқали таълим тизими ташкил қилинган мактаблар, коллежлар ва ўқув юртлари ҳозирги кунда ривожланиб бораётган "виртуал ўқув юртлари"га бирлашаётганини кузатиш мумкин. Бу эса ўқув муассасалари орасидаги масофани қисқартиради ва маълумотлар алмашинувини максимал даражада таъминлайди.

Таълимга янги технологияларнинг кириб келиши-ахборотни узатиш ва қайта ишлашнинг электрон воситаларига асосланган янги таълим технологияларининг ва ўқитиш шакллариининг пайдо бўлишига олиб келади.

Масофавий ўқитишда ўргатувчи, синовчи ва алоқа воситалари каби техник восита ва технологиялар қўлланилади. Ўргатувчи воситаларга изоҳли луғатлар, қидирув воситалари, электрон ўқув қўлланмалар, маърузаларнинг видеокурси ва бошқалар киради. Синов воситаларига тест саволлари, ўз-ўзини текшириш воситалари мансуб. Алоқа воситалари булар-форумлар, почта, аудио ва видеокассеталардир.

Масофавий таълимда ўқитувчи функциясини ўргатувчи ва синовчи воситалар (тўла автоматлаштирилган, тугал дастурий маҳсулотлар) бажаради, шунингдек, ўқитишнинг автоматлаштирилган муҳитини ташкил этувчи видео ва электрон нашр этилган услубий материал бажаради.

Электрон дарсликнинг имкониятларини мультипликация ва видеотехниканинг замонавий воситаларини қўллаган ҳолда кенгайтириш мумкин. Булар ўқув курси бўйича видеомаърузалар, ишлаб чиқариш жараёнларининг намоиши, машҳур олимларнинг чиқишлари ва бошқалар бўлиши мумкин.

Замонавий компьютерга мўлжалланган дидактик дастурлар (электрон дарслик, компьютер топшириқномалари, мултимедияли электрон дарсликлар

ва ҳ.) ўқитишнинг мултимедияли воситалари сирасига киради. Мултимедия дидактик материал узатишни юқори даражада қулай ва кўрғазмали бўлишини таъминлайди, бу, ўз навбатида, талабаларда ўрганишга қизиқишни орттиради.

Яқин вақтларгача масофавий таълим, сиртки таълим, очик таълим ва хоказолар каби тушунчалар деярли бир-биридан ажратилмас эди. Бирок ҳозирги вақтга келиб, масофавий таълим ўз аҳамияти ва зарурлигини исботлади. Бирок ҳозиргача, -бу таълим шаклими ёки технологиями деган саволлар долзарблигича қолмоқда. Чунки, бу саволнинг тушунчасидан масофавий таълимнинг стратегияси, амалга ошириш тактикаси ҳамда ўқитувчиларни масофавий таълимда ишлашга тайёргарлигига боғлиқ бўлади. Ҳозирги вақтда масофавий таълимнинг тадқиқотчи ва амалиётчилари томонидан унга қуйидагича асосий таъриф бериб келинмоқда:

Масофавий таълим - бу ўқув материалнинг етказиб берилишида, мустақил ўрганишида, ўқитувчи ва ўқувчи ўртасида мулоқот алмашинувида қўлланиладиган, анъанавий ва янги ахборот технологияларни ҳамда уларнинг техник воситаларини кенг қамровда ишлатилишидаги таълимнинг синтетик, интеграл, ижтимоий шаклидир.

Масофавий таълим кундузги таълим мазмунидаги каби мос равишда ўша мақсадлар билан қурилади (агар у таълимга мос келувчи дастур бўйича қурилса), лекин, материални етказиш шакли, ўқитувчи ва ўқувчилар, шунингдек, ўқувчиларнинг ўзаро ўртасидаги таъсир этиш шакли бошқача бўлади. Масофавий таълимнинг асосий базавий дидактик принциплари бошқа таълим турлари кабидир, лекин масофавий таълимнинг ташкилий принциплари бошқачадир, улар масофавий таълим учун хосдир, чунки шакл хусусиятлари, интернетнинг ахборот воситаси имкониятлари, унинг хизматлари (чатлар, форумлар, электрон почта, видеоконференция) билан ифодаланган. Масофавий таълимнинг ўзига хос хусусиятлари сифатида модуллилик, ўқитувчи ролини ўзлаштириш, ўқув жараёни субъектларининг масофа билан ажратилганлиги, таълимнинг виртуал кооперативлиги,

Ўқитувчи томонидан юритиладиган назорат устидан ўз назоратини ўрнатиш, замонавий махсус таълим технологиялари ва воситаларининг ишлатилишини келтиришимиз мумкин.

Масофавий таълим ишлатилишининг асосий соҳаларига қўйидагиларни киритиш мумкин:

- маълум соҳалар бўйича педагогик кадрлар малакасини ошириш;
- имтиҳонларни эксперт усулида топширишда алоҳида ўқув фанлари бўйича мактаб ўқувчиларини тайёрлаш;
- маълум йўналишдаги ўқув муассасаларига ўқишга кириш учун мактаб ўқувчиларини тайёрлаш;
- мактаб ўқувчиларининг йўналишлар бўйича таълим олишларини ташкил этиш;
- қизиқиш бўйича қўшимча таълим олиш;
- кадрларни касбга қайта тайёрлаш;
- касбий тайёргарлик.

Масофавий таълим билан кундузги ва сиртқи таълим шаклларини таққослаб, шуни хулоса қилиш мумкинки, масофавий таълимни, персонал компьютерлар, видео ва аудио техника, космик ва оптик толали техниканинг ишлатилишига асосланган таълимни ахборот технологиялари билан таъминланган сиртқи ва кундузги таълим ривожланишининг янги босқичи сифатида кўриш мумкин. Масофавий таълим сиртқи таълим шаклидан шуниси билан фарқ қиладики, унда материалнинг моҳиятли қисми мустақил ўзлаштирилмасдан, ўқитувчи билан доимий мулоқотда амалга оширилади (телефон ва интернет, маъруза ва семинарларда онлайн режимидаги консультациялар). Шунингдек, масофавий таълимнинг сиртқи таълим шаклидан асосий фарқлари сифатида қўйидагиларни киритиш мумкин:- телекоммуникация воситалари ёрдамида ўқитувчи билан доимий мулоқот, вужудга келадиган саволлар бўйича у билан оператив тарзда мулоқот қилиш имконияти.

Ривожланган давлатларда янги типдаги ўқув юртлари мавжуд. Бундай ўқув юртлари “очик”, “масофали” университет, “электрон”, “виртуал” коллежлар деб номлана бошланди. Улар ўзига хос ташкилий структурага эга бўлиб ўзига мос педагогик усул, иқтисодий механизмлардан фойдаланилади. Хулоса.

Жаҳон таълим тажрибасида дифференциал ва интеграцион таълим масалалари, хусусан жаҳон таълим таракқиётининг асосий йўналишлари, дифференциал ва интеграцион таълим мазмун моҳияти педагогик муаммо сифатида ўрганилиб, қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Интеграция (лот. Integeration-тиклаш, тўлдириш, бирлаштириш. Integer-яхлит) синтезлаб бир бутун қилиб бирлаштирмоқ, мантикий яхлит ҳолга келтирмоқ маъносида тушунилади. Таълим мазмунини интеграциялаш деганда ўзаро узвий алоқадор, бир-бирини тақозо этадиган, кенгайтирадиган, чуқурлаштирадиган ўқув предметлари мазмунини синтезлаш, яъни мантикий бирлаштириб бир бутун (яхлит) ҳолга келтиришни тушунамиз.

2. Генетик жиҳатдан интеграция-узвийлик, предметлараро алоқадорлик, ўзаро алоқадорлик ва ниҳоят ўзаро бир-бирини тўлдирувчи, кенгайтирувчи ҳамда чуқурлаштирувчи ўқув предметлари мазмунини энг камида таълим стандартлари даражасида синтезлаб, мантиқан тугалланган мазмун шакли ва олий даражасидир. Интегротив алоқадорлик асосида ташкил этилган ўқув_предмети ёки интеграциялаб ўрганилаётган предмет, ҳодиса ёки жараёнларни яхлит тизим шаклида ҳар томонлама алоқадорлик ва муносабатлар нуқтаи назаридан талқин этишни талаб этади. Бу ўз навбатида ҳозирги ва истиқбол талабларига жавоб берадиган мустақил фикр юритувчи ва ижодий фаолият кўрсатувчи кенг ихтисосли малакали мутахассис шахсини шакллантиришга имкон беради.

3. Интеграцион таълим таҳсил олувчилардан фақатгина таҳлил қилиш ва синтезлаш операцияларини талаб қилиш билан чегараланиб қолмасдан, балки мавҳумлаштириш, алгоритмлаштириш, туркумлаш, шартли белгилар ёрдамида ифодалаш, сабаб оқибатли алоқадорликни аниқлаш, таҳлил этиш,

синтезлаш, тизимлаштириш, моделлаштириш каби юксак даражали тафаккурлаш операцияларини талаб этади. Бу операциялар ўрганилаётган объектни барча муҳим жиҳат ва хусусиятларини ажратиб олиб (табақалаштириб), моҳияти ва мазмунини англаб етиш ва уларни умумлаштириш орқали амалга оширилади. Демак, интеграция ҳар доим ҳам унинг иккинчи томони бўлган табақалаштириш (дифференциация)га таянган ҳолда ривожланиб боради ёки аксинча.

4. Интеграция ва дифференциация бир-биридан ажралган ҳолда мавжуд бўлмайди, бири иккинчисидан келиб ҳам чиқмайди, балки улар ҳар доим бир вақтни ўзида ўрганилаётган объектнинг икки томони сифатида намоён бўлади.

5. Интеграциялаштирилган ўқув дастурларининг муаллифлари барча ёндош ўқув курсларини ўзак предмет ва ғоя атрофига жипслаштиришга ҳаракат қилишади, бу ўқувчиларга ижодий тафаккур юргизишга ёрдам беради.

6. Ривожланган мамлакатлар ўқув дастурига интеграциялашган курсларни киритиш билан бир қаторда алоҳида фанлардан чуқурлаштирилган курсларни тавсия этмоқдалар. Масалан, Фарбий Европа мамлакатларида 15 фоиз ўқувчилар физика фанини чуқурлаштириб ўрганадилар.

7. Босқичлик дифференция технологиясидан фойдаланишнинг асосий мақсади ҳар бир ўқувчини ўзининг имкониятлари ва қобилиятлари даражасида ўқитиш бўлиб, натижада ҳар бир таълим олувчи ўз иқтидорига кўра билим олиш ва шахсий салоҳиятини амалга ошириш (қўллаш олиш) имкониятига эга бўлади.

Тавсиялар:

1. Чет эл тажрибалари шуни кўрсатмоқдаки, таълим мазмунини қайта куриш ишида шошма-шошарликка йўл қўйиб бўлмайди. Фикримизча, бу соҳада самаралироқ йўл интеграция ва ихтисослаштиришга асосланган ўқув дастурларини яратишдир.

2. Педагогик жараёнда ўқувчиларга индивидуал ва дифференциал ёндашув шахс ривожланишида муҳим омил ҳисобланади, чунки айнан шундай ёндашув болалардаги иқтидор ва қобилиятни кўра билиш, шахс ривожланишига шароитлар яратишни назарда тутди.

3. Таълимнинг турли босқичли дифференцияси ўқув жараёнининг турли босқичларида кенг қўлланилиши лозим: бу янги материални ўрганиш, дифференцияланган уй вазифаси, дарсда билимлар ўлчови, ўтилган мавзунини эгаллаганликни жорий текшириш, мустақил ва назорат ишлар, хатолар устида ишлаш, мустаҳкамлаш дарсларида амалга оширилиши керак.

4. Кўпинча дарсларда уй вазифаси сўралганда ўқувчилар билимидаги камчиликлар қидирилади. Аслида ютуқ, билим, малакалари аниқланиши керак, зеро уй вазифаси сўралганда асосий вазифа ўргатиш, ёрдам бериш ва қўллаб-қувватлашдир. Шу ўринда ўқувчилардан уй вазифасини сўрашда дифференциал таълим усулларида фойдаланиш зарур.

5. Ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятларини билиш, зарурат бўлса коррекцион самарага эришиш мақсадида дифференциал таълим амалга оширилиши керак, бу эса ўқитувчилардан ўқувчиларнинг индивидуал қобилиятлари ва ўқиш имкониятларини (диққат, фикрлаш, хотира ва бошқаларнинг ривожланиш даражаси), аниқ фанлар бўйича билим, кўникма, малакалар даражасини ўрганишни талаб қилади.

6. Дифференциал таълим–ўқув жараёнини ўқувчилар гуруҳининг етакчи хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ташкил этиш бўлса, индивидуал таълим ҳар бир ўқувчининг қобилияти, иқтидорига қараб берилади. Демак, дифференциал таълимни самарали ташкил қилиш учун дастур, дарслик, дидактик материалларнинг янги вариантлари яратилиши лозим бўлади.

Назорат саволлари:

1. Ривожланган давлатлар таълим тизимининг ўзига хосликларини тушунтиринг.
2. Японияда мактабгача ва бошланғич таълим, ўрта ва катта мактаб таълим тизими, Давлат университетларига кириш қоидалари ҳақида маълумот беринг.
3. Японияда “Дзюку” тўлдирувчи мактабларнинг мазмун моҳиятини баён этинг.
4. Германия Федерал Ерларида таълим тизимининг умумий ва фарқли жиҳатларини кўрсатинг.
5. Германияда таълим тизими босқичлари ҳақида гапиринг.
6. Германияда мактаб типлари: бошланғич таълим, йўналишли таълим, асосий, реал мактаблар, гимназия, фан ва классик гимназияларнинг фарқини тушунтиринг.
8. Германияда бирлашган (умумий) мактаб турлари: кооператив ва интеграциялашган мактаблар ҳақида маълумот беринг.
9. Жанубий Кореяда мактабгача, бошланғич, ўрта ва юқори таълим ҳақидаги билимларинигизни гапириб беринг.
10. Жанубий Кореяда касб-хунар таълими ва олий таълим ҳақида гапиринг.
11. Канада давлати таълим тизимининг ўзига хосликлари ҳақида маълумот беринг.
12. Бельгия таълим тизимида 4 типдаги ўрта мактабларнинг фарқини айтинг.
13. Францияда бошланғич ва ўрта таълим, бакалавриат лицейлари, университет ва олий мактаблар, Мактабга тайёрлаш тизими: “Maternelle” ҳақида маълумот беринг.
14. АҚШ ўрта мактабларида 4 йўналишли касб-хунар асосларини тушунтиринг.

15. Blended learning (аралаш ўқитиш), вебинар дарслар, эвристик методлар мазмунини тушунтиринг.

17. Замонавий таълимда тьютор, супервизор, фасилитатор, эдвайзер ва модераторлик фаолияти ҳақида фикр юритинг.

18. Интеграцион ва дифференциал таълимнинг мақсад ва вазифаларини айтинг.

19. Хориж таълим тажрибасида дифференциал, интегратив таълимнинг мазмун моҳиятини баён этинг.

20. Ривожланган давлатлар тажрибасида масофавий таълим масалалари ҳақида маълумот беринг.

21. Хориж мамлакатларида тўлдирувчи таълим, махсус таълим турлари ҳақида фикрингизни баён этинг.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Richard Arum, Melisa Velez. Improving Learning Enviroment: School Discipline and Comporative Perspektive. Stanford Universiy Press, USA 2012.

2. H.Fry, S. Ketteridge, S.Marshall. HandbookFor teaching and Learning in Higher Education. New York, Routledge, 2009.

3. Higher education in japan. Higher Education Bureau, Ministry of Education, Culture, Sports, Science and Technology. 3-2-2 Kasumigaseki, Chiyoda-ku, Tokyo 100-8959, Japan Tel: +81-3-5253-4111 (Reception)

4. Eduscol. education.fr./ dossiers. School Education in Franse. ISBN 978-92-9079-921-4 Available for free downloading from the CEPS website (<http://www.ceps.eu>) © CEPS, 2009

5. http://cache.media.eduscol.education.fr/file/dossiers/07/3/2013_School_Education_in_France_244073.pdf.

6. Florian Geyer. The Educational System in Belgium CEPS Special Report/September. ISBN 978-92-9079-921-4 Available for free downloading from the CEPS website <http://www.ceps.eu>)© CEPS, 2009.

7.Improving Learning Environments: School Discipline and Student Achievement in Comparative Perspective (Studies in Social Inequality) Hardcover- June 13, 2012

8. Джалалова Д.Х. Основные тенденции развития современной японской школы. Автореферат дис.к.п.н. 2004.

9. Титов В.А.Педагогика зарубежных стран (сравнительная педагогика). А-Приор, 2010.

10. Муталипова М.Ж., Ходжаев Б.Х. Қиёсий педагогика.-Т: 2015й.

11. Хошимов К., Нишонова С. Педагогика тарихи.-Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2005.

12. Ишмухамедов Р. ва б. Таълимда инновацион технологиялар.-Т.: Истеъдод, 2008.

13. Ишмухамедов Р. ва б. Тарбияда инновацион технологиялар.-Т.: Истеъдод, 2008.

2- маъруза: ТАЪЛИМ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ТАЖРИБАЛАР. МОДУЛЛИ-КРЕДИТ ТИЗИМИ.

Режа:

1. Модулли таълим мазмуни, мақсади ва вазифалари, тамойиллари ва модул блоклари.
2. Модулли-кредит тизими моҳияти. Болонья декларацияси ва Европа ягона таълим муҳити.
3. ECTS кредитлари, асосий тамойиллари ва хусусиятлари.
4. Кредитларни тақсимлаш ва ECTS ўқув режаларига ўтиш методикаси.

Таянч иборалар: Модулли ўқитиш, фаолиятлилик тамойили, тизимли квантлаш усули, қизиқтириш тамойили муаммолилик тамойили, когнитив-визуаллик тамойили, кредит, модулли кредит тизими, ECTS, USCS, UCTS, CATS, зачет кредит бирлиги, ERASMUS дастури, TEMPUS дастури, Болонья декларацияси, ECTS тамойиллари, кредитларни тақсимлаш.

2.1. МОДУЛЛИ ТАЪЛИМ МАЗМУНИ, МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ, ТАМОЙИЛЛАРИ ВА МОДУЛ БЛОКЛАРИ.

Модулли ўқитиш - ўқитишнинг истиқболли тизимларидан бири ҳисобланади, чунки у таълим олувчиларнинг билим имкониятларини ва ижодий қобилиятларини ривожлантириш тизимига энг яхши мослашгандир.

Анъанавий таълимда ўқув мақсадлари педагог фаолияти орқали ифодаланган яъни билим беришга йўналтирилган бўлса, модулли ўқитишда таълим олувчилар фаолияти орқали ифодаланиб, касбий фаолиятга йўналтирилган бўлади.



Модулли ўқитиш технологиясининг анъанавий ўқитишдан фарқли хусусиятларини қуйидаги жадвалда келтирдик.

<p align="center">Анъанавий ўқитиш технологиясига асосланган</p>	<p align="center">Модулли ўқитиш технологиясига асосланган</p>
<p>Бир томонга йўналтирилган ахборот.</p> <p>Бир томонлама мулоқот (дарслик → ўқитувчи → ўқувчи)</p> <p align="center">Ахборот олиш</p> <p align="center">Хотирада сақлаш</p> <p>Маъносини тушунмаган ҳолда механик тарзда ёдлаш.</p>	<p>Фикрлаш ва амалий фаолият орқали таҳсил олишда фаол иштирок этишни рағбатлантириш.</p> <p align="center">Икки томонлама мулоқот</p> <p align="center">Таҳлил қилиш орқали маълумотни эслаб қолиш</p> <p align="center">Билим ва кўникмаларни намойиш этиш</p> <p align="center">Мазмунни тушуниш ва ҳаётга боғлаш.</p>

Ушбу жадвалнинг таҳлили шуни кўрсатадики, модулли технологияга асосланган таълим анъанавий таълимдан ўқитиш усуллари ва воситалари уни ташкил этиш ва натижалари билан сезиларли фарқ қилади.

Модулли ўқитиш таълимнинг қуйидаги замонавий масалаларини ҳар томонлама ечиш имкониятини яратади.

- Модул - фаолиятлик асосида ўқитиш мазмунини оптималлаш ва тизимлаш дастурларни ўзгарувчанлиги, мослашувчанлигини таъминлайди;
- ўқитишни индивидуаллаштириш;
- амалий фаолиятга ўргатиш ва кузатиладиган характерларни баҳолаш даражасида ўқитиш самарадорлигини назорат қилиш;
- касбга қизиқтириш асосида фаоллаштириш мустақиллик ва ўқитиш имкониятларини тўла рўёбга чиқариш.

Модулли ўқитиш самарадорлиги қуйидаги омилларга боғлиқ:

- таълим муассасасининг моддий-техник базаси;
- малакали профессор-ўқитувчилар таркиби даражаси;
- тингловчилар тайёргарлиги даражасига;
- кутиладиган натижалар баҳосига;
- дидактик материалларнинг ишлаб чиқилишига;
- модуллар натижаси ва таҳлилига.

Модулли ўқитишда ўқув дастурларини тўла қисқартирилган ва чуқурлаштирилган табақалаш орқали босқичма-босқич ўқитиш имконияти яратилади. Яъни ўқитишни индивидуаллаштириш мумкин бўлади. Модулли ўқитишга ўтишда қуйидаги мақсадлар кўзланади:

- ўқитишнинг узлуксизлигини таъминлаш;
- ўқитишни индивидуаллаштириш;
- ўқув материални мустақил ўзлаштириш учун етарли шароит яратиш;
- ўқитишни жадаллаштириш;
- фанни самарали ўзлаштиришга эришиш.

Модулли ўқитиш фаннинг асосий масалалари бўйича умумлаштирилган маълумотлар берувчи муаммоли ва йўриқли маърузалар ўқилишини тақозо этади. Маърузалар тингловчиларнинг ижодий қобилиятини ривожлантиришга қаратилмоғи лозим.

Модул амалий ва лаборатория машғулоти маърузалар билан бирга тузилиши, улар маърузалар мазмунини ўрганиладиган янги материал билан тўлдирилиши керак.

Модулни ўқитишнинг самарадорлигини оширишга эришиш учун ўқитишнинг қуйидаги усуллари қўллаш мумкин:

- муаммоли мулоқотлар;
- эвристик суҳбатлар;
- ўқув ўйинлар;
- лойиҳалаш ва йўналтирувчи матнлар ва ҳоказо.

Ўқитишнинг модул тизими мазмунидан унинг қуйидаги афзалликлари аниқланади:

-фанлар ва фанлар ичидаги модулар орасидаги ўқитиш узлуксизлигини таъминланиши;

-ҳар бир модул ичида ва улар орасида ўқув жараёнини барча турларининг методик жиҳатдан асосланган мувофиқлигини ўрнатилиши;

-фаннинг модулли тузилиш таркибининг мосланувчанлиги;

-тингловчилар ўзлаштириши мунтазам ва самарали назорат (ҳар қайси модулдан сўнг) қилиниши;

-тингловчиларнинг зудлик билан қобилиятига кўра табақаланиши (дастлабки модулардан сўнг ўқитувчи айрим тингловчиларга фанни индивидуллаштиришни тавсия этиши мумкин);

-ахборотни «сиқиб» бериш натижасида ўқитишни жадаллаштириш аудитория соатларидан самарали фойдаланиш ва ўқув вақти таркибини маърузавий амалий (тажрибавий) машғулоти индивидуал ва мустақил ишлар учун ажратилган соатларни-оптималлаштириш.

Бунинг натижасида тингловчи етарли билимларга ва кўникмага эга бўлади.

Модулли методика асосида ўқитишда фаолиятлик, тизимли квантлаш, қизиқтириш, модуллилик, муаммолик, когнитив визуаллик, хатоликларга таяниш тамойилларига мувофиқ ишлаб чиқиши лозим.

1. Фаолиятлик тамойили: Бу тамойил мутахассиснинг касбий фаолияти мазмунига мувофиқ шаклланишини аниқлатади. Бу тамойилга кўра модулар фан бўйича фаолият ёндашуви ёки тизимли фаолият ёндашув асосида тузилиши мумкин. Модулли ўқитиш технологиясига фан бўйича фаолият ёндашувида модуларни ўқув режаси ва дастурлар таҳлили натижасида тузишни тақозо этади. Тизимли фаолият ёндашувида модулар блоки мутахассиснинг касбий фаолияти таҳлили асосида шакллантирилади.

2.Тизимли квантлаш усули - бу принцип дидактик бирликлар умумлаштирилган назарияларининг талабларига асосланади.

Модулда тизимли квантлаш тамойили ўқув материалининг тегишли тузилмасини тузиш йўли билан эришилади. Модул умумий кўринишда қуйидаги элементлардан иборат бўлиши мумкин:

- тарихий - бу муаммо теорема масала кашфиёт ва тушунчаларнинг тарихига қисқача шарҳ бериш;
- муаммоли - бу муаммони шакллантириш;
- тизимли - бу модул таркиби тизимини намоён этиш;
- фаоллаштириш - бу янги ўқув материални ўзлаштириш учун зарур бўлган таянч иборалар ва ҳаракат усуллари ажратиб кўрсатиш;
- назарий - бу асосий ўқув материали бўлиб, унда - дидактик мақсадлар, муаммони ифодалаш, гипотезани асослаш, муаммони ечиш йўллари очиқ кўрсатилади;
- тажрибавий - бу тажрибавий материални (ўқув тажрибаси тажрибавий ишни) баён этиш;
- умумлаштириш - бу муаммо ечимини ва модул мазмунини умумлаштириш;
- жорий этиш- бу ҳаракатларнинг янги усуллари ишлаб чиқиш ва ўрганилган материални амалиётда қўллаш;

- хатоликлар-тингловчиларнинг модул мазмунини ўрганишдаги ўзлаштиришда кузатиладиган хатоликларини очиб ташлаш, уларнинг сабабини аниқлаш ва тузатиш йўлларини кўрсатиш;

- боғлиқлик - ўтилган модулни бошқа модуллар билан, шу жумладан ёндош фанлар билан боғлиқлигини намоён этиш;

- тест ва топшириқлар ёрдамида баҳолаш - модул мазмунини тингловчилар томонидан ўзлаштириш даражасини назорат қилиш ва баҳолаш.

Ўқув материалнинг ўзлаштирилишига машғулотлар пайтида модулнинг амалий аҳамияти қай даражада очиб кўрсатилганлиги модул мазмунининг бошқа модуллар билан боғлиқлиги шу модулни ўрганишдаги тингловчиларнинг бир хил хатоликлари таҳлили муҳим аҳамиятга эга.

3. Қизиқтириш тамойили - бу тамойилнинг моҳияти таълим олувчининг билим олиш фаолиятини рағбатлантиришдан иборат бўлади. Модулнинг ўқув материалга қизиқишни уйғотиш, билим олишга рағбатлантириш, машғулотлар пайтида фаол иштирок этиш, ижодий фикрлашга даъват этиш модулнинг тарихий ва муаммоли элементларининг вазифалари ҳисобланади.

4.Модуллик тамойили - бу тамойил ўқитишни индивидуаллаштиришнинг асоси бўлиб хизмат қилади.

Биринчидан модулнинг динамик тузилмаси фан мазмунини уч хил яъни тўла қисқартирилган ва чуқурлаштирилган кўринишда намоён этиш имкониятини беради. Ўқитишнинг у ёки бу турини танлаш тингловчининг ўзига ҳавола қилинади.

Иккинчидан модул мазмунини ўзлаштиришда ўқитиш усули ва шаклларнинг турлилигида ҳам модуллик намоён бўлади. Бу эса ўқитишнинг фаоллаштиришга шакл ва усуллар (диалог, мустақил ўқиш,ўқув, имитацион ўйинлар ва ҳоказо) ҳамда муаммоли маърузалар семинарлар маслаҳатлар бўлиши мумкин.

Учинчидан модуллилик янги материални поғонасимон ўзлаштиришда таъминланади, яъни ҳар бир фан ва ҳар бир модулда ўқитиш оддийдан мураккабга қараб йўналган бўлади.

Тўртинчидан модулга кирувчи ўқув элементларининг мосланувчанлиги туфайли ўқув материални мунтазам равишда янгиланган туриш имконияти туғилади.

5. Муаммолилик тамойили- муаммоли вазиятлар ва машғулотларни амалий йўналтирилганлиги ўқув материалнинг ўзлаштирилиш самарадорлигини ошишига имкон беради.

Машғулотлар пайтида гипотеза қўйилади, унинг асосланганлиги кўрсатилади ва муаммонинг ечими берилади. Кўпчилик ҳолларда бизнинг ўқитувчилар дарсларда фақатгина далиллар келтирадilar. Масалан АҚШда ўқитувчи масалани ўрганиш услубини, ўзи қўйган муаммонинг ечим йўллари, тажриба хусусиятини, унинг натижаларини кўрсатади ва тушунтиради. Яъни у тадқиқотчи ёки маслаҳатчи сифатида намоён бўлади.

Биринчи навбатда айниқса ана шу нарса тингловчини қизиқтириб кўяди унда ижодий фикрлаш ва фаолликни туғдиради.

6. Когнитив визуаллик (кўз билан кузатиладиган) тамойили-бу тамойил психологик-педагогик қонуниятлардан келиб чиқади. Ўқитишдаги кўргазмалар нафақат сўроқ вазифасини, шу билан бирга когнитив вазифани бажарган тақдирдагина ўзлаштириш унумдорлигини оширади. Айнан шунинг учун когнитив графика-сунъий интеллект назариясининг янги муаммоли соҳаси бўлиб, мураккаб объектлар компьютер суръатчалари кўринишида тасвирланади. Модулнинг таркибий тузилмаси бўлиб рангли бажарилган когнитив-график ўқув элементлари хизмат қилади. Шунинг учун расмлар модулнинг асосий бош элементи ҳисобланади. Бу эса:

Биринчидан тингловчининг кўриш ва фазовий фикрлаш қобилиятини ривожлантиради;

Иккинчидан ўқув материали мазмунини ўзида зич жойлаштириб равшан кўрсатувчи расм тингловчида тизимли билим шаклланишига ёрдам беради.

Учинчидан рангли суратлар ўқув материални қабул қилиш ва эслаш самарасини оширади ҳамда тингловчиларни эстетик тарбиялаш воситаси бўлиб хизмат қилади.

Кўргазмали маълумот оғзаки маълумотдан кўра аҳамиятлироқ ва унумлироқдир. Кўриш механизмининг маълумотни ўтказиш қобилияти эшитишникидан кўра анча юқоридир. Бу эса ўз навбатида, кўриш тизимида инсон қабул қилинадиган маълумотнинг қарийб 90 фоизини етказиш имкониятини беради. Ундан ташқари кўргазмали маълумот бир вақтнинг ўзида берилди. Шунинг учун маълумотни қабул қилиш ва эслашга оғзаки маълумотдан кўра кам вақт талаб этилади. Кўргазмали маълумот ишлатилганда таассурот ҳосил бўлиши оғзаки баёндан кўра ўртача 5-6 маротаба тезроқ кечади.

Инсоннинг кўргазмали маълумотга ишончи, оғзаки маълумотдан кўра юқори бўлади. Шунинг учун “юз бор эшитгандан кўра, бир бор кўрмоқ афзалроқдир” деб бежиж айтилмаган.

Шу билан бирга кўргазмали маълумотда қабул қилиш ва эслаш унуми уни кўрсатилиши орасидаги муддатни узоклигига боғлиқ бўлмайди. Оғзаки маълумотнинг ўзлаштирилиши эса, бунга боғлиқ бўлади. Ўрни келиб яна бир муҳим тафсилотни қайд этиш лозим: символли-кўргазмали маълумотни қабул этиш ўқитиш самарасини оширади яъни ўқув-илмий адабиётдан ва компьютер техникаси воситасида олинадиган маълумотни кўпайтириш учун шарт-шароит яратиш зарур. Бу эса ўқитишни индивидуаллаштириш зарурлигини кўрсатади.

7. Хатоликларга таяниш тамойили- бу тамойил ўқитиш жараёнида доимий равишда хатоликларни излаш учун вазиятлар яратилишига тингловчиларнинг руҳий фаолияти функционал тизими таркибида олдиндан

пайқаш тузилмасини шакллантиришга қаратилган дидактик материаллар ва воситаларни ишлаб чиқишга йўналтирилган бўлади.

Бу тамойилнинг амалга оширилиши тингловчида танқидий фикрлаш қобилиятини ривожланишига ёрдам беради.

8. Ўқув вақтини тежаш тамойили - бу тамойил тингловчиларда индивидуал ва мустақил ишлаш учун ўқув вақтининг захирасини яратишга йўналтирилган бўлади. Тўғри ташкил қилинган модулли ўқитиш ўқиш вақтини 30% ва ундан ортиқ тежаш имкониятини беради. Бунга эса модулли ўқитишнинг барча тамойиллари тўла амалга оширилганда, ўқувжараёни компьютерлаштирилганда ёндош фанларнинг ўқув дастурлари мувофиқлаштирилганда эришиш мумкин.

Ўтказилган назарий ва амалий изланишлар натижасида модулли ўқитиш-тингловчиларнинг билим имкониятларини ижодий қобилиятларини ва амалий кўникмаларини ўрганиш даражаларини ривожлантиришда ижобий самара бериши аниқланди. Модулли методика асосида ўқитишда фан таркибидаги модуллар орасидаги узвийликни таъминлашга ўқитишни жадаллаштиришга тингловчиларнинг ўзлаштиришини мунтазам назорат қилишга ва баҳолашга қизиқтириш асосида амалий фаолиятга ўргатишга ҳамда ўқув материални босқичма-босқич ўқитиш орқали фанни самарали ўзлаштиришга эришилади.

2.2. МОДУЛЛИ-КРЕДИТ ТИЗИМИ МОҲИЯТИ. БОЛОНЬЯ ДЕКЛАРАЦИЯСИ ВА ЕВРОПА ЯГОНА ТАЪЛИМ МУҲИТИ.

XX асрнинг иккинчи ярмида илмий-техник тараққиёт ўзининг юксак чўққиларига эришди. Илмий техник тараққиётининг (ИТТ) ҳозирги даражаси шундайки фан техника ва технология ривожининг эришилган суръатларини мамлакат қай даражада ривожланган бўлмасин алоҳида олинган мамлакатда уни таъминлаб бўлмайди. ИТТ кейинги ривожи фақат турли мамлакатлардаги олим ва мутахассисларнинг ҳамкорлиги илмий-тадқиқот ишларнинг интеграцияси натижасида амалга оширилиши мумкин. Фан техника ва технологиянинг тараққиёти таълим тараққиёти даражаси билан

чамбарчас боғлиқлигини эътиборга оладиган бўлсак таълим соҳасидаги халқаро интеграциянинг устуворлиги яққол муаммога айланиб қолади.

Бу кредит технологияни яратилишини ва қўлланишининг долзарблигини белгилайди. Чунки таълим соҳасидаги халқаро интеграллашуви энг аввало ўқув жараёнини кредит технологияси асосида ташкил этишига таянади²⁰.

Модулли таълимда кредит тизими.

Бугунги кунда олий таълим тизими олдидаги энг асосий вазифа малакали мутахассисни тайёрлаш. Бундай мутахассисни тайёрлаш учун, албатта, унга нисбатан сурилаётган талаблар тизимини аниқлаб олиш керак. Ушбу саволга жавоб қидириб, қуйидаги тўрт йўналишдаги талаблар тизимига дуч келдик:

1. Ўз соҳаси бўйича зарурий билим, кўникма ва малакаларга эга бўлиш.
2. Соҳага оид мавжуд билимларини доимий равишда мустақил ошириб бориш, яъни мустақил таълимга тайёр бўлиш.
3. Соҳага инновациялар киритиш учун мустақил изланиш ва ижод қилиш кўникмасига эга бўлиш.
4. Ўз вақтини режалаштириш, бошқариш ва ўз фаолиятини ташкил этиш кўникмасига эга бўлиш.

Агар соҳа бўйича билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришда мавжуд репродуктив таълим етарли бўлса, мустақил таълим олиш кўникмасини ва ижодкорликни ривожлантириш, ўз фаолиятини бошқариш масаласини ҳал этишда модулли ёндашув катта имкониятларга эга. Модулли таълимнинг мақсади талабанинг айнан шу жиҳатларини шакллантиришга қаратилган. Модуль шундай тузилиши лозимки, талаба ушбу модулни мустақил равишда ўзлаштира олиш ва кўзланган натижага эришиш имконига эга бўлсин.

²⁰ Joel Spring. Globalization and Educational Rights: an intercivilizational Analysis. Laurence Erlbaum Associates, 2001. p. 98-99

Бундай натижани таъминлаш учун модулда ахборот материали аниқ, лўнда, тушунарли, мантикий, тизимли баён этилиши ва кўргазмали бўлиши, ахборотнинг ҳар бирн мантикий бўлаги бўйича ўз-ўзини текшириш учун топшириқлар ишлаб чилган бўлиши, ана шу топшириқларни ишлаб чиқиш учун аниқ тавсиялар берилган бўлиши талаб этилади. Модулли таълимда педагог талабанинг ўзлаштириш жараёнини ташкил этади, бошқаради, маслаҳат беради, текширади.

Демак, модулли ёндашув янги ахборотни мустақил ўзлаштириш, талабанинг мустақил ва ҳамкорликдаги фаолиятини ташкил этиш, ўзининг ва ўртоқларининг фаолиятини баҳолашга қаратилган. Бундай ёндашув замонавий талаблар тизимига мос тушади.

Модулли ёндашув эришилган натижани изчил назорат қилиб боришга асосланган. Натижада модул-кредит тизими вужудга келган²¹.

Кредит-(Зачет бирлигига айланучи Европа тизими (ECTS) (European Credit Transfer and Accumulating System)) кредит жамлаш тизимидир. Ушбу тизим европа университетларида 1989 йилда ўтказилган тадқиқотлардан муваффақиятли ўтди ва қабул қилинди. У талабанинг умумий юкласига асосланади. Кредит тизимини киритишдан мақсад таълимнинг шаффофлигини ва академик билимларни ҳамда квалификацияни тан олишни осонлаштириш бўлиб ҳисобланади. Дастлаб кредит четдан келиб ўқиётган талабалар учун ишлатилган ва унга ишонч билдирилган. Олий таълим муассасалари учун ягона кредитларни ўрнатилиши эса талабаларнинг мобиллигини таъминлашга ёрдам берди. Бугунги кунда европа кредит тизими Европанинг деярли барча давлатларида тан олинган ва амал қилувчи тизимдир. Талаба ўрнатилган кредит балларини тўплаган тақдирдагина диплом олишга муваффақ бўлади. Дунёнинг олий таълим тизимида кредит тизимининг бир неча тури мавжуд. Юқорида айтиб ўтилган ECTS билан бир

²¹ Ермолаева Е.И. Модульное обучение в вузе: его основные учебные элементы. - Пензинский университет, 2010.- 75 с.

каторда, USCS -Американинг кредит тизими, CATS - Британиянинг кредит тизими, UCTS - Осиё давлатлари ва тинч океандаги давлатларнинг кредит тизимлари мавжуд.

Европа кредит тизимининг асосини уч унсур ташкил этади:


ўқув дастурлари хақида ахборот, талабанинг эришган натижалари ва талаба фаолиятининг ҳажми. Ҳар бир ўқув йили 60 қисмга бўлинади ва зачёт бирлиги ҳисобланади. Бир ҳафталик юклама 54 соатдан ошмаслиги керак, 54 соат 1,5 кредитга тенг. Ўқув йилининг давомийлиги Европада ўртача 40 ҳафта. Аммо Европанинг турли давлатларида ўқув йилининг давомийлиги турлича бўлиши маълум даражада муаммоларни келтириб чиқаради.

Кредит тизими барча ўқитиш шакллари нazorатини ўз ичига олади (аудитория ва аудиториядан ташқари).

Кредит тизими таълим жараёнида ўқилган соатлар миқдорини эмас, балки эришилган натижани кўрсатиб берувчи ўлчов бирлигидир. Яъни мутахассисни компетентлик даражасига баҳо берувчи натижага қаратилган ўлчов бирлигидир.

Демак, кредит нафақат ўқув фаолиятига берилган баҳо, балки, бажарилган ўқув юкласини кўрсатиб турувчи бирликдир. Бир кредит 36 академик соатга тенг (54 академик соат 1,5 кредитни ташкил этади). Ҳар бир ўқув модули 1 ёки 1,5 кредитга мўлжалланади ва, одатда, унинг сони учтадан ошмаслиги лозим.

Кредитининг ўқув жараёнидаги ўрни ва у билан боғланган унсурлар қуйидаги схемада кўрсатилган.



Европа кредит тизимида биринчи босқичда (бакалавриат) талаба 180 кредитдан 240 кредитгача тўплаши мумкин.

Иккинчи босқичда (Магистр) 90-120 гача кредит йиғиш имконига эга.

Кредит тизимининг асосини албатта рейтинг балл тизими ташкил этади.

Таълим соҳасидаги интеграцион жараёнлар илк бор Европада бошланган эди. 1989 йилда Европанинг минглаб тингловчилари Европа ҳамжамиятининг ERASMUS (European Community Action Scheme for mobility of University students) TEMPUS ва бошқа дастурлари асосида чет элларда таҳсил олиш имкониятига эга бўладилар.

ERASMUS дастури бўйича Европа ҳамжамияти университетлари ўртасидаги тингловчилар алмашинуви схемаси даставвал 145 олий ўқув юр்தларини қамраб олган эди.

ERASMUS дастурининг ютуқларидан бири бу Европа университетларидаги ўқитиш натижаларини ўзаро тан олиш тизими-(бу) (European Credit Transfer System (ECTS) ни яратиш синаш ва амалиётга кенг қўллаш деб айтиш лозим.

2001 йилда ўқув жараёнини ташкил этишнинг кредит технологияси ECTS Европанинг 1200 та университетларида аллақачон қўлланилган эди.

2001 йилда 29 та Европа давлатлари таълим вазирлари томонидан Болонья декларациясининг имзоланиши Европа таълим ҳудудини яратилишида муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Болонья декларациясига кўра дипломларнинг ўзаро тан олинishi, яъни ўқитиш натижаларини якуний кўрсаткичларнинг ўзаро тан олинishi муддати-2010 йил деб белгиланган эди.

Болонья декларациясига кириш учун қуйидаги дастлабки талаблар қўйилади:

- Олий ўқув юртигача 12 йиллик таълим;
- икки босқичли олий таълим-бакалаврият ва магистратура;
- ўқув жараёни ва ўқитиш натижаларини баҳолаш ECTS кредит технологияси асосида ташкил этилиши.

“Кредит” атамаси (ECTS- credit) – синовдан ўтди, маълум бир курсни ўқув юртида ўтганлиги ҳақидаги гувоҳнома маъносини англатади.

“Кредит-шартли синов бирлиги бўлиб, тингловчининг ўқув фанининг маълум бир қисмини ўтганлиги ҳақидаги маълумот беради. Ҳар бир ўқув фанига маълум миқдордаги кредит бирликлари ажратилади. Кредит бирликлари сони тингловчиларнинг меҳнат сарфига мос ҳолда белгиланади.

2.3. ECTS КРЕДИТЛАРИ, АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ ВА ХУСУСИЯТЛАРИ.

ECTS кредитлари- бу ягона Европа таълим ҳудудини яратишнинг бошланишидир.

Тингловчининг меҳнат сарфи-аудитория машғулотлари мустақил ишлар ва ўқув режасида кўзда тутилган бошқа фаолиятларини ўз ичига олади. Яъни ECTS кредитлари фақат аудитория соатлари билан чегараланмасдан тингловчиларнинг тўла юкламасига таянади. Шунинг учун

ECTS кредитларини тингловчи меҳнат сарфининг ўқув фанлари бўйича шартли-сонли ифодаси деб ҳисоблаш мумкин.

Одатда ўқув режасидаги фанларга ажратиладиган кредитлар сони 3 га тенг, ундан кўп ва кам сонли фанлар ҳам мавжуд.

ECTSда кредитлар йиғиндиси семестрда-30, ўқув йилида-60, бакалавриятдаги ўқув даврида-240 ни ташкил этади.

ECTS кредитлари барча ўқув фанларига яъни мажбурий ва тингловчи танлови асосида фанларга тақсимланади. Улар мазкур фан бўйича курс лойиҳалари ва ишларининг мавжудлигини ҳисобга олишлари зарур.

Ўқув фанига ажратиладиган кредитлар миқдори, фаннинг мураккаблигига ва ўзлаштиришга боғлиқ бўлади. Яъни ҳар қандай мураккаб фан ҳам катта миқдордаги кредитларга эга бўла олмайди.

Агар мураккаб фан билиш ва тушуниш даражасида ўзлаштириладиган бўлса, кам мураккабли ўқув фани малака даражасида ўзлаштирилса табиийки охиргисига кўпроқ кредитлар ажратилади. Шунинг учун турли таълим йўналишлари ва мутахассисликлари учун бир фаннинг ўзи турли ўқув дастурларига ва унга мувофиқ турли меҳнат сарфи ва кредитларга эга бўлиши мумкин.

Кўриниб турганидек, бизнинг мамалкатимизда биринчи ва иккинчи талаблар бажарилган. Энди навбат учинчи талабни бажаришда-яъни ўқув жараёнини кредит технологияси асосида ташкил этиш.

Ушбу технология асосида ўқув жараёнини ташкил этишдан мақсад нимадан иборат?

Ўқув жараёнини ташкил этишнинг ECTS кредит технологиясига ўтишда қуйидаги мақсадлар кўзланади:

- хорижда ўқишни давом эттириш учун олий ўқув юртини танлашда шарт-шароит яратиш;
- Ўзбекистонда таълим олган муддатни хорижий давлатларда тан олинишини таъминлаш;

- Европа олий ўқув юртлари ўқув режаларини ўрганиш ва шу асосида ўқув жараёнини такомиллаштириш;

- тингловчилар қобилиятини тўлароқ очилишига ва ўқитишнинг юқори натижаларига эришиш.

ECTSнинг асосий тамойиллари

ECTS қуйидаги асосий тамойилларга таянади:

1. *Transferancy*- бу ECTS тизимига хоҳлаган шахс ёки ташкилотнинг тўсиқсиз киришига шарт-шароит яратиш. Ушбу шарт-шароит кучли ахборот тарғиботи воситасида яратилади, унинг натижасида умумий янгилик, аниқлик ва очиклик муҳити шакллантирилади.

Ахборот тарғиботи қуйидагиларни ўз ичига олади:

- алмашиш схемасига киритилган тингловчиларнинг ўқиш натижалари ҳақида бир-бирига ўз вақтида ахборот етказиб туриш;

- олий ўқув юртларининг ўз ахборот пакетлари билан мунтазам алмашиб туришлари, таълим хизматлари доирасида бир-бирини имкониятларини ўрганиш;

- олий ўқув юртларида, ECTS ҳақида тўла маълумотларнинг мавжудлиги.

2. *Agreement*-тингловчи билан иккала олий таълим муассасасининг ECTS координаторлари орасида тайёрлаш мазмуни, ўқув тартиби ва муддатлари, аттестация тадбирлари, ўқув режаларидаги фарқни бартараф этиш тартиблари ҳақида ўзаро келишувларини англатади.

3. *Credits-Host* университетида (қабул қиладиган университет) муваффақиятли ўтилган барча фанлар Post-университетда (тингловчини бошқа ОТМга жўнатган университет) ҳисобга олиниши зарур.

4. *Таълимнинг инсонпарварлашуви*-бу шахснинг турли таълим хизматларига бўлган эҳтиёжини қондириши ва таълим жараёнида инсон қобилиятининг очилишини англатади. ECTS таълимни давом эттириш учун олий таълим муассасасини, ўқув фанларини ва ўқитувчиларни танлиш имкониятини беради.

5. Таълимнинг индивидуаллаштируви-бу ҳар бир тингловчининг индивидуал режа ва таълим дастурларига эга эканлигини ифода этади. Тингловчи танлови асосидаги фанлар 70%ни, мажбурий фанлар эса 30% дан ошмайди. Тингловчининг мустақил иш ҳажми 70%ни, аудиториядаги иши эса 30%ни ташкил этади. Ушбу кўрсаткичлар индивидуал таълимни ташкил қилишга асос бўлиб хизмат қилади.

6. Таълимнинг самарадорлиги-гуруҳда индивидуал ўқитиш аудитория машғулотлари ва тингловчининг мустақил ишларини уйғунлаштириш орқали таъминланади. Аудитория ўқув вақтининг 70% гача қисмини индивидуал ўқитишга, шунингдек, умумий ўқув вақтининг 70%гача қисмини мустақил ишга ажратилиши ўқув фанларининг тингловчилар томонидан ўз қобилиятлари даражасида ўзлаштиришга имкон яратади. Ушбу билан таълимнинг самарадорлиги таъминланади.

♣ *ECTS тамойиллари-шахснинг ўз қобилиятини тўла ривожланиши ва рўёбга чиқариши учун шарт-шароитлар яратиши зарурийлигини кўзда тутади.*

ECTSнинг хусусиятлари

Замонавий ўқитиш технологияси, олий таълим муассасасининг жиҳозланганлиги, профессор-ўқитувчилар таркиби фақат даражали, юқори малакали кадрлардан иборат бўлиши, ўқитишнинг юқори сифатлари-ECTS учун дастлабки зарурий талаблар ҳисобланади. Ўқув жараёнини ташкил этишнинг ушбу тизими, қуйидаги ўзига хос хусусиятларга эга.

Ўқув режаси бўйича:

Барча ўқув фанлари икки гуруҳга бўлинади-мажбурий ва тингловчи танлови асосидаги фанлар. Бу нисбатан тахминан 1:2 га тенг қабул қилинади; Ҳар бир тингловчи шахсий ўқув режасига эга бўлади.

Асосий ҳужжат транскрипт (transcript of records) - унификациялашган ҳужжат бўлиб, ягона шаклда тузилади, ўқитиш натижаларини тан олиш учун мажбурий ҳужжат ҳисобланади. Транскриптда, тингловчининг мазкур давлатда қабул қилинган баҳолаш тизимида ҳам, хусусий тизими бўйича ҳам

олган баҳолари, олинган хусусиятли кредитлари бўйича маълумотлар келтирилади:

- Ҳар бир семестрда ўрганиладиган фанларнинг сони 3...5та бўлиши;
- Мустақил ишга ажратилган соатлар, аудитория соатларидан кўп бўлиши;
- Кредит ўзида тингловчиларнинг ўқув фанини ўзлаштириш учун зарур бўлган барча меҳнат сарфларини мужассамлаштиради. Ўқув фани учун ажратиладиган кредитлар сони, аксарият ҳолларда 3 га тенг бўлади.

☞ Ўқув фани дастурининг мазмуни (syllabus) қуйидагиларни ўз ичига олади:

- ✓ ўқув фанининг тўлиқ номланиши ва унинг ўқув режасидаги тартиб рақами;
- ✓ ўқув фанини ўрганиш мақсади;
- ✓ ўқув фанининг қисқача мазмуни;
- ✓ таквимий режа, машғулотлар жадвали билан;
- ✓ ўқитиш технологияси;
- ✓ тингловчининг масъулияти ва унга қўйилган талаблар;
- ✓ тингловчилар билимини баҳолаш тартиби ва мезонлари;
- ✓ асосий ва қўшимча адабиётлар рўй хати.

☞ Ўқитувчининг ўқув юкларини ҳисоблашда:

Умумий меҳнат сарфи миқдори (аудитория ва мустақил иш соатлари) бир ўқув йилида 750-800 соатни ташкил этиши-эътиборга олинади.

☞ Ўқитиш жараёнининг асосини:

- ✓ шахсга йўналтирилган ўқитиш технологиялари;
- ✓ тингловчининг мустақил ишида ўқитувчи маслаҳатчи сифатида иштирок этади;
- ✓ тингловчи ўқув фанини ва ўқитувчини танлаш ҳуқуқига эга.

☞ Ҳар бир тингловчига ахборот пакети берилди. У қуйидагиларни ўз ичига олади.

- Олий таълим муассасаси ҳақида маълумот;
- Ўқув режаси;
- Ўқув жараёнининг графиги;
- Ўқув фанларининг мазмуни;
- Олий таълим муассасасида қабул қилинган таълим тизимининг методик хусусиятлари ҳақида маълумотлар:

- тингловчилр билимини баҳолаш тизими ва баҳолар шкаласи ҳақида маълумотлар;

- ижтимоий-маиший шарт-шароитларга тегишли маълумотлар;
- тарихий ва маданий соҳага оид маълумотлар;
- кўшимча таълим хизматлари тўғрисида маълумотлар

☞ *ECTS-олий мактабда ўқув жараёнини ташкил этишининг демократик тизимининг намунаси дур.*

2.4. Кредитларни тақсимлаш ва ECTS ўқув режаларига ўтиш методикаси

Давлат таълим стандартларига таяниб тузилган ўқув режаси ўқув жараёнини ташкил этишининг асоси бўлиб хизмат қилади. Ушбу меъёрий хужжатлар асосида ўқув фаолияти турлари бўйича меҳнат сарфлари аниқланади. Ўқув фаолияти турлари бўйича меҳнат сарфларини ҳисоблаш намунаси 1-жадвалда келтирилган.

Кредитларни ҳисоблаш ва уларни ўқув фаолиятлари турлари, блоклар ва алоҳида фанлар бўйича тақсимлашда ўтиш коэффициентини ($K_{\dot{y}m}$) аниқлаш зарур

$$K_{\dot{y}m} = 240 : 8262 - 0,029$$

Бу ерда: 240-бакалавриятнинг ECTS бўйича умумий меҳнат сарфлари йиғиндиси, соат.

Кредитлар сони меҳнат сарфини ўтиш коэффициентига (0,029) кўпайтириб борилади.

Ўқув фаолияти турлари, блоклар ва алоҳида ўқув фанлари бўйича кредитларни ҳисоблаш намуналари 1,2, 3 жадвалларда келтирилган.

Ўқув фаолияти турлари бўйича кредитлар тақсимоти намунаси

1 -жадвал

№	ДТС асосида ўқув фаолиятининг номи	Ҳафта-лар сони	Аудитория соатлари	Умумий ўқув юкламаси	Кредит
1	Назарий ва амалий таълим	136	[136·36]	136·54=7344	7344·0,029=213
2	Малакавий амалиёт	12	432	648	19
2.1.	Ишлаб чиқариш амалиёти	4	4·6·6=14 4	4·6·9=126	6
2.2.	Педагогик амалиёт	8	288	432	13
3.	Битирув иши	5	5·36=18 0	5·54=270	8
4.	Аттестация	19			
5.	Таътил	32			
Жами:		204	5508	8262	240

☞ Жадвалдаги маълумотларни ҳисоблашда ҳафталик аудитория ўқув юкламаси - 36 соат, тингловчиларнинг меъёрий ҳафталик меҳнат сарфи-54 соат қабул қилинган.

☞ Замонавий ўқув режаси бўйича, ECTS бир кредитнинг тахминий қиймати тингловчининг 34,4 соат меҳнат сарфига тенгдир.

Фанлар блоклари бўйича кредитлар тақсимои назарияси

2- жадвал

№	Фанлар блокларининг номланиши	Аудитория соатлари	Умумий ўқув юклагаси	Кредит
1	Умумгуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар	1214 (≈25%)	1726	50
2	Математик ва табиий-илмий фанлар	846 (25%га)	1292	37
3	Умумкасб фанлари	2034 (50%га)	3682	89
4	Ихтисослик фанлар	468 (≈10%)	794	23
5	Қўшимча фанлар	334 (≈5%)	450	14
6	Малакавий амалиёт	432 6	648 9	19
7	Битирув иши	180	270	8
Жами		5508	8262	240

№	Фаннинг номи	Меҳнат сарфи (соат)	Ҳисоб бўйича кредит	Кредит
I курс: Кузги семестр				
1	Ўзбекистон тарихи	110·0,29	3,2	3
2	Иқтисодиёт назарияси	85·0,29	2,5	3
3	Ўзбек (рус) тили	55	1,6	2

4	Чет тили	43	1,3	1
5	Жисмоний маданият	58	1,7	2
6	Информатика	110	3,2	3
7	Иқтисодий география	80	2,3	2
8	Иқтисодий таълимотлар тарихи	86	2,5	3
9	Иқтисод учун математика	110	3,2	3
10	Ёш даврлар физиологияси ва гигиенаси	54	1,6	2
11	Тингловчи танлови фанлари	182	5,3	5
Жами:		972	28,4	29

Ўқув фанлари бўйича кредитлар тақсимоги намунаси

3- жадвал

I курс: баҳорги семестр				
1.	Хуқуқшунослик	55	1,6	2
2.	Ўз.Р.Конституцияси	55	1,6	2
3.	Иқтисодиёт назарияси	98/98	2,8	3
4.	Ўзбек (рус) тили	55	1,6	2
5.	Чет тили	43	1,3	1
6.	Жисмоний маданият	57	1,7	2
7.	Информацион технологиялар ва тизимлар	108	3,2	3
8.	Иқтисодчилар учун математика	110	3,2	3
9.	Эҳтимоллар назарияси ва математик	110	1,8	3

	статистика			
10.	Иқтисодий география ва экология	60	2,4	2
11.	Замонавий табиий фанлар концепцияси	82	2,9	2
12.	Иқтисодчилар учун информацион технологиялар	97	4,3	3
13.	Психология	150	3,2	4
14.	Тингловчи танлови фанлари	110	31,6	3
Жами		1080	60	31
Ҳаммаси:		202	60	60

Кредит технологияси бўйича тингловчилар билимини баҳолаш методикаси

Ўқув жараёни кредит технологияси асосида ташкил этилганида, аксарият ҳолларда 4 балли баҳолаш шкаласини қўллаб, 100 фоиз баҳолаш тизими ишлатилади.

Масалан: А-4 б; В-3,5 б; С-3 б; D -2,5; E-2 б; F- 1,5 б;F-1 б.

100 фоизли баҳолаш тизими қуйидагича тақсимланиши мумкин: машғулотларга қатнашиши-5%, жорий тестлаш-30%, одатда 3 марта 10% дан; мустақил ишларни бажариш-15%, ўртача 3 марта 5% дан; лаборатория ишларини бажариш-10%, курс лойиҳаси (иши)ни бажариш -10%; якуний имтиҳон -30%.

4-жадвалда келтирилган баҳолаш мезонларидан 10 фоизли баҳолаш тизимида қўлланилганида фойдаланиш мумкин.

Баҳолаш мезонлари

4- жадвал

Баҳолар таърифи	Шартли белгиси	Ўзлаштириш %	Баҳолаш мезони	Тайёргарлик даражаси
Аъло	А	90-100	Билимларни умумлаштиради ва баҳолайди, таҳлил этади, тушунади, билади	4-даража ижод даражаси
Жуда яхши	В	80-90 таҳлили	Таҳлил этади, қўллайди, тушунади, билади	3-даражаси кўникма, малака ва даражаси (автоматик)
Яхши	С	70-80 қўллаш	Қўллайди, тушунади, билади	3-даражаси кўникма ва малака даражаси
Қониқарли	Д	тушунтириш	Тушунади, билади	2-даража қайта тиклаш даражаси
Етарли	Е	50-60 билиш	Билади	1-даражаси тасаввур этиш даражаси
Етарли эмас, қўшимча яна ишлаш талаб қилинади	ҒҮ	40-50	Ёмон билади	0-даражаси ёмон тасаввур этади

Етарли эмас, қўшимча яна жуда хам қўп ишлаш талаб қилинади	F	40 кам	Умуман билмайди	0-даражаси умуман тасаввур этмайди
---	---	--------	-----------------	---

Ўқув фани материалнинг 90-100% ўзлаштириши “аъло” баҳога тўғри келади. Бу тайёргарликни 4-даражасига тенглаштирилади ва “ижод даражаси” деб белгилайди.

Ўқув фани дастури камида 50% ўзлаштирилганида “етарли” баҳоси қўйилади, бу ўзлаштиришнинг тасаввур даражаси” деб белгиланади. Ўқув фанининг 40%дан кам ўзлаштириши, тайёргарликнинг 0-даражаси, яъни “умуман тасаввур этмайди” деб ҳисобланади.

Назорат саволлари:

1. Модулли ўқитиш тизимининг мазмун моҳиятини тушунтиринг.
2. Модулли ўқитиш технологияси ва анъанавий ўқитиш технологиясининг фарқли жиҳатларини кўрсатинг.
3. Модулли ўқитиш тамойиллари ва афзалликларини баён этинг.
4. Модулли-кредит тизимининг аҳамияти ва моҳияти ҳақида маълумот беринг.
5. Жаҳон олий таълим тизимида кредит тизими турларини тушунтиринг.
6. Кредит тизими таълим натижаларини кўрсатувчи ўлчов бирлиги сифатида эканлигини тушунтиринг.
7. Европада таълим соҳасида интеграцион жараёнлар ҳақида маълумот беринг.
8. ERASMUS дастури, Болонья декларацияси ва Европа ягона таълим муҳитини тушунтиринг.

9. ECTS кредитларининг асосий тамойиллари ва хусусиятлари ҳақида тушунча беринг.

10. Кредитларни тақсимлаш ва кредит технологияси бўйича талабалар билимини баҳолашга оид маълумот беринг.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Richard Arum, Melisa Velez. Improving Learning Environment: School Discipline and Comparative Perspective. Stanford University Press, USA 2012.

2. H. Fry, S. Ketteridge, S. Marshall. Handbook For teaching and Learning in Higher Education. New York, Routledge, 2009.

3. Higher education in Japan. Higher Education Bureau, Ministry of Education, Culture, Sports, Science and Technology. 3-2-2 Kasumigaseki, Chiyoda-ku, Tokyo 100-8959, Japan Tel: +81-3-5253-4111 (Reception)

4. Eduscol. education.fr./ dossiers. School Education in France. ISBN 978-92-9079-921-4 Available for free downloading from the CEPS website (<http://www.ceps.eu>) © CEPS, 2009

5. http://cache.media.eduscol.education.fr/file/dossiers/07/3/2013_School_Education_in_France_244073.pdf.

6. Florian Geyer. The Educational System in Belgium CEPS Special Report/September. ISBN 978-92-9079-921-4 Available for free downloading from the CEPS website <http://www.ceps.eu>) © CEPS, 2009.

7. 7. Improving Learning Environments: School Discipline and Student Achievement in Comparative Perspective (Studies in Social Inequality) Hardcover- June 13, 2012

8. Абдуқодиров А.А., Астанова Ф.А., Абдуқодирова Ф.А. “Case-study” услуби: Назария, амалиёт ва тажриба.-Т.: Тафаккур қаноти, 2012.-131 б.

9. Абдуқодиров А.А., Пардаев А.Х. Таълим жараёнини технологиялаштириш назарияси ва методологияси.-Т.: Фан ва технология.-102 б.

10. Абдуқодиров А.А., Пардаев А.Х. Педагогик технологияга оид атамаларнинг изоҳли луғати.-Т.: Фан ва технология.-43 б.

11. Ишмухамедов Р. Таълимда инновация.-Т.:Фан, 2010.
12. Ишмухамедов Р. Тарбияда инновацион технологиялар.-Т.: Фан, 2010.
13. Копченков В. Новая профессия-фасилитатор онлайн-сообществ.//
<http://community.sk.ru/press/reading/b/buildabusiness/archive/2013/03/28/novaya-professiya-1320-fasilitator-onlaynsoobschestv.aspx>
14. Очиллов М. Янги педагогик технологиялар.-Қарши, 2000.
Саидахмедов Н.С. Янги педагогик технологиялар.-Т.: Молия, 2003.

Интернет ресурслар

1. www.tdpu.uz 4. www.pedagog.uz
2. www.ziyonet.uz 5. www.edu.uz
3. [tdpu-INTRANET](#). Ped

IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАТЕРИАЛЛАРИ

1-амалий машғулот:

Ривожланган давлатлар таълим тизимининг қиёсий таҳлили. Иқтидорли ёшлар таълими-дифференциал таълимнинг асосий йўналиши сифатида

Ишдан мақсад: Ривожланган давлатлар таълим тизимининг қиёсий таҳлили қилиш. Иқтидорли ёшлар таълими - дифференциал таълимнинг асосий йўналишларини ўрганиш.

1. Ўзбекистон ва Европа давлатлари таълим тизимининг қиёсий таҳлили.

2. Берилган қиёсий таҳлил билан танишинг ва Европа давлатларидан бирининг таълим тизимини танлаб таҳлил қилинг.

Ўзбекистон Республикаси ва Германия таълим тизимининг қиёсий таҳлили қуйидагича:

1. Ўзбекистонда 2 ёшдан 7 ёшгача бўлган болалар мактабгача таълим муассасаларига борадилар. Ихтиёрий, пулли.

- Германияда 2 ёшдан 7 ёшгача бўлган болалар мактабгача синфлар, мактаблар қошидаги болалар боғчаси, болалар боғчасига борадилар. Ихтиёрий, пулли.

2. Ўзбекистонда бошланғич таълим 7 ёшдан 11 ёшгача, яъни 4 йил давом этади. Таълим мажбурий, бепул.

- Германияда бошланғич таълимга 6 ёшдан қабул қилинади, ўқиш 4-6 йил давом этади. Таълим мажбурий, бепул.

3. Ўзбекистонда 4 йиллик бошланғич таълимдан сўнг 5 йиллик ўрта таълимга ўтилади. Таълим мажбурий, бепул.

- Германияда бошланғич таълимдан сўнг ўрта таълимга ўтилади. Ўрта мактаб типлари: асосий, реал, аралаш, махсус мактаблар ва гимназиялар. Таълим мажбурий, бепул.

4. Ўзбекистонда умумий ўрта таълимдан сўнг АЛ ва КХКларига кирадилар. Таълим мажбурий, бепул.

- Германияда умумий ўрта таълимдан сўнг касбий таълим ва бошқа типдаги мактабга борадилар.

5. Германияда ҳар бир Феларда таълим тизими ҳақида ўзининг қонуни мавжуд.

- Ўзбекистонда республика бўйича ягона “Таълим тўғрисидаги қонун” амалда қўлланилади.

6. Германияда дарслик ва ўқув қўлланмалар қийматининг озгина қисмига берилади.

- Ўзбекистонда мактаб тизимида дарсликлар, қўлланмалар бепул берилади.

7. Маълум тоифадаги ўқувчиларга ҳар иккала давлат моддий ёрдам кўрсатади.

8. Ҳар иккала давлатда касб таълимининг “дуал тизими” мавжуд: Ўзбекистонда касб-хунар коллежларида ўрта таълим ва касбий таълим берилади. Германияда касбий таълим ва муассасаларда касбий таълим мавжуд. Унда таълим ва ишлаб чиқаришда амалиёт 2 йил давомида олиб борилади.

9. Германияда умумий ўрта таълим турли типларга бўлинади ва улар орасида фарқлар бор.

- Ўзбекистонда бундай типларга бўлиниш йўқ, лекин фанларни чуқурлаштириб ўрганишга йўналтирилган мактаблар бор.

10. Ўзбекистонда аъло баҳо “5” бўлса, Германияда “1” баҳо аъло ҳисобланади.

11. Ўзбекистонда лотин тили фақат тиббиёт билан боғлиқ олий ўқув юртларида ўрганилса, Германияда классик гимназияларда ўрганилади.

12. Германияда умумий мактабда “Фанлардан ютуқлари бўйича дифференциялаш” жорий қилинган. Унга кўра бир гуруҳда ўқийдиган ўқувчилар ўзлаштиришига кўра “А”, “Б” ва б. гуруҳларга бўлинади.

13. Германияда олий ўқув юртларининг деярли кўпчилиги давлат тасарруфида ва ҳукумат томонидан молиялаштирилади. Хусусий ОЎЮлари ҳам мавжуд (383 ОЎЮдан 69таси хусусий.)

- Ўзбекистонда хусусий ОЎЮлари йўқ.

14. Ҳар иккала давлатда талабалар оддий стипендиядан ташқари турли фондлар томонидан жорий қилинган стипендияларни олиш имкониятига эга.

2. Ўзбекистон ва Осиё давлатлари таълим тизимининг қиёсий таҳлили.

Берилган қиёсий таҳлил билан танишинг ва Осиё давлатларидан бирининг таълим тизимини танлаб таҳлил қилинг.

- Хитойда мактабгача таълим 3 ёшдан 6 ёшгача давом этади;

- Ўзбекистонда 2 ёшдан 7 ёшгача бўлган болалар мактабгача таълим муассасаларига борадилар;

- Бошланғич таълим Хитойда 6 ёшдан 12 ёшгача яъни 6 йил давом этади,

- Ўзбекистонда эса 7 ёшдан 11 ёшгача яъни 4 йил давом этади.

- Хитойда бошланғич таълимдан кейин тўлиқсиз ўрта мактабга ёки касбий бошланғич мактабга боориш мумкин. Ўқиш 12 ёшдан-15 ёшгача.

- Ўзбекистонда бошланғич таълимдан кейин ўрта таълимга ўтилади. Ўқиш муддати-5 йил, 11 ёшдан 16 ёшгача.

- Хитойда тўлиқсиз ўрта мактабни битирган ўқувчилар тўлиқ ўрта мактабга ўътадилар; касбий бошланғич мактабни битирганлар эса касбий ўрта мактабга ўътадилар. Ўқиш муддати 3 йил.

- Ўзбекистонда ўрта таълимдан кейин ўрта махсус касб-хунар таълимига ўтилади. Бу таълим ўз навбатида ўрта махсус таълим (АЛ) ва касб-хунар таълими (КХК) ларига бўлинади. Ўрта таълим битирувчилари хоҳишига кўра академик лицей ёки касб-хунар коллежларига ўқишга киришлари мумкин. Ўқиш муддати 3 йил.

- Хитойда тўлиқ ўрта мактабни битирганлар олий ўқув юртининг бакалавриат босқичига топширадилар. Касбий ўрта мактабни битирганлар эса касбий олий мактабга топширадилар. Ўқиш муддати 4 йил.

- Ўзбекистонда ўрта махсус касб-хунар таълимини тугатганлар олий ўқув юртларига топширадилар. Ўқиш муддати 4 йил.

- Хитойда касбий олий мактабни битирганлар ишга жойлаша оладилар (18-22 ёш).

- Ўзбекистонда касб-хунар коллежини битирганлар ишга жойлашишлари мумкин ёки олий ўқув юртига кириб, ўқишни давом эттиришлари мумкин.

- Хитойда олий таълимнинг магистратура ва доктарантура босқичлари мавжуд.

- Ўзбекистонда эса магистратура, аспирантура ва докторантура босқичлари мавжуд.

- Хитой 9 йиллик мажбурий таълим жорий этган.

- Ўзбекистонда 12 йиллик мажбурий таълим мавжуд.

- Хитойда 9 йиллик мажбурий таълим олганлар миқдори 99,3 % ни ташкил этади.

- Ўзбекистонда бу кўрсаткич 99,5 % дан иборат.

- Хитойда 9 йиллик таълим бепул.

- Ўзбекистонда 12 йиллик мажбурий таълим бепул.

- Хитойда олий ўқув юртида фақат иқтидорли талабаларгагина стипендия берилади.

- Ўзбекистонда эса 55 % дан ортиқ балл тўплаган барча талабалар стипендиялар билан таъминланади.

- Ўқиш йили айнан биздагидай, Хитойда ҳам 1 сентябрдан бошланади ва июлгача давом этади.

- Хитой талабалари узоқ қишки таътилга чиқадилар: декабрь охиридан феврални бошига қадар.

- Ўзбекистонда эса қишки таътил 28 декабрдан-10 январгача давом этади, ёзги таътил июль, август ойларида ўтади.
- Хитойда катталар учун таълим мавжуд. Унда эътибор саводсизликни тугатишга ҳам қаратилган.
- Ўзбекистонда кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш таълими бор.

ТОПШИРИҚ

Ўзбекистон ва ривожланган давлатлар таълим тизимини “Концептуал жадвал”да акс эттиринг.

КОНЦЕПТУАЛ ЖАДВАЛ

Хори-жий давлат-лар	Таълим тизими					
	Мактабга-ча таълим	Умумий ўрта таълим		Ўрта махсус таълим	Олий таълим	Ўзига хос хусусиятлари
		Бошлан-ғич таълим	Ўрта таълим			
Япония						
Жану-бий Корея						
Герма-ния						
Фран-ция						
АҚШ						
Англия						
Бельгия						

2. ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАР ТАЪЛИМИ ДИФФЕРЕНЦИАЛ ТАЪЛИМНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШИ СИФАТИДА.

Дифференциал таълимнинг асосий йўналиши иқтидорли, қобилиятли болалар ва ўсмирларни ўқитишдир. Ҳозирги кунда жаҳон педагогикасида бу

масалага қизиқиш янада кучайди. Масалан, юқори қобилиятлар бўйича Европа ассоциацияси мавжуд бўлиб, унинг мақсади-иқтидорлилар таълимини тадқиқ қилиш ва рағбатлантиришдир. Шунингдек, болалар иқтидорини аниқлаш мезонлари, қобилиятли ўқувчиларни қўллаб-қувватлаш имкониятлари ўрганилади. Иқтидорли болаларни ўқитиш бўйича Европа комитети олимлари “иқтидорли бола” тушунчасига интеллектуал ва бадиий соҳада энг юқори натижаларга эришиши қобилиятини ёки ажойиб психомотор ва ижтимоий қобилиятни киритадилар.

Иқтидор-қайсидир қобилиятнинг энг юқори даражадаги ривожланишдир. В.Юркевич иқтидорнинг 3 асосий турини фарқлайди, буни умумтаълим мактабларида ҳисобга олиниши лозим деб ҳисоблайди:

- академик (ўқишга аниқ кўриниб турган қобилият);
- интеллектуал (далилларни таҳлил қилиб, қиёслаб фикрлаш қобилияти);
- ижодий (дунёни ностандарт кўриш ва фикрлаш). В. Юркевичнинг фикрича, иқтидор турлари фарқланишига қарамай, иқтидорли болаларни билишга қизиқиш ва талаби бирлаштиради, бу билимга бўлган чанқоқлик ва ақлий меҳнатдан қониқишда кўринади. Иқтидорнинг бошқа белгилари ҳам бор: катталар билан муомалага кириша олиш ва шунга интилиш, юқори хиссиётлик, юмор қила олиш ва ўзгача нутққа эга бўлиш.

Жаҳон мактаби иқтидорли болаларга жуда катта аҳамият бермоқда, ўз тенгдошларига нисбатан “ёш ўқувчилар”-беш ёшли иқтидорли болалар сони ортмоқда. Улар ўқишни эрта бошлаб муваффақиятли эрта тугатадилар.

“Вундеркиндлар мактаби”, иқтидорлилар учун махсус семинарлар, махсус педагогик тадбирлардан ташқари иқтидори болалар учун оддий мактабларда юқори тезлик синфларини ташкил қиладилар. Иқтидорли ўқувчиларни мақсадли аниқлаш ва ўқитиш сиёсати зарурдир, чунки бу миллат келажагини белгилайди. Олимларнинг ҳисоблашича, ҳар бир ёшдаги гуруҳда 3%дан 8%гача ўқувчилар юқори иқтидор ва қобилиятга эга. Лекин уларнинг ҳаммаси ҳам рағбатлантирилмайди. АҚШда иқтидорли

болаларнинг 40%гина эътиборга тушади. Францияда 1989 йил юқори интеллектуал салоҳиятга эга бўлган лицей битирувчиларининг иқтидорлари ўз вақтида аниқланмаганлиги туфайли атиги 5% фоизи олий мактабга кирди.

Жаҳон тажрибаси кўрсатишича, иқтидорлиларни энг кичик ёшдан махсус ўқитиш педагогик мақсадга кўра тўғри. Оддий синфларда иқтидорли болалар қийинчиликсиз муваффақиятга эришади кейин эса ривожланишда тўхтаб қолади ёки ривожланиш сусаяди. Иқтидорли ўқувчини тақдири баъзи ҳолларда аянчли бўлиши мумкин: баъзан ўқитувчилар етарли эътибор беришмайди, ота-оналар эса ностандарт таълимга маблағ топа олмайди. Ҳозирги кунда иқтидорли ўқувчилар билан ишлайдиган ўқитувчининг педагогик таълими тадқиқ қилинмоқда. Иқтидорли талабалар устози моделини П.Торенс (АҚШ), П.Дебраи-Ритзен (Франция)лар таклиф қилишган. Мазкур моделга кўра бу ўқитувчиларнинг ўзига ҳос хислатлари ташаббускорлик, ўзига ишонч, ўқувчига ёрдам бериш ва унинг қизиқиши, муваффақиятини башорат қилиш деб белгиланди. Ҳар бир ўқитувчи каби иқтидорлилар устози эгилувчан касбий фикрлашга, очиқ мулоқотчанликка эга бўлиши, қизиқиш уйғота олиши, ўз шогирдини ҳимоя қила олиши лозим.

Иқтидорли ўқувчиларни ўқитишни ташкил қилиш кўлами ва принциплари етакчи давлатларда турличадир.

АҚШда қобилиятли ўқувчиларни аниқлаш ва махсус ўқитиш-тизимли сиёсатга айланган. АҚШ президенти ҳар йили жамиятнинг ўта иқтидорли фарзандларига эътиборни тортиш мақсадида 10та энг яхши мактабнинг иқтидорли ўқувчиларини қабул қилади.

“Мерит” дастурига кўра ҳар йили АҚШда 600 минг аълочи зеҳнли ўқувчилар танлаб олинади. Кейин улар яна “филтрланади”, ва 35 минг иқтидорли ўқувчилар танлаб олинади. Уларга таълимни давом эттириш учун турли имтиёзлар берилади (стипендиялар, нуфузли университетларга кириш учун қафолатлар ва ҳ.).

Иқтидорлиларни аниқлаш ва ўқитишда айрим фирмалар ва корпорациялар мактаб билан ҳамкорлик қиладилар. Ёш америкаликлар

орасида иқтидорлиларни танлашнинг асосий курали тест тўпламидир. Бир хил ёшдаги ўқувчилар билимининг ўртача кўрсаткичини аниқлашда стандарт тестлар айниқса кўп ишлатилади.

Интеллектни аниқловчи тестлар ўқувчиларнинг сўз, рақам, график материалларни билиш даражасини белгилашди ёрдамлашади. Натижалар баллда ҳисобланади, кейин махсус формула бўйича ақлий ривожланиш коэффициенти аниқланади. Ўртача коэффициент 90дан 109гача. Иқтидорлилар 115дан юқори натижага эга бўлиши керак. Аниқ кўзга кўринган қобилиятларга кўра синфдан синфга сакраган ўқувчилар ҳам иқтидорлилар сафига киради. Ақлий ривожланишнинг юқори коэффициетини олмаса ҳам бирор-бир фаолиятда жуда зўр қобилиятга ва ижодкорликка эга бўлса ҳам иқтидорлилар сафига киради.

Ностандарт фикрлаш иқтидорлилар танловининг асосий мезонидир. Юқори иқтидорли ўқувчиларни одатда оддий мактабда ўқитишади. Улар учун тезлаштирилган мактаб дастурлари, муқобил мавзулар бўйича машғулотлар ўтказилади. Иқтидорлилар учун Бостон, Нью-Йорк, Чикаго ва б.шаҳарларда махсус ўқув муассасалари бор. Шунингдек университетлар қошида махсус ёзги курслар ҳам ташкил қилинади. Европа давлатлари ҳам иқтидорли ёшлар муаммосидан четда қолган эмас.

Буюк Британияда иқтидорли болаларни тадқиқот қилиш Маркази жойлашган. Иқтидорли ўқувчилар учун махсус бўлимлар, тезлаштирилган, кенгайтирилган ва бойитилган таълим курслари ташкил этиладиган мактаблар сони ортиб бормоқда. Инглиз педагоглари диагностик тест ўтказиш, иқтидорли болаларни ўқитиш методикаси, иқтидорли болаларни ўқитадиган ўқитувчиларни тайёрлаш бўйича катта тажрибага эга.

Германиядаги Гамбург шаҳрида 1985 йилдан бери қобилиятли ўқувчиларни махсус ўқитиш бўйича алоҳида маслаҳат маркази иш юритади. 1990 йил бошида Бад-Вюртемберг шаҳрида 4та жамоат гимназиялари ташкил этилди, бунда иқтидорли болалар 8-9 йил давомида таълим олишлари мумкин.

Францияда 1980 йил ўрталарида баъзи бошланғич ўқув муассасаларида қобилиятли ўқувчилар синфлари пайдо бўлди. 1990 йил бошларида Страсбургда ақлий эрта ривожланган болалар учун алоҳида мактаб ташкил этилди.

Японияда иқтидорли болалар таълими муаммосига вазминлик билан ёндашади. 1960 йил ўрталаридан баъзи ўқув муассасаларида қобилиятли ўқувчиларни аниқловчи тестлар ўтказилади, кейин натижага кўра улар билан алоҳида шуғулланади.

1-амалий машғулот бўйича ассисмент.

<p><u>Тест:</u></p> <p>Халқаро таълим стандарти классификацияси (ХТСК) қачон янгиланди? a. 1997й b. 2000й. c. 2009й. d. 2013й.</p> <p style="text-align: right;"><i>0-5 балл.</i></p>	<p><u>Қиёсий таҳлил:</u></p> <p>Германияда асосий, реал, умумлашган мактаблар ва гимназиянинг фарқи нимади?</p> <p style="text-align: center;"><i>1-5 балл.</i></p>																																																												
<p><u>Симптом:</u></p> <p>Катаклардан модулга оид сўзларни топинг ва мазмунини тушунтиринг.</p> <table border="1" data-bbox="228 1429 834 1890"> <tr><td>а</td><td>р</td><td>о</td><td>п</td><td>р</td></tr> <tr><td>х</td><td>о</td><td>р</td><td>и</td><td>ж</td></tr> <tr><td>ў</td><td>м</td><td>т</td><td>б</td><td>т</td></tr> <tr><td>в</td><td>а</td><td>ў</td><td>т</td><td>а</td></tr> <tr><td>е</td><td>с</td><td>л</td><td>к</td><td>ъ</td></tr> <tr><td>б</td><td>о</td><td>д</td><td>е</td><td>л</td></tr> <tr><td>и</td><td>ф</td><td>и</td><td>й</td><td>и</td></tr> <tr><td>н</td><td>а</td><td>р</td><td>с</td><td>м</td></tr> <tr><td>а</td><td>в</td><td>у</td><td>а</td><td>и</td></tr> <tr><td>р</td><td>и</td><td>в</td><td>и</td><td>б</td></tr> <tr><td>л</td><td>й</td><td>ч</td><td>т</td><td>ю</td></tr> <tr><td>ь</td><td>ш</td><td>и</td><td>ь</td><td>д</td></tr> </table> <p style="text-align: center;"><i>0-5 балл.</i></p>	а	р	о	п	р	х	о	р	и	ж	ў	м	т	б	т	в	а	ў	т	а	е	с	л	к	ъ	б	о	д	е	л	и	ф	и	й	и	н	а	р	с	м	а	в	у	а	и	р	и	в	и	б	л	й	ч	т	ю	ь	ш	и	ь	д	<p><u>Амалий кўникма:</u></p> <p>Дифференциал таълим иқтидорли ёшларни аниқлашда асосий омил эканлигини исботланг.</p> <p style="text-align: center;"><i>1-5 балл.</i></p>
а	р	о	п	р																																																									
х	о	р	и	ж																																																									
ў	м	т	б	т																																																									
в	а	ў	т	а																																																									
е	с	л	к	ъ																																																									
б	о	д	е	л																																																									
и	ф	и	й	и																																																									
н	а	р	с	м																																																									
а	в	у	а	и																																																									
р	и	в	и	б																																																									
л	й	ч	т	ю																																																									
ь	ш	и	ь	д																																																									

Назорат саволлари:

1. Ривожланган давлатлар таълим тизимининг ўзига хосликларини тушунтиринг.
2. Японияда мактабгача ва бошланғич таълим, ўрта ва катта мактаб таълим тизими, Давлат университетларига кириш қоидалари ҳақида маълумот беринг.
3. Японияда “Дзюку” тўлдирувчи мактабларнинг мазмун моҳиятини баён этинг.
4. Германия Федерал Ерларида таълим тизимининг умумий ва фарқли жиҳатларини кўрсатинг.
5. Германияда таълим тизими босқичлари ҳақида гапиринг.
6. Германияда мактаб типлари: бошланғич таълим, йўналишли таълим, асосий, реал мактаблар, гимназия, фан ва классик гимназияларнинг фарқини тушунтиринг.
7. Германияда бирлашган (умумий) мактаб турлари: кооператив ва интеграциялашган мактаблар ҳақида маълумот беринг.
8. Жанубий Кореяда мактабгача, бошланғич, ўрта ва юқори таълим ҳақидаги билимларинигизни гапириб беринг.
9. Жанубий Кореяда касб-хунар таълими ва олий таълим ҳақида гапиринг.
10. Канада давлати таълим тизимининг ўзига хосликлари ҳақида маълумот беринг.
11. Бельгия таълим тизимида 4 типдаги ўрта мактабларнинг фарқини айтинг.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Richard Arum, Melisa Velez. Improving Learning Enviroment: Schol Discipline and Comporative Perspektive. Stanford Universiy Press, USA 2012.
2. H.Fry, S. Ketteridge, S.Marshall. HandbookFor teaching and Learning in Higher Education. New York, Routledge, 2009.

3. Higher education in japan. Higher Education Bureau, Ministry of Education, Culture, Sports, Science and Technology. 3-2-2 Kasumigaseki, Chiyoda-ku, Tokyo 100-8959, Japan Tel: +81-3-5253-4111 (Reception)
4. Eduscol. education.fr./ dossiers. School Education in Franse. ISBN 978-92-9079-921-4 Available for free downloading from the CEPS website (<http://www.ceps.eu>) © CEPS, 2009
5. http://cache.media.eduscol.education.fr/file/dossiers/07/3/2013_School_Education_in_France_244073.pdf.
6. Florian Geyer. The Educational System in Belgium CEPS Special Report/September. ISBN 978-92-9079-921-4 Available for free downloading from the CEPS website <http://www.ceps.eu>)© CEPS, 2009.
7. 7.Improving Learning Environments: School Discipline and Student Achievement in Comparative Perspective (Studies in Social Inequality) Hardcover- June 13, 2012
8. Абдуқодиров А.А., Астанова Ф.А., Абдуқодирова Ф.А. “Case-study” услуби: Назария, амалиёт ва тажриба.-Т.:Тафаккур қаноти, 2012.-131 б.
9. Абдуқодиров А.А., Пардаев А.Х. Таълим жараёнини технологиялаштириш назарияси ва методологияси.-Т.:Фан ва технология.-102 б.
10. Абдуқодиров А.А., Пардаев А.Х. Педагогик технологияга оид атамаларнинг изоҳли луғати.-Т.:Фан ва технология.-43 б.
11. Ишмухамедов Р. Таълимда инновация.-Т.:Фан, 2010.
12. Ишмухамедов Р. Тарбияда инновацион технологиялар.-Т.: Фан, 2010.
13. Копченков В. Новая профессия-фасилитатор онлайн-сообществ.// <http://community.sk.ru/press/reading/b/buildabusiness/archive/2013/03/28/novaya-professiya-1320-fasilitator-onlaynsoobschestv.aspx>
14. Очиллов М. Янги педагогик технологиялар.-Қарши, 2000. Саидахмедов Н.С. Янги педагогик технологиялар.-Т.: Молия, 2003.

Интернет ресурслар

1. www.tdpu.uz
2. www.ziyonet.uz
3. tdpu-INTRANET.Ped
4. www.pedagog.uz
5. www.edu.uz

2-Амалий машғулот:

Индивидуал ва дифференциал таълимнинг ўзига хосликлари. Тўлдирувчи таълим.

Ишдан мақсад: Чет эл таълим тараққиётининг асосий йўналишлари ва унинг муҳим соҳаларидан бири бўлган табақалаштириб ўқитиш масалалари билан танишиш, унинг ижобий томонларидан Ўзбекистон таълим тизимида фойдаланиш ҳақида қарашларга эга бўлиш.

Масаланинг қўйилиши:

Педагогик жараёнда талабаларга индивидуал ва дифференциал ёндашув шахс ривожланишида муҳим омил ҳисобланади, чунки айнан шундай ёндашув ёшлардаги иқтидор ва қобилиятни кўра билиш, шахс ривожланишига шароитлар яратишни назарда тутди.

Ишни бажариш учун намуна.

Босқичлик дифференция технологиясидан фойдаланишнинг асосий мақсади ҳар бир талабани ўзининг имкониятлари ва қобилиятлари даражасида ўқитиш бўлиб, натижада ҳар бир таълим олувчи ўз иқтидорига кўра билим олиш ва шахсий салоҳиятини амалга ошириш (қўллаш олиш) имкониятига эга бўлади. Мазкур технология жараёнини янада самаралироқ бўлиш.

Индивидуал ва дифференциал ўқиш бир хил эмас. **Дифференциал таълим –ўқув жараёнини ўқувчилар гуруҳининг етакчи хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ташкил этиш бўлса, индивидуал таълим ҳар бир ўқувчининг қобилияти, иқтидорига қараб берилади.** Ишни самарали ташкил қилиш учун дастур, дарслик, дидактик материалларнинг янги вариантлари яратилади.

Дифференциал, яъни табақалаштирилган таълим сўзи лотин тилидан “дифферент”, бутунни қисм, шакл, босқичларга бўлиш маъносини англатади. Кейинги йиллар тажрибаси шуни кўрсатадики, таълим оловчи учун энг қулай шароитларни таъминлайдиган ўқув жараёни бу дифференциал таълимдир.

Дифференциал таълимнинг мақсади: ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятларини, яъни иқтидори ва қобилиятини ҳисобга олиб ўқув жараёнини ташкил қилиш.

Дифференциал таълимнинг вазифалари: ўқувчининг ўзига хошлиги (индивидуаллигини) кўриш, ўз кучига ишонишга ёрдам бериш.

Дифференция таълим ўқитувчилардан ўқувчиларнинг индивидуал қобилиятлари ва ўқиш имкониятларини (диққат, фикрлаш, хотира ва бошқаларнинг ривожланиш даражаси), аниқ фанлар бўйича билим, кўникма, малакалар даражасини ташкиллаштиришни ўрганишни талаб қилади, бу эса коррекцион самарага эришиш мақсадида келгуси индивидуаллаштиришни амалга ошириш имконини беради.

Болалар мактаб дастурларини ўрганишга турли тайёргарлик билан келишади. Статистикага мурожаат этадиган бўлсак, ўқувчиларнинг 65% мактабга бир хил психик ривожланиш билан келади ва бу меъёр ҳисобланади; 15% - кам ёки кўп даражада бу босқичдан ўтади; 20% болалар, аксинча кам бўлади.

Амалиёт тасдиқлашича, ривожланишнинг барча босқичлари бўйича маъерий кўрсаткичга эга бўлган болалар фақат китобларда бўлади. Одатда ҳар бир болада у ёки бу оғишишлар (оз миқдорда бўлса ҳам) бўлиб, келгусида ўқишдан орқада қолишга олиб келиши мумкин.

Ўқувчиларнинг мактабдаги ўқув жараёнига тайёргарлик даражаси бир хил эмас ва йилдан-йилга кўрсаткич пасайиб кетмоқда. Баъзиларда тайёргарлик даражаси кейинги ўқишдаги муваффақиятларига мос келади, баъзиларида меъёрга аранг етиб боради.

Дифференциал ёндашувни амалга ошира туриб, ўқитувчи қуйидаги талабларга амал қилиши керак:

- ўқувчилар учун яхши муҳитни яратиш;
- ўқувчилар ўзидаги имконияти ва қобилиятига кўра ўқиши, ундан нима кутилаётгани хақида тасаввурга эга бўлиши, ўқув жараёнида мотивация бўлиши учун ўқувчилар билан яқиндан мулоқотда бўлиши керак;
- турли даражадаги таълим олувчиларга уларнинг имкониятларига мос дастурларни эгаллашлари таклиф этилади.

Турли босқичли таълим учун ўқитувчилар қуйидагилардан фойдаланадилар:

- топшириқ билан бирга озгина ёрдам элементлари мавжуд бўлган маълумот-карточкалар;
- кўнгилли бажариш учун муқобил топшириқлар;
- ўқувчилар томонидан мазмуни ёритилган топшириқлар;
- фаолиятнинг рационал усулларини эгаллашга ёрдам берувчи топшириқлар.

Таълимнинг турли босқичли дифференцияси ўқув жараёнининг турли босқичларида кенг қўлланади: янги материални ўрганиш, дифференцияланган уй вазифаси, дарсда билимлар ўлчови, ўтилган мавзунини эгаллаганликни жорий текшириш, мустақил ва назорат ишлар, хатолар устида ишлаш, мустаҳкамлаш дарслари.

Қуйида **дифференциал таълим усуллари** (уй вазифасини сўраш, гапириб бериш ва баҳолаш)ни кўриб ўтамиз.

Ўқувчилардан **уй вазифасини сўраш усуллари**.

Кўпинча дарсларда уй вазифаси сўралганда ўқувчилар билимидаги камчиликлар қидирилади. Аслида ютуқ, билим, малакалари аниқланиши керак, зеро уй вазифаси сўралганда асосий вазифа ўргатиш, ёрдам бериш ва қўллаб-қувватлашдир.

1-усул. Бирдамликдаги сўров.

Доскага чиққан ўқувчи уй вазифаси топшириғини бажара олмайди. Гуруҳ жамоасига мурожаат қилиб бу топшириқни ким бажаради, деб сўралади-ю, хоҳловчилар ичидан жавоб берувчи билан яхши муносабатда

бўлган ўқувчи танланади ва ўртоғига шивирлаб мавзунини тушунтиришга ёрдам бериш сўралади.

Айнан шундай, лекин бироз ўзгартирилган вариант: доскага чиққан ўқувчига мавзу, муаммо топшириқ берилади, ўзи гуруҳдан ёрдам бериш мумкин бўлган ўқувчини танлайди, керакли қўлланмалар, дафтар ва дарсликларни олиб, охириги столга ўтириб, 15 дақиқа тайёрланади, шундан кейин ўз тренерлари иштирокида ўқитувчига вазифаларни топширади.

2-усул. Ўзаро сўров.

Гуруҳдан 3та ўқувчи “5”, “4”, “3” баҳога даъвогар ўқувчилар билан савол-жавоб ўтказиш учун уч қатор бўлиб ўтиради. “3” баҳога жавоб берган ўқувчи “4” баҳога ҳаракат қилиш учун кейинги қаторга ўтади.

3-усул. Соқин сўров.

Ўқитувчи ўқувчиларга умумий вазифа беради. Ўзи эса бир ёки бир неча ўқувчидан паст овозда суҳбат-сўров ўтказиши.

4-усул. Идеал топшириқ.

Ўқитувчи аниқ уй вазифасини бермайди, лекин ўқувчилар ўтилган мавзуга оид ўзлари топшириқ тузадилар ва бажарадилар.

Уй вазифасини бериш усуллари.

Жуда кўп ҳажм ва қийинликдаги уй вазифасини бериш бу ўзини оқламайдиган усулдир. Уй вазифасини беришда билимларни мустаҳкамлаш учун максимал фойда келтирадиган усуллардан фойдаланиш лозим бўлади:

1-усул. Уй вазифасининг уч босқичи. Бу усулда ўқитувчи бир вақтнинг ўзида уч босқичда уй вазифасини беради. Биринчи босқич-мажбурий минимум. Бу вазифанинг хусусияти-барча ўқувчиларга тушунарлилиги ва бажара олишида.

Иккинчи босқич-машқ вазифалари. Бу вазифаларни фанни яхши билишни истайдиган ва дастурни қийинчиликсиз ўзлаштирадиган ўқувчилар бажарадилар. Бу ўқувчилар 1-босқичдаги вазифаларни бажаришдан озод бўладилар.

Учинчи босқич-дарснинг мавзуси, синфнинг тайёргарлигига кўра ўқитувчи томонидан қўлланилади. Бу-ижодий топшириқ. Бу вазифа ихтиёрий бажарилади ва ўқитувчи томонидан юқори баҳо ва олқишлар билан рағбатлантирилади.

Ижодий топшириқлар кўлами жуда ҳам кенг бўлиш мумкин:

- ўқув материаллари бўйича ҳикоялар, эсселар;
- чайнвордлар, кроссвордлар, сканвордлар;
- ўқув комикслари;
- плакатларда таянч чизмалар;
- формулалар ва ҳ.

2-усул. Катта ҳажмли вазифа.

Ўқувчиларга кераклича узоқ муддат ичида катта ҳажмли вазифа берилади. Масалан, ўқувчилар 50 вазифадан 20тасини бажариши керак. Ўқувчининг вазифани мустақил танлаши ўз-ўзини реализация қилиш имконини бериш билан бирга муҳим психологик самара ҳам беради.

3-усул. Ўқувчининг ўзи ўқитувчи. Дарснинг охириги 10 дақиқасида ўқувчиларнинг ўзига уй вазифасининг қизиқ шакл ва мазмунларини ўйлаб топиш вазифаси юкланади. Ким ўзи учун қандай вазифани ўйлаб топган бўлса, ўша вазифани бажаради. Ким вазифа топмаган бўлса, унга ўқитувчи вазифа беради.

Баҳолаш усуллари.

Ўқувчилар билимини баҳолаш пайтида объектив баҳолашда ҳиссий босиқлик, баҳоларни эълон қилишда ҳайрихоҳлик талаб қилинади, муҳими дарсда қўйилган баҳо ўқувчининг кейинги ўқиши учун стимул бўлиши керак.

1-усул. Баҳо-белги эмас.

Фақат сонлар билан эмас, сўзлар, оҳанг, имо-ишоралар билан баҳолаш назарда тутилади.

Вариант: Ўқитувчи ўқувчиларга нисбатан қийинроқ, лекин ечиш мумкин бўлган вазифани беради. 10 минутдан сўнг ўқувчилар вазифани бажарадилар. Шунда ўқитувчи: “Хўш, нима қилсам экан, сизлар менинг

базарилмаган топшириқлар фондимни йўққа чиқаряпсизлар! Кейинги сафар энди...” деган ҳазиломуз сўз билан навбатдаги топшириқни беради.

2-усул. Рейтинг.

Вазифани базариб бўлгач, ўқувчи ўзига баҳо қўяди. Шу ишга ўқитувчи ҳам баҳо қўяди. Каср сон чиқади: 4/5. Бунда ўқитувчининг вазифаси-ўқувчининг ўз меҳнати баҳолашни ўргатишдан иборат. Бу усул баҳолаш мезонларига қўниқиш даврида қўлланади, оз муддатдан кейин каср ва махраж сонлар тенглашади.

3-усул. Ишонч кредити.

Баҳо баҳсли бўлган ҳолатларда баҳони “кредит”га қўямиз. Бунда ўқитувчи: “Сенинг билиминг “5” баҳо қўйишга озгина етмаяпти. Лекин, менимча, сен озроқ ҳаракат қилсанг шу баҳони ола оласан. Шунинг учун сенга “5” баҳо кредитга қўяман, кейинги чорак/семестрда қанчалик ҳақлигимиз аниқ бўлади.

4-усул. Рағбат тизими.

1-вариант. Кейинга сурилган баҳо варақаси.

Ўқувчига паст баҳо қўйишни истамаган ўқитувчи ўқувчига қайси мавзуни ўзлаштиролмаганлигини варақага ёзиб беришни сўрайди. Кейинги савол-жавобда шу варақада ёзилган мавзуни топшириш сўралади.

2-вариант. Кенгайтирилган баҳо.

Сонли баҳо билан бирга, ўқувчининг муваффақиятлари ва унга бўлган муносабат кўрсатилади.

3-вариант.

Қуйидагилар баҳо ўрнини босиши мумкин:

- кичик ёрлик;
- ташаккур хати ёки “Дарсдаги ғалаба учун”, “Кичик кашфиёти учун”, “Дўстга ёрдами учун” деган дипломлар;
- дафтарларга ташаккурнома ёзиш;
- китоб бериш ва ҳ.

Хулоса қилиб айтганда, юқорида берилган усуллардан буниси энг муҳими деб айтиш мумкин эмас. Камалак бир рангдан иборат бўлмаганидек, усуллар бир-бирини тўлдирса “**усуллар камалаги**” ҳосил бўлади.

Тўлдирувчи таълим. Дифференциянинг муҳим йўналиши бу тўлдирувчи таълим бўлиб, ўзлаштира олмайдиган ўқувчиларга нисбатан кўйилган кўшимча педагогик ҳаракат ҳисобланади. Тўлдирувчи таълим - ўқувчиларнинг қониқарсиз тайёргарлиги, ўзлаштиролмаглигига қарши жавобдир. Таълим дастури раҳбарларининг бир овоздан таъкидлашича, доимий ва масштаби тўлдирувчи таълимга ассигнования, яъни маблағ етарли бўлса, унинг самараси янада юқори бўлади. Тўлдирувчи таълим амалиёти мактаб ва оила ҳамкорлигини назарда тутди, психология, ориентация, индивидуал ёндашув бўйича мутахассисларни жалб қилади. Тўлдирувчи таълим шаклларида бири бир синфда такрор ўқийдиганларга таълим беришдир.

АҚШда бошланғич мактабларда бир синфда икки йил ўқиш деярли йўқ. Францияда синфда қолиш бошланғич мактабнинг юқори синфларда, коллеж ва лицейларда мавжуд. Бошланғич мактабда қайта ўқиш ҳақидаги қарорни ўқитувчилар, ўрта ўқув муассасаларида ота-оналар розилиги билан ўқитувчилар қабул қиладилар. Агар ота –оналар норози бўлса, масалани махсус комиссия ҳал қилади.

Японияда синфда қолиш ҳолати унчалик кўп учрамайди. Японияда ким тўлиқ умумий таълим олмоқчи бўлса, оддий мактаб билан чегараланмайди. У албатта тўлдирувчи таълим учун хусусий репетитор мактаби-дзюкуга боради. Дзюкуда кўпинча иқтидорли талабалар дарс беради. Мактаб битирувчилари ва омадсиз абитуриентлар учун репетиторилик муассасалари-ебъекулар университетга тайёргарликка йўналтирилган. Нуфузли Токио ебъекуларида ҳар йили 150.000гача ўқувчилар таҳсил оладилар. Ўқитувчилар таркибида етакчи университет профессорлари бор. Дзюку ва ебъеку хизматларига мурожаат қилишдан мақсад қандай қилиб бўлса ҳам олий маълумотли бўлишга интилишдир. Ота

–оналар болаларини тўлдирувчи таълимга беришининг сабаби оддий мактабнинг камчиликлардан холи эмаслиги, дзюкуда ўқувчиларга персонал эътибор берилиши боланинг мустақил шуғуллана олмаслиги, ўзларининг ёрдам беролмасликлари деб тушунтирадилар.

Назорат саволлари:

1.Интеграцион ва дифференциал таълимнинг мақсад ва вазифаларини айтинг.

2.Хориж таълим тажрибасида дифференциал, интегратив таълимнинг мазмун моҳиятини баён этинг.

3. Ривожланган давлатлар тажрибасида масофавий таълим масалалари ҳақида маълумот беринг.

4. Хориж мамлакатларида тўлдирувчи таълим, махсус таълим турлари ҳақида фикрингизни баён этинг.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Richard Arum, Melisa Velez. Improving Learning Enviroment: Schol Discipline and Comporative Perspektive. Stanford Universiy Press, USA 2012.

2. H.Fry, S. Ketteridge, S.Marshall. HandbookFor teaching and Learning in Higher Education. New York, Routledge, 2009.

3. Higher education in japan. Higher Education Bureau, Ministry of Education, Culture, Sports, Science and Technology. 3-2-2 Kasumigaseki, Chiyoda-ku, Tokyo 100-8959, Japan Tel: +81-3-5253-4111 (Reception)

4. Eduscol. education.fr./ dossiers. School Education in Franse. ISBN 978-92-9079-921-4 Available for free downloading from the CEPS website (<http://www.ceps.eu>) © CEPS, 2009

5. http://cache.media.eduscol.education.fr/file/dossiers/07/3/2013_School_Education_in_France_244073.pdf.

6. Florian Geyer. The Educational System in Belgium CEPS Special Report/September. ISBN 978-92-9079-921-4 Available for free downloading from the CEPS website <http://www.ceps.eu>)© CEPS, 2009.

7. 7.Improving Learning Environments: School Discipline and Student Achievement in Comparative Perspective (Studies in Social Inequality) Hardcover- June 13, 2012

8. Абдуқодиров А.А., Астанова Ф.А., Абдуқодирова Ф.А. “Case-study” услуби: Назария, амалиёт ва тажриба.-Т.:Тафаккур қаноти, 2012.-131 б.

9. Абдуқодиров А.А., Пардаев А.Х. Таълим жараёнини технологиялаштириш назарияси ва методологияси.-Т.:Фан ва технология.-102 б.

10. Абдуқодиров А.А., Пардаев А.Х. Педагогик технологияга оид атамаларнинг изоҳли луғати.-Т.:Фан ва технология.-43 б.

11. Ишмухамедов Р. Таълимда инновация.-Т.:Фан, 2010.

12. Ишмухамедов Р. Тарбияда инновацион технологиялар.-Т.: Фан, 2010.

13. Копченков В. Новая профессия-фасилитатор онлайн-сообществ.// <http://community.sk.ru/press/reading/b/buildabusiness/archive/2013/03/28/novaya-professiya-1320-fasilitator-onlaynsoobschestv.aspx>

14. Очилов М. Янги педагогик технологиялар.-Қарши, 2000.
Саидахмедов Н.С. Янги педагогик технологиялар.-Т.: Молия, 2003.

Интернет ресурслар

1. www.tdpu.uz
2. www.ziyonet.uz
3. [tdpu-INTRANET. Ped](http://tdpu-INTRANET.Ped)
4. www.pedagog.uz
5. www.edu.uz

3-Амалий машғулот:

**Жаҳон мамлакатларида таълим тизимига замонавий
ёндашувлар: интеграцион таълим. Махсус таълим.**

Ишдан мақсад: Жаҳон мамлакатларида таълим тизимига замонавий ёндашувлар: интеграцион таълим тизимини мақсади ва махсус таълим тизимини таҳлил қилиш.

Масаланинг қўйилиши: Жаҳон мамлакатларида таълим тизимига замонавий ёндашувлар, интеграцион таълим тизимини мақсади ва махсус таълим тизимини шаклланишидаги ўрни мавзусидаги билим ва тасаввурларини ривожлантириш.

Ишни бажариш учун намуна. Интеграциялаш мобайнида бир-бирига боғлиқлик ҳажми ошади ва тартибга тушади, шу тизим қисмларининг ишлаши ва ўрганиш объектининг яхлитлиги тартибга солинади. Замонавий дидактика ва методикада таъкидланишича, ўқувчиларни ўқитиш, ривожланиши ва тарбиясининг муваффақиятлари уларда дунё бирлиги ҳақида тушунчани шаклланганлигини, ўз фаолиятларини умумий табиат қонунлари асосида йўлга солиш заруриятини тушунишлари, табиатшунослик курсида фанлараро ва фанлар ичидаги алоқаларни еча олишлари билан боғлиқ. Таълимдаги интеграция ўқув фанлари мазмунини конструкциялашга тизимли ёндошиш орқали кўриб чиқилади.

Кейинги пайтда мактаб таълимини интеграциялаш тўғрисида кўп сўз юритилмоқда. Олимлар ва амалиётчи ўқитувчилар болаларда қандай қилиб дунё тўғрисидаги яхлит тушунча ҳосил қилиш ва турли фанлар бўйича билимларни яқинлаштириш учун бир бутун дастурни тузиш тўғрисида бош қотиришяпти. Бир бирига яқин бўлган фанларни бирлаштирувчи курслар ташкил этиш ҳаракатлари бўлмоқда. Масалан, математика ва конструкциялаш, тасвирий санъат ва бадиий меҳнат. Бу курсларнинг самарадорлиги тўғрисида ҳорижий педагогларнинг кўп йиллик ишлари бўйича баҳолаш мумкин. Зеро, интеграцияланган курслар чет эл мактаблари учун одатий ҳолга айланган.

Чет эл тажрибасини ўрганиш шуни кўрсатадики, табиат ва жамият ҳақидаги билимларни ривожлантириш учун асос бўлувчи интеграцияланган фанлар кўпгина мамлакатларнинг ўқув дастурларига киритилган. Бу экологик йўналишга эга бўлган интеграцияланган фан бўлиб, жаҳон ҳамжамиятида ўқувчиларга атроф-муҳитга жавобгарликни шакллантиришнинг асосий воситаси эканлиги тўғрисида хабар беради.

Ҳозирги кунда интеграциянинг бир неча усуллари қўлланилади. Биринчиси, бир нечта фанларни бир фанга бирлаштириш. Шу масаладаги 1988 йилда чоп этилган халқаро педагогик тажриба якунларига бағишланган тадқиқот кўпгина хорижий мамлакатлар бошланғич мактабларининг интеграцияланган курслари бўйича фойдали манба бўлиб қолди. Курснинг мақсади болани дунё билан суҳбатга тортиш, инсон, табиат, жамият, фан, санъат билан суҳбатлашишга фақат одамлар суҳбатлашадиган тил билангина эмас, ҳайвонлар, ўсимликлар тили билан, рассомлар, мусиқачилар, олимлар фойдаланадиган тил билан таништиришдир.

Кичик мактаб ўқувчисига фикр доираси кенг бўлган мулоқот санъатининг бошланғич саводини эгаллашда ёрдам бериш муҳимдир. Бу савод ўзида одамлар билан мулоҳотдан тортиб (тенгдошлар, катта ёшдагилар, кичик ёшдагилар) ўз-ўзи билан мулоқотдан то атроф-муҳитдаги ходисалар билан мулоқотни қамраб олади.

Интеграцион курснинг мақсадидан яна бири-ўзи ишлаётган олам ҳақида нарса ва ходисалар орасидаги боғлиқлик, ўзаро ёрдам, моддий ва маданиятнинг турли туманлиги хусусида кенг ва энг асосийси, инсоннинг ички (маънавий) ва ижтимоий дунёси, оламда ҳукм сурувчи қонунлар (табиий, илмий, тарихий, ахлоқий) ҳақида тушунча бериш. Асосий урғу фақат маълум билимларни эгаллашга эмас, балки тасвирий фикрларни ривожлантиришга берилди. Оламнинг умумий кўриниши товушлар, тасвирлар, ранглар орқали таништирилади, бола эса ҳам дунёни, ҳам ўзини ўрганувчи, текширувчи ўрнига қўяди.

Интеграцион таълимнинг тузилиши қандай? Интеграцион таълимнинг интегративлиги унинг тузилишига хос хусусиятларини белгилаб беради. Йил учун умумий бўлган бир мавзу, ҳар чоракнинг асосий мавзусида ўз ривожини топади. Шундай қилиб, курс асосига қўйилган ғоялар (фикрлар)нинг горизонтал ҳаракати амалга оширилади. Худди шу йўл билан вертикал ҳаракат ҳам амалга оширилади (синфдан синфга), бунда бир мавзу боланинг ўсишига қараб, мураккаблашиб боради, интегративлик инсоннинг олам

билан ўзаро алоқаларида акс эттирувчи мавзуларига киритилган: бола гидрокида ноъмалум бўлган узок олам билан (космос, юлдузлар, ер курраси, катта бўшлиқлар ва вақт кадри) яқин олам (микроолам, уй олдидаги хайвонлар ва ўсимликлар дунёси, она-ватан табиати ва бошқа мамлакатлар табиати). Инсонлар олами билан (турли мамлакатлар ва маданиятлар, цивилизация марказлари, инсоннинг инсон ва жамият билан муносабатлари, инсоннинг ички дунёси); маданий дунёси билан (халқ ижоди, рассом ва олимлар ижоди, маънавий кадриятларни сақловчи одамларнинг ишлари).

Шу оламлар ичра саёҳатнинг мавжудлик қонуниятлари, тилларнинг ўзига хос хусусиятларини очиш интегратив таълимнинг асосий мантиғидир. Интегратив таълим оддийликдан мураккабликка, билишдан илмга, тартибсизликдан уйғунликка, чаққонликдан моҳирликка ва ижодга бўлган ҳаракатни таклиф қилади. Ўқувчи дунё яралишининг “ғиштчалари” билан танишади, оламнинг бошланишига, инсоннинг ерда пайдо бўлишига мурожаат қилади. Сўзлар, сонлар сири, яшил барг, қадимий афсоналар жумбоқларни очиш юзасидан фикрлайди, ўқувчи макон ва замон бўйлаб саёҳатга отланади. Шундай қилиб, бола ҳар куни очиш керак бўлган оламнинг гўзаллиги ва турли-туманлигини ҳис қилади.

“Мураккаб дунёқарашлар илмий, бадий ғоялар ўқувчи тушуниши учун қулай, тасвири мавзуларда ўз аксини топган, улар йил мундарижасини тузишга имкон беради. Бир тартибга солинган тизим интеграцион таълимнинг ўзига хос хусусиятидир.”²² Мактабда йил ва чорак мундарижасига турли эртак қаҳрамонларининг киритилши ҳам шу мақсадга хизмат қилади. Улар мавзудан мавзуга етаклаб, янги нарсаларни билиб олишга ёрдам беради.

Чет эллик олимлар интеграцион таълимнинг курсларини ташкил этиш зарурлиги ҳақида фикр билдиришмоқда.

²² <http://scholar.urc.ac.ru/courses/Technology/intro.html>

Болгариялик олимлар табиий-илмий билимларни ўз ичига олган, 10-12 ёшлик болаларга мўлжалланган интеграцияланган курс яратишди. Шундай қилиб, ўқиш, ёзиш ва оғзаки нутқ “Тил санъати”га, тарих, география, фуқарошунослик, жамиятшуносликка, физика, кимё, биология, астрономия, табиатшунослик ва шу кабиларга бирлаштирилди. Интеграциянинг бундай усулидан тўлиқсиз ва тўлиқ ўрта мактабларда қўлланилади. АҚШдаги ўрта мактабларнинг юқори синфларда физика, кимё, география, геология, кристаллография, тупроқшунослик ва шу кабиларнинг ўз ичига олувчи “Ёрни ўрганиш” фани киритилган. Чехия, Словакияда ҳам шундай умумлаштирувчи интеграцияланган “фуқаро тарбияси” деб номланган курс юқори синфларда киритилган.

Шундай қилиб, бир қатор мамлакатлар тажрибалари кўрсатишича, интеграцияланган курслар қулай шакл бўлиб қолди. Мактабда ўқитиладиган фанларни бир бутун тизимли равишда ўқитиш имконияти туғилганга ўхшайди. Лекин шундай савол туғилади: бу курсни қандай ўқитувчи ўқитиши мумкин? Бундай курслар яратилишининг ўзи юқори малакали жамоани талаб қилади. Зеро, уни ўқитиш учун юқори малакагина эмас, балки ўта билимдонлик керак. Бундай ўқитувчини ким тайёрлаб беради?

Ким шундай мураккаб кўп предметли ўқув курсини олиб борувчи ўқитувчини моддий ва маънавий жиҳатдан қизиқтира олади? Бу саволлар ҳал қилинмас экан, интеграциянинг бу усули кўзда тутилган натижаларни бермайди. Дарс ижодий, эркин бўлиши билан бирга яҳлит, мантиқан кетма-кет, ўзига хос методикага эга бўлади. Дидактик тизимда предметлараро асосда интеграциялаш ўқитувчи (таълим бериш) ва ўқувчи (таълим олиш) ҳаракатларининг мос келишини кўзда тутуди. Иккала фаолият ҳам умумий тузилишга эга: мақсадлар, сабаблар, мазмун, воситалар, натижалар, назорат. Бироқ ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятларининг мазмунида фарқ бор.

Мақсадли босқичда ўқитувчи умумий мақсадни қўяди. Ўқувчилар ўқитувчи бошчилигида предметлараро боғлиқликларни тушуниб етишлари, турли предметларда керакли билимларни танлаб олишлари керак, бунда улар

Ўз эътибор фикрларини фақат умумий билимларни ўзлаштиришга эмас, балки, кўчириш, таҳлил қилиш, шахснинг белгилари ва қизиқишларини ривожлантиришга қаратишлари керак.

Исботлаш босқичида ўқитувчи ўқувчиларни дунёқарашини ўстирувчи билимларга, турли предметлар тушунчаларини умумлаштиришга рағбатлантиради. Ўқувчилар ўз ҳаракатларини, дунёқарашини кенгайтирувчи билимларга қизиқишга йўналтирадilar.

Фаолиятнинг мазмун босқичида ўқитувчи янги ўқув материалларни киритади, шу билан бирга интеграцион далиллар, тушунчалар, муаммолар мажмуи даражасидаги бошқа предметлардан олинган таянч билимларни жалб қилади. Ўқувчилар умумпредметли тушунча, муаммоларни умумий билимлар даражасида ўзлаштирадilar. Воситалар танлаш босқичида ўқитувчи турли фанлар бўйича билимларни умумлаштиришга ёрдам берувчи кўргазмали воситаларни-дарсликлар, таблицалар, схемалар, саволномалар, амалий вазифаларни қўллайди. Ўқувчилар кўчириш, умумлаштириш, бириктириш каби характерли интеграцион масалаларни кўргазмали воситалар ёрдамида бажарадilar.

Кейинги босқич - натижа. Ўқитувчи таълим бериш, ривожлантириш, тарбиялаш мақсадида интеграцияни амалга ошириш учун педагогик билимларни қўллайди. Ўқувчи билимлар тизимида, умумлаштиради ва уни амалда қўллайди. Назорат қилиш босқичида ўқитувчи бир-бири билан боғлиқ предметлар бўйича ўқувчиларнинг тайёргарлигини баҳолайди, назорат қилади, ўзлаштириш сифатини баҳолайди. Ўқувчилар турли предметлар бўйича ўз билимларини баҳолайдilar, уларни бирлаштириш кўникмаларини назорат қиладilar.

Текширишлар кўрсатишича интеграл ёндашувни амалга оширишга ёрдам берувчи усул ва воситаларга:

- эвристик суҳбатлар;
- умумий суҳбатлар;
- экскурсиялар;

- кузатишлар, бадий асарлар асосида нутқ ўстириш учун ёзилган ижодий ишлар;
- таълимнинг кўргазмали методлари ва ҳ. киради.

Таълимга интеграцион тизимни киритиш яхлит дунёқарашга, ўзидаги бор билимларни мустақил тартибга солиш ва турли муаммоларни ҳал қилишга ноанъанавий ёндашиш қобилиятига эга бўлган билимдон ёшларни тарбиялашда нисбатан кўпроқ ёрдам беради. Таълимни интеграция қилиш моҳияти нимадан иборат? Таълимга боғлиқ “Интеграция” тушунчаси иккита маънога эга:

- 1) Ўқувчида атрофдаги олам тўғрисида яхши тасаввур ҳосил қилиш (бу ерда интеграция таълим мақсади сифатида кўрилади).
- 2) Предметли билимларни яқинлаштириш учун умумий платформани топиш (бу ерда интеграция-таълим воситаси).

Махсус таълим. Жаҳон мактаби иқтидорли ўқувчилардан фарқли бўлган ногирон, ақлий ривожланишда меъёрдан оғишган каби анормал болалар тақдирига ҳам алоҳида эътибор билан қарайди. Бундай болалар учун махсус дифференциал таълим –мактаб фаолиятининг муҳим йўналишидир.

АҚШда 1990 йиллар бошларида 4,5 млн. ногирон болалар жамоат мактабларида таҳсил олдилар. Буларнинг ичида энг катта гуруҳни енгил мия шикастланиши оқибатида ўқишга қийналаётган болалар ташкил этади. Ундан кейин нутқида камчилиги бўлганлар, ақли заифлар, кўр, кар, жисмоний ногиронлар ва б. болалар туради. Бу ерда “Ногирон болаларнинг таълими” ҳақидаги қонун қабул қилинди ва йирик субсидиялар ажратилди. Мактабларда ногирон болалар билан ишлаш бўйича психологлар, социологлар ва бошқа мутахассислар ишлай бошладилар. Ногиронларни ўқитиш учун янги техника, компьютерлар жорий қилинди. Ногирон болаларнинг бир қисми оддий мактабдан ташқарида ўқитилса, бир қисми учун алоҳида синфлар ташкил этилди.

Францияда мажбурий таълим ҳақидаги Қонун ногирон болаларга ҳам тегишли. Улар оддий мактаб ёки махсус ўқув муассасаларида таълим

олишлари мумкин. Бундай болаларни ўқитиш, мослаштириш масалалари билан алоҳида департамент комиссияси шуғулланади. Француз педагоглари ногирон болаларни соғлом тенгдошларидан ажратиб эмас, балки бир мактабда ўқитиш тарафдоридирлар. Айрим ҳолатлардагина уларни махсус таълим муассасаларига жойлаштирадилар

Назорат саволлари:

1.Интеграцион таълимни ўз фанингиз доирасида қандай амалга ошириш мумкинлиги ҳақида фикрингизни билдилинг.

2.Ўзбекистонда Ўрта махсус касб-ҳунар таълими тизими ва олий таълим тизимидаги ўқув предметларининг интеграциясини таҳлил қилинг.

3.Ўзбекистонда ва ривожланган мамлакатларда махсус таълим тизимини қиёсий таҳлил қилинг.

4.Қуйидаги чизмага эътибор қаратинг. Муаммо юзасидан фикрингизни изоҳлаб беринг.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Richard Arum, Melisa Velez. Improving Learning Enviroment: Schol Discipline and Comporative Perspektive. Stanford Universiy Press, USA 2012.

2. H.Fry, S. Ketteridge, S.Marshall. HandbookFor teaching and Learning in Higher Education. New York, Routledge, 2009.

3. Higher education in japan. Higher Education Bureau, Ministry of Education, Culture, Sports, Science and Technology. 3-2-2 Kasumigaseki, Chiyoda-ku, Tokyo 100-8959, Japan Tel: +81-3-5253-4111 (Reception)

4. Eduscol. education.fr./ dossiers. School Education in Franse. ISBN 978-92-9079-921-4 Available for free downloading from the CEPS website (<http://www.ceps.eu>) © CEPS, 2009

5. http://cache.media.eduscol.education.fr/file/dossiers/07/3/2013_School_Education_in_France_244073.pdf.

6. Florian Geyer. The Educational System in Belgium CEPS Special Report/September. ISBN 978-92-9079-921-4 Available for free downloading from the CEPS website <http://www.ceps.eu>)© CEPS, 2009.

7. 7.Improving Learning Environments: School Discipline and Student Achievement in Comparative Perspective (Studies in Social Inequality) Hardcover- June 13, 2012

8. Абдуқодиров А.А., Астанова Ф.А., Абдуқодирова Ф.А. “Case-study” услуби: Назария, амалиёт ва тажриба.-Т.:Тафаккур қаноти, 2012.-131 б.

9. Абдуқодиров А.А., Пардаев А.Х. Таълим жараёнини технологиялаштириш назарияси ва методологияси.-Т.:Фан ва технология.-102 б.

10. Абдуқодиров А.А., Пардаев А.Х. Педагогик технологияга оид атамаларнинг изоҳли луғати.-Т.:Фан ва технология.-43 б.

11. Ишмухамедов Р. Таълимда инновация.-Т.:Фан, 2010.

12. Ишмухамедов Р. Тарбияда инновацион технологиялар.-Т.: Фан, 2010.

13. Копченков В. Новая профессия-фасилитатор онлайн-сообществ.// <http://community.sk.ru/press/reading/b/buildabusiness/archive/2013/03/28/novaya-professiya-1320-fasilitator-onlaynsoobschestv.aspx>

14. Очиллов М. Янги педагогик технологиялар.-Қарши, 2000.
Саидахмедов Н.С. Янги педагогик технологиялар.-Т.: Молия, 2003.

Интернет ресурслар

1. www.tdpu.uz
2. www.pedagog.uz
3. www.ziyonet.uz
4. www.edu.uz
5. [tdpu-INTRANET. Ped](#)

4-АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ.

Мавзу: Таълим соҳасини ривожлантириш бўйича хорижий тажрибалар: Модулли-кредит тизими.

Ишдан мақсад: Таълим соҳасини ривожлантириш бўйича хорижий тажрибаларни ўрганиш ва таҳлил қилиш. Модулли-кредит тизимидаги янги маълумотларни олиш.

Масаланинг қўйилиши: модулли ўқитишда ўқув дастурларини тўла қисқартирилган ва чуқурлаштирилган табақалаш орқали босқичма-босқич ўқитиш имконияти яратилади. Яъни ўқитишни индивидуаллаштириш мумкин бўлади. Модулли ўқитишга ўтишда қуйидаги мақсадлар кўзланади:

- ўқитишнинг узлуксизлигини таъминлаш;
- ўқитишни индивидуаллаштириш;
- ўқув материални мустақил ўзлаштириш учун етарли шароит яратиш;
- ўқитишни жадаллаштириш;
- фанни самарали ўзлаштиришга эришиш.

Модулли ўқитиш фаннинг асосий масалалари бўйича умумлаштирилган маълумотлар берувчи муаммоли ва йўриқли маърузалар ўқилишини тақозо этади. Маърузалар тингловчиларнинг ижодий қобилиятини ривожлантиришга қаратилмоғи лозим.

Ишни бажариш учун намуна.

Модул амалий ва лаборатория машғулотлари маърузалар билан бирга тузилиши, улар маърузалар мазмунини ўрганиладиган янги материал билан тўлдирилиши керак.

1-ТОПШИРИҚ. “Илғор хорижий тажрибалар” модулининг методологик асосига доир қуйидаги тоифалаш жадвалини тўлдилинг.

Объекти	Предмети	Функциялари	Тадқиқот методлари

2-ТОПШИРИҚ. Юртимиз таълим тизимининг истиқболли ривожига ҳақида ўз фикрларингизни баён этинг.

3-ТОПШИРИҚ. “Илғор хорижий тажрибаларнинг таълим тизими ривожига аҳамияти шундаки...” мавзусида асосланган эссе ёзинг.

Топшириқни бажариш тартиби:

1. Мазкур мавзу юзасидан ўз нуқтаи назарингизни баён этинг.
2. Нуқтаи назарингизни асослаш учун мисоллар келтиринг.
3. Мавзу юзасидан аниқ хулосалар чиқаринг.

4-ТОПШИРИҚ. Интернетдан турли давлатларнинг таълим соҳаларига бағишланган энг янги маълумотларни олиш ва таҳлил қилишга тайёрланиш.

5-ТОПШИРИҚ. Ривожланган хорижий давлатлардаги меҳнат таълими ва касбга йўналтириш соҳасидаги ишларни таҳлил қилинг, уни Ўзбекистондаги касбга йўналтириш ишлари билан таққосланг.

Назорат саволлари:

1. Таълим соҳасини ривожлантириш бўйича хорижий тажрибаларни таҳлил қилинг.

2. Юртимиз таълим тизимининг истиқболли ривожига ҳақида ўз фикрларингизни баён этинг.

3. Жаҳон олий таълим тизимида кредит тизими турларини тушунтиринг.

4. Кредит тизими таълим натижаларини кўрсатувчи ўлчов бирлиги сифатида эканлигини тушунтиринг.


Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Абдуқодиров А.А., Астанова Ф.А., Абдуқодирова Ф.А. “Case-study” услуби: Назария, амалиёт ва тажриба.-Т.:Тафаккур қаноти, 2012.-131 б.
2. Абдуқодиров А.А., Пардаев А.Х. Таълим жараёнини технологиялаштириш назарияси ва методологияси.-Т.:Фан ва технология.-102 б.
3. Абдуқодиров А.А., Пардаев А.Х. Педагогик технологияга оид атамаларнинг изоҳли луғати.-Т.:Фан ва технология.-43 б.
4. Ишмухамедов Р. Таълимда инновация.-Т.:Фан, 2010.
5. Ишмухамедов Р. Тарбияда инновацион технологиялар.-Т.: Фан, 2010.

V. КЕЙСЛАР БАНКИ


1- КЕЙС. Ўзбекистон ва Бельгия таълим тизимининг умумий ва хусусий жиҳатларини таққосланг, таҳлил қилинг. Таҳлил асосида Бельгия таълим тизимининг ижобий жиҳатларини Ўзбекистон таълим тизимига тадбиқ этиш механизмини асосланг. Бунда миллийлик, тарихийлик, миллий мафкура, умуминсоний ва миллий қадриятларни ҳисобга олинг.

Бельгия таълим тизимини чизмага қараб тушунтириб беринг




2- **КЕЙС.** Чизмада кўрсатилган Ўзбекистон ва Хитой таълим тизимидаги модулли-кредит тизимни таҳлил қилинг. Таҳлил асосида Хитой таълим тизимининг ижобий жиҳатларини Ўзбекистон таълим тизимига тадбиқ этиш механизмини асосланг.

ХИТОЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ



ЎЗБЕКИСТОН ТАЪЛИМ ТИЗИМИ.



VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ

Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Тингловчи мустақил ишни муайян модулни хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланиб тайёрлаши тавсия этилади:

- меъёрий ҳужжатлардан, ўқув ва илмий адабиётлардан фойдаланиш асосида модул мавзуларини ўрганиш;

- тарқатма материаллар бўйича маърузалар қисмини ўзлаштириш;

- махсус адабиётлар бўйича модул бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;

- тингловчининг касбий фаолияти билан боғлиқ бўлган модул бўлимлари ва мавзуларни чуқур ўрганиш.

МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ

1. Ўзбекистон ва Буюк Британия давлати таълим тизимининг ўхшаш ва фарқли жиҳатлари.

2. Фанлараро боғланиш асосида таълим жараёни интеграцияси бўйича тадқиқотлар таҳлили.

3. Ривожланган хориж давлатларида эълон қилинган халқаро дастурлар ва грантлар.

4. Педагогик тизимни интеграциялашда асосий методологик талаблар.

5. Хитой, Испания, Сингапур давлатлари таълим тизимининг ўзига хосликлари.

6. Дифференциал дастур асосида таълим беришнинг мазмун моҳияти.

7. Интеграцион ва дифференциал таълимнинг ўзаро боғлиқлиги.

8. ЮНЕСКО ташкилотининг жаҳон таълим, фан, маданиятига қўшган ҳиссаси.

9. Болонья декларацияси ва Европа ягона таълим муҳити тушунчаси.

10. Жаҳон таълим тизимларининг таҳлил қилишда қиёсий педагогик методларнинг ўрни.

11. Blended learning (аралаш ўқитиш) нинг мазмун моҳияти.

12. Хорижий таълимда сўнгги йилларда кириб келган тьютор, эдвайзер, фасилитатор ва модератор атамаларининг мазмуни.

13. Иқтидорли ёшлар таълими дифференциал таълимнинг асосий йўналиши сифатида.
14. Таълим хизматларини кўрсатиш борасидаги хорижий тажрибалар.
15. Педагогика фанининг ривожланишига доир энг сўнгги илмий назариялар ва уларнинг муаллифлари фаолияти.
16. Соҳа илмий мактаблари фаолияти. Илмий мактабларда эришилган ютуқлар.
17. Педагогика соҳасида яратилган янги ўқув ва илмий адабиётлар таҳлили.
18. АҚШ ва Осиё давлатларида модулли-кредит тизими.
19. Анъанавий ўқитиш ва модулли ўқитиш технологиясининг фарқли жиҳатлари.
20. Хориж таълим тажрибасида масофавий таълимнинг ўрни.

VII. ГЛОССАРИЙ

Термин	Ўзбек тилидаги шарҳи	Инглиз тилидаги шарҳи
ERASMUS	(European Community Action Scheme for mobility of University students) TEMPUS ва бошқа дастурлари асосида чет элларда таҳсил олиш имкониятига эга бўладилар.	(European Community Action Scheme for Mobility of University students) on the basis of the TEMPUS and other programs will have the opportunity to study abroad.
Билим - knowledge	ҳақиқий борлиқ умумий аксини топади. Талабалар ходиса, воқеа, қонуниятлар тўғрисидаги маълумотларни ўрганадилар ва у уларнинг ютуғи бўлади.	really being reflected in the total. Student events, learn information about the laws and their achievement.
Болонья декларацияси- Bologna Declaration	2001 йилда 29 та Европа давлатлари таълим вазирлари томонидан Болонья декларациясининг имзоланиши. Европа таълим ҳудудини яратилиши. Болонья декларациясига кўра дипломларнинг ўзаро тан олиними, яъни ўқитиш натижаларини якуний кўрсаткичларнинг ўзаро тан олинмиш муддати-2010 йил деб белгиланган эди.	In 2001, 29 countries of the European education ministers signed the Bologna Declaration. The creation of the European education area. Mutual recognition of diploma according to the Bologna Declaration, the mutual recognition of the final results of the training indicators for the period of 2010 respectively.
Вазият- situation	(ситуация) (кейинги лотинчадаги situation - аҳвол)-муайян вазият, аҳволни ҳосил қиладиган шарт-шароитлар ва ҳолатлар уюшмаси.	(Situato) (the situation in Latin - the situation) - specific situation, the situation creates the conditions and circumstances of the Association.
Вебинар усули- Webinars method	дарс семинар ёки конференция Интернет орқали бир вақтда ҳозир бўлган талабалар билан аудио видео (ва аввалги постларда санаб ўтилган кўплаб	Courses, seminars or conferences with the students present at the time audio and video over the Internet (and mentioned in previous

	интерактив имкониятлар) билан жонли олиб борилиши.	posts, many interactive options) to live.
Дастурлаштирилган таълим бериш- Programmed learning	Дастурлаштирилган таълим бериш асосини, тартибга келтирилган топшириқларни намоён қилувчи, ўргатуви дастур ташкил этади. У бутун ўқитиш жараёнини бошқаради.	Learning the basic tasks, the training program. It manages the entire learning process.
Касб- profession	бу меҳнат фаолиятининг барқарор тури бўлиб, у нафақат аниқ билим ва кўникмаларни бўлишини талаб қилмай, балки бир хил бўлган умум касбий билимларни ҳам бўлишини талаб қилади	This type of stable activity, it not only does not require specific knowledge and skills, but also requires the same general professional knowledge
Кейс-стади Case study	(инглизча case - тўпلام, аниқ вазият, stadi -таълим) кейсда баён қилинган ва таълим олувчиларни муаммони ифодалаш ҳамда унинг мақсадга мувофиқ тарздаги ечими вариантларини излашга йўналтирадиган аниқ реал ёки сунъий равишда яратилган вазиятнинг муаммоли-вазиятли таҳлил этилишига асосланадиган таълим услубидир.	(English Chassis kit, clear the situation, study the field), Casey explained and trained the way of solving the problem formulation and the purpose of his options Search Ref concrete situation, real or artificially created problem-based analysis of the situation of the teaching methods.
Концепция- concept	умумий ғоя ёки бирор-нарсга тўғрисида тасаввур, тушунча, фикрлар тизими.	The general idea, or think about something, the concept and ideas.
Кредит - Credits	Host университетда (қабул қиладиган университет) муваффақиятли ўтилган барча фанлар Post-университетда (талабани бошқа ОТМга жўнатган университет) ҳисобга олиниши зарур.	Host University (the university) has successfully passed all the subjects of post - university (university students sent OTMG) should be taken into account.
Кредит (Credit)	шартли синов бирлиги бўлиб, талабанинг ўқув фанининг маълум бир қисмини ўтганлиги ҳақидаги маълумот беради. Ҳар бир ўқув фанига	Conditional test unit, students study science in a specific part of the report to the information. Each school science

	маълум миқдордаги кредит бирликлари ажратилади. Кредит бирликлари сони талабаларнинг меҳнат сарфига мос ҳолда белгиланади	allocate a certain number of credit units. Credit is determined by the number of units according to the students' labor costs.
Кўникма - the ability to	эгаллаган билимлар асосида ўзгарувчан шароитларда бирорта фаолиятни амалга ошириш қобилияти.	based on knowledge of changing conditions, the ability to carry out any activities.
Малакалар qualified	бу, кўп марта такрорлаш натижасидаги машинал (беихтиёр), ҳаракатлардир.	This is repeated several times (involuntary), action
Модератор - moderator	Қабул қилинган қоидаларга амал қилиш текширади, талабаларнинг мустақил фикрлаш ва ишлаш қобилиятларни ривожлантириш, билиш фаолиятини фаоллаштиришга ёрдам беради. Маълумотни, семинарни, тренинглар ва давра суҳбатларини бошқаради, фикрларни умумлаштиради.	Checks the validity of the regulations adopted in the development of students' independent thinking and processing skills, knowledge, help to boost activity. Information, seminars, workshops and panel discussions, provide generalizes.
Модулли ўқитиш - modular training	ўқитишнинг истиқболли тизимларидан бири ҳисобланади, чунки у таълим олувчиларнинг билим имкониятларини ва ижодий қобилиятларини ривожлантириш тизимига энг яхши мослашгандир.	Because it is one of the promising systems of education in educational opportunities for recipients of knowledge and creative skills development system is the best fit.
Муаммоли вазият - a problematic situation	Мазкур ҳолда вазият субъектининг ҳозирги вақтда ёки келгусидаги мақсадларга эришишига хавф соладиган вазият тушунилади.	Currently the subject of the situation in this case understood the situation or endanger the future to achieve the objectives.
Муаммоли таълим-problematic training	муаммони ҳал этиш ғояси ётувчи, яхлит тизим.Муаммоли ўқитиш ҳам амалий, ҳам назарий-билиш хусусиятидаги муаммоли вазиятларни ҳал этиш орқали янги билимларни эгаллашга	That underlie the idea of solving the problem, a holistic training tizim.Muammoli both practical and theoretical know-featured solution to problematic situations

	асосланган.	based on new knowledge.
Рақобатбардош мутахассис-competitive specialist	бу биринчидан, ўзининг қобилиятларини ривожланганлиги, касбий чуқур билимлилиги, шахсий ва фуқаровий сифатларини шаклланганлиги, иккинчидан шахсий ва оилавий фаровонликни таъминлашга имкон берувчи, маҳсулотга яхши баҳо берувчидек таклиф қила олиш каби касбий фаолиятга юқори даражадаги тайёргарликдир.	This, first of all, his ability, professional deep knowledge of personal and civil formulated, and secondly to provide individual and family welfare, product ratings, such as the employer's ability to offer high level of professional training.
Ривожлантирувчи вазифа-Educational task	ўқитиш жараёнида шахснинг ақлий, ҳиссий ва иродавий ривожланиши, билишга бўлган интилишларини ва ижодий фаолликни шаклантириш ва ривожлантиришни таъминлашдан иборат бўлади.	he process of teaching a person's mental, emotional and of Zulayha development, the desire to know and to ensure the development of creative activity.
Ривожлантирувчи таълим - developing training	ўқитувчининг асосий вазифаси билиш мустақиллиги ва қобилиятларини ривожлантиришга йўналтирилган, талабаларни ўқув фаолиятини ташкиллаштириш ҳисобланади.	Aimed to improve the ability to learn independence and the role of the teacher, the students' educational activities.
Таълим олиш - education	бу билим, кўникма ва малакалар тизимини эгаллаш жараёнидир, яъни бунда шахснинг ижодий фаолиятининг жиҳатлари, дунёқарashi ва ўзини тутиш сифатлари ташкил топади, ҳамда билиш қобилиятлари ривожланади.	This knowledge, skills and process skills to master the system, which is such a personal aspects of creative activity, as the outlook and behavior, in the ability to learn and develop.
Таълим бериш-learnig education	бу ҳамкорий фаолиятни намоён қилиб бунда касб таълим ўқитувчиси талабалар фаолиятини	This cooperation activities with respect to the organization of the professional teacher

	ташкиллаштиради, рағбатлантиради, ўзгартиради ва назорат қилади.	education students, encourage, change and control.
Тьютор - Tyutin	(<i>Tutoretm-лотинча</i>) устоз, мураббий вазифасини бажаради. Баъзи ҳолларда маъруза ўқитувчиси билан талаба орасидаги боғловчи ролини ҳам бажаради. Бунда маъруачи томонидан берилган билимларни кенг эгаллашда маслаҳатчи ва устоз ролини бажаради.	(Tutored Latin) serves as a mentor coach. In some cases, the report fulfills the role of a link between a teacher and a student. At the same time, by ma'ruachi knowledge and skills acts as an advisor and mentor.
Ўқитиш training	- бу таълим олувчиларга янги ўқув ахборотини тақдим этиш, уни ўзлаштиришни ташкиллаштиришга, кўникма ва малакаларни шакллантиришга, билиш қобилиятларини ривожлантиришга мақсадли йўналтирилган, мунтазамли ташкилий жараён дир.	trained to provide new information, organization skills and mastering of skills, knowledge, abilities, develop targeted, the regularity of the process.
Фасилитатор facilitators	- (инглиз тилида <i>facilitator</i> , латинча <i>facilis</i> —енгил, қулай)- гуруҳлардаги фаолият натijasини самарали баҳолаш, муаммонинг илмий ечимини топишга йўналтириш, гуруҳдаги коммуникацияни ривожлантириш каби вазифаларни бажаради.	(English .facilitator latinchafacilis lightweight, easy) to assess results of the working groups, such as the development of the group to find a solution to the problem of scientific and other communications functions.
Эвристик ўқитиш heuristic teaching	- ўқитувчи ўқувчилар билан ҳамкорликда ҳал этилиши зарур бўлган масалани аниқлаб олиши. Ўқувчилар эса мустақил равишда таклиф этилган масалани тадқиқ этиш жараёнида зарурий билимларни ўзлаштириб оладилар ва унинг ечими бўйича бошқа вазиятлар	clarify the issue needed to be resolved in cooperation with teachers, students. Students and independent research on the issue of the proposed mastered the necessary knowledge, and, compared with the resolution of the other

	<p>билан таққослайди. Ўрнатилган масалани ечиш давомида ўқувчилар илмий билиш методларини ўзлаштириб тадқиқотчилик фаолиятини олиб бориш кўникмаси тажрибасини эгаллайдилар.</p>	<p>cases. Students know the scientific methods to solve'll assume the experience of conducting research skills.</p>
<p>Эдвайзер (advisor)</p>	<p>французча “avisen”“ўйламоқ”) талабаларнинг индивидуал ҳолда битирув малакавий иши, курс лойиҳаларини бажаришда маслаҳатчи ролини бажаради.</p>	<p>French "avis", "think"), the work of students in the individual final qualification, of course, acts as a consultant to complete projects.</p>

VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Richard Arum, Melisa Velez. Improving Learning Environment: School Discipline and Comparative Perspective. Stanford University Press, USA 2012.
2. H.Fry, S. Ketteridge, S.Marshall. Handbook For teaching and Learning in Higher Education. New York, Routledge, 2009.
3. Higher education in Japan. Higher Education Bureau, Ministry of Education, Culture, Sports, Science and Technology. 3-2-2 Kasumigaseki, Chiyoda-ku, Tokyo 100-8959, Japan Tel: +81-3-5253-4111 (Reception)
4. Eduscol. education.fr./ dossiers. School Education in France. ISBN 978-92-9079-921-4 Available for free downloading from the CEPS website (<http://www.ceps.eu>) © CEPS, 2009
5. http://cache.media.eduscol.education.fr/file/dossiers/07/3/2013_School_Education_in_France_244073.pdf.
6. Florian Geyer. The Educational System in Belgium CEPS Special Report/September. ISBN 978-92-9079-921-4 Available for free downloading from the CEPS website <http://www.ceps.eu>)© CEPS, 2009
7. Джалалова Д.Х. Основные тенденции развития современной японской школы. Автореферат дис.к.п.н. 2004.
8. Титов В.А.Педагогика зарубежных стран (сравнительная педагогика). А-Приор, 2010.
9. Муталипова М.Ж., Ходжаев Б.Х. Қиёсий педагогика.-Т: 2015й.
10. Джусубалиева Д.М. Сравнительная педагогика. Методический альманах.-Алматы, 2007.
11. Урастаева Г.Д. Сравнительная педагогика. -Алматы, 2006.
12. Хошимов К., Нишонова С. Педагогика тарихи.-Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2005.
13. Ишмухамедов Р. ва б. Таълимда инновацион технологиялар.-Т.: Истеъдод, 2008.

14. Ишмухамедов Р. ва б. Тарбияда инновацион технологиялар.-Т.: Истеъдод, 2008.
15. Абдуқодиров А.А., Астанова Ф.А., Абдуқодирова Ф.А. “Case-study” услуби: Назария, амалиёт ва тажриба.-Т.:Тафаккур қаноти, 2012.-131 б.
16. Абдуқодиров А.А., Пардаев А.Х. Таълим жараёнини технологиялаштириш назарияси ва методологияси.-Т.:Фан ва технология.-102 б.
17. Абдуқодиров А.А., Пардаев А.Х. Педагогик технологияга оид атамаларнинг изоҳли луғати.-Т.:Фан ва технология.-43 б.
18. Ермолаева Е.И. Модульное обучение в вузе: его основные учебные элементы. -Пензинский университет, 2010.- 75 с.
19. Ишмухамедов Р. Таълимда инновация.-Т.:Фан, 2010.
20. Ишмухамедов Р . Тарбияда инновацион технологиялар.-Т.: Фан, 2010.

Интернет ресурслар

1. <http://www.mext.go.jp/>
2. books@bmbf.bund.de
3. Internet: <http://www.bmbf.de>